

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом
университети

Ҳимояга рухсат этилди.

“Миллий ғоя, маънавият асослари ва
ҳуқуқ” кафедраси мудири ю.ф.д.

проф._____Ж.Тошқулов

«___» _____2014 йил

Искандаров Ислombек Абдурозoқ ўғли

Мавзу: “Мусулмон мамлакатлари ҳуқуқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари”

Таълим йўналиши: 5380200 – Юриспруденция

Бакалавр даражасини олиш учун тақдим этилган битирув малакавий иши

Илмий раҳбар: “Миллий ғоя, маънавият
асослари ва ҳуқуқ” кафедраси мудири ю.ф.д.
проф.Ж.Тошқулов

Тошкент – 2014

Мавзу: Мусулмон мамлакатлари ҳуқуқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари

Режа:

I. Кириш.....3 – 6

II. Асосий қисм.

1. 606. Мусулмон мамлакатлари ҳуқуқий тизими тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари.

1.1. Ҳуқуқий тизими тушунчаси ва турлари.....7 – 32

1.2. Мусулмон мамлакатлари ҳуқуқий тизимининг ўзига хос хусусиятлари.....32 – 51

2. 606. Мусулмон мамлакатлари ҳуқуқ тизимининг мазмуни ва унинг ўзига хос хусусиятлари (Эрон, Индонезия ва Покистон мисолида) .

2.1. Эрон Ислом Республикаси ҳуқуқ тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....52 – 64

2.2. Индонезия Республикаси ҳуқуқ тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....64 – 75

2.3. Покистон Ислом Республикаси ҳуқуқ тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....75 – 90

III. Хулоса ва таклифлар....91 – 93

IV. Фойдаланилган адабиётлар.....94 – 97

Кириш

Мавзунинг долзарблиги: Шарқ цивилизацияларининг ўзига хос хусусиятларидан бири диний қарашлар ва қоидаларнинг жамият ҳаётида катта мавқеъни эгаллашидадир. Замонлар ўтишига қарамасдан у ёки бу диний қадриятлар ва қонун – қоидалар одамларнинг ҳаёт тарзига ўз таъсирини ўтказиб келмоқда. Марказий Осиё, ҳусусан Ўзбекистон замини инсоният тамаддунининг бешикларидан бири ҳисобланади. Ислом дини Арабистон ярим оролида пайдо бўлган бўлсада, унинг ҳар жабҳада юксалиши бошқа ҳудудларда масалан Мовароуннаҳр, Кордова (ҳозирги Испания), Шом (Сурия), Ироқ каби мамлакатларда содир бўлди. VII – аср 2 – ярмидан то XX – аср бошигача бўлган даврда ислом дини ва мафкураси Ўзбекистон ҳудудида етакчи мавқеъни эгаллаб келган. Жумладан ислом ҳуқуқи ва унга мос тарзда талқин этилган одат ҳуқуқи нормалари бу минтақада яшаб келган турли миллат ва элатлар учун бирдек муомалада бўлган ҳуқуқий тизим сифатида амалиётга тадбиқ этилган. Ушбу давр мобайнида ватанимизда фикҳий мактаблар ва уларнинг дунёга машҳур намоёндалари етишиб чиқишди. Мисол тариқасида Бурҳонуддин Марғилоний, Абӯҳафс Кабир ал – Бухорий, Абӯзайд Дабусий, Ҳалвоний, Садрул – ислом Баздавий, Абу Мансур Мотуридий, Нажмиддин Абӯҳафс Насафий, Шамсул – аимма Сарахсий, Ибнул – Баззозий каби фақиҳларни келтириб ўтишимиз мумкин. Юқорида келтирилган алломаларимизнинг илмий мерослари нафақат минтақамизда, балки қўшни мамлакатлар (Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Шарқий Туркистон, Туркия,Эрон) ҳуқуқ тизимларига катта таъсир ўтказган.

Ҳозирги босқичда Марказий Осиё минтақасида ўзига хос ижтимоий – ҳуқуқий вазият юзага келмоқда. Ушбу шароитда юридик нормалар, диний мажбуриятларни билиш жуда муҳим аҳамият касб этади. Буларнинг барчаси нафақат ал – фикҳ соҳасидаги илмий билимлар ва тадқиқотларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришни, балки Марказий Осиёда шаклланган

хуқуқнинг анъанавий шакллари ва қоидаларини қайта тушуниб етишни ҳам тақозо қилади.¹ Шунинг билан олган ҳолда биз ёшлар аجدодларимизнинг меросини чуқур ўрганиб, ундан кераклича хулоса чиқарган ҳолда биздан кейинги келажак авлодларга етказишимиз зарурдир.

Бундан ташқари исломда вужудга келган оқимлар ва мазҳабларнинг турли минтақаларга тарқалиши ушбу мамлакатларда ҳам ўзгача ҳуқуқий тизимларнинг шаклланишига замин яратди. Масалан Эрон Ислам Республикасини олсак. Тарихан ва ҳозирда ҳам ушбу мамлакат билан давлатимиз ўртасида узвий алоқалар ўрнатилган. Эрон Ислам Республикаси сиёсатида ислом дини “ Шиа йўналиши ” нинг аҳамияти жуда катта . Бу нарсани ушбу давлат ҳуқуқий тизимида ҳам ўз аксини топган. Умуман олиб қараганда ҳозирда Ўзбекистон кўплаб соҳаларда ҳамкорлик қилаётган Осиё мамлакатлари (Эрон, Покистон, Индонезия) билан алоқаларда ислом ва ислом шариати омилларини ҳам унутмаслигимиз лозимдир.

Ҳозирги кунда ҳам ислом ҳуқуқи ушбу минтақаларда шаклланган ҳуқуқий тизимларда озми – кўпми ўз таъсирини сақлаб қолган. Давлатимиз ва фуқароларимизнинг ушбу мамлакатлар билан турли ҳуқуқ соҳалари доирасидаги муносабатларга киришган чоғида исломий қонун – қоидаларга ҳам тўқнаш келишади. Бундай вазиятларда ҳар томонлама маълумотга эга бўлиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Шу боисдан ҳозирги кундаги глобаллашув жараёнида ташқи алоқалар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси: Давлатимиз озодликка чиққунига қадар бир қатор совет олимлари бу борада илмий изланишлар олиб боришган. Ўларнинг орасида ватандошларимиз ҳам улкан ишларни олиб боришган. У. Ахмеджанов, Н. Н. Абидова, Г. А. Керимов, Г. И.

¹Раҳманов А. Р., Раҳманов А. Р. Ислам ҳуқуқи: Олий ўқув юртлири учун дарслик./ Масъул муҳаррир : Н. И. Иброҳимов. ЎзРФА академиги. проф – Т.: ТДЮИ, 2007. – Б. 7.

Муромцев, М. Муллаев, А. Х. Расулов, Л. Р. Сюкияйнен, М. Н. Садагдар каби олимларнинг фаолиятларини мисол сифатида келтиришимиз мумкин.²

Мустақилликка эришганимиздан сўнг ислом ҳуқуқи ва мусулмон мамлакатлари ҳуқуқий тизимлари доирасида Ўзбекистон олимлари объектив равишда тадқиқ этиш имкониятига эга бўлдилар. А. Р. Раҳманов, А. Р. Раҳманов, А. Х. Саидов, А. Ш. Жўзжоний, О. Қориев сингари олимларимиз мусулмон ҳуқуқини халқаро ҳуқуқ доирасида ва ҳуқуқий меросимиз сифатида ўрганиб келишмоқдалар.³

Лекин республикамизда мусулмон мамлакатлари ҳуқуқий тизими ва унга классик ислом ҳуқуқининг таъсири ва унинг алоҳида олган мусулмон мамлакатлари ҳуқуқ тизимига таъсири махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Битирув малакавий ишининг мақсади: ислом ҳуқуқи ва у билан боғлиқ мусулмон мамлакатларини ҳуқуқ тизимларининг турли қирралари ва йўналишларини ўрганиш долзарб масала эканлигидан келиб чиқади. Шу сабабдан биз ҳозирги кунда Покистон, Эрон ва Индонезия каби ислом ҳуқуқининг улкан таъсири сезиладиган давлатларнинг ҳуқуқий тизимларига мурожаат қилдик. Ислом ҳуқуқининг таъсирини ушбу давлатлар мисолида ўрганиш тадқиқотнинг мақсадларидан биридир. Тадқиқотнинг асосий мақсади мусулмон ҳуқуқининг ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари орасида тутган ўрни, халқаро муносабатлар давлатлар ўртасидаги

²Қаранг: Ахмеджанов У. Институт собственности в мусулманском праве: Афтореф. дисс. канд. юрид. наук. М: 1963. – 24 с.; Абидова Н. Н. Суды казиев и особенности процесса их ликвидации в Узбекской ССР: Афтореф. дисс. канд. юрид. наук. Т: 1973. – 26 с.; Керимов Г. А. Шариат и его социальная сущность. – М: Мысл, 1978. – 146 с.; Муромцев Г. И. Некоторые особенности становления национального права в странах Африки, развивающихся по некапиталистическому пути: Афтореф. дисс. канд. юрид. наук. М: 1968. – 23с.; Муллаев М. Происхождение и реакционная сущность шариата. Д: Ирфон. 1967. – 267 с.; Расулов А. Х. Создание и развитие Советского суда в Узбекистане. Т: Госиздат. 1957. – 389 с.; Сюкияйнен Л. Р. Мусульманское право. Вопросы теории и практики. М: Наука, 1986. – 542 с.; Садагдар М. Н. Основы мусульманского права. М: УДН, 1968. – 132 с.

³Қаранг: Раҳманов А. Р., Раҳманов А. Р. Ислом ҳуқуқи: Олий ўқув юртлари учун дарслик./ Масъул муҳаррир : Н. И. Иброҳимов. ЎзРФА академиги. проф – Т.: ТДЮИ, 2007. – 496 б.; Жўзжоний, А. Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. Т: Тошкент ислом университети. 2002. – 256 б.; Саидов А. Х. Основы мусульманского права. Курс лекций. Т: Акад. МВД Республики Узбекистан, 1994. – 243 с.; Қориев О. Ислом ҳуқуқшунослиги ва Бурҳонуддин ал – Марғиноний // “Ҳаёт ва қонун” журналы, № 2 1994. – 7 б.

дипломатик аълоқалардаги аҳамиятини аниқлаш ҳамда, Ўзбекистоннинг бой ҳуқуқий мероси сифатида ислом ҳуқуқининг ҳам ўзига хос ўрни борлигини кўрсатиб беришдан иборатдир.

Битирув малакавий ишининг вазифалари:

- ислом ҳуқуқи доирасида буюк фақиҳлар томонидан олиб борилган илмий изланишларга ва яқин ўтмиш ва ҳозирги пайтдаги мусулмон ҳуқуқининг амалиётига баҳо бериш;
- ислом ҳуқуқи ва мусулмон мамлакатлари ҳуқуқ тизимларининг ХХІ аср интеграциялашув жараёнлари кучаяётган даврда уларда рўй бераётган ўзгаришларнинг ўрни ва аҳамиятини аниқлаш;
- ҳозирги даврда жадал тарзда ривожланаётган ислом ҳуқуқи ва унинг турли соҳаларини(исломий банк тизими, жазо турлари, бошқарув шакли, фуқаролик муносабатлари ва ҳ.к.з.) фаолиятини ўрганиш; шунингдек, бугунги кунда мусулмон мамлакатларида ислом ҳуқуқининг қай даражада таъсирга эга эканлигини очиб бериш;

Битирув малакавий ишининг объекти ва предмети: Битирув малакавий ишимнинг объекти бўлиб ислом ҳуқуқи ва унга мисол сифатида мусулмон мамлакатлари ҳуқуқ тизими ҳисобланади. Ушбу мавзуда иш олиб бориш давомида унинг қуйидаги предметларига мурожаат қиламиз: мусулмон ҳуқуқи вужудга келиши ва ривожланишининг умумий қонуниятлари; мусулмон давлатларидаги ҳокимиятнинг ижтимоий моҳияти; уларнинг бошқарув шакллари ва давлат қурилишининг ўзига хос хусусиятлари, Эрон, Индонезия, Покистон каби мусулмон мамлакатлари ҳуқуқ тизимида ислом ҳуқуқи нормаларининг акс этиши.

Битирув малакавий ишининг тузилиши: Битирув малакавий иши кириш, икки боб – беш параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1 .боб. Мусулмон мамлакатлари ҳуқуқий тизими тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари.

1.1 Ҳуқуқий тизим тушунчаси ва турлари

Инсон яратилганидан буён у доимо ижтимоий жараёнлар қуршовида ҳаёт кечириб келади. Ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун инсон ҳуқуқий нормаларга эҳтиёж сезади. Инсон тафаккури ва жамиятнинг ривожланиши натижасида ҳуқуқий нормалар ҳам мураккаблашиб, маълум маънода тизимлашиб боради. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак башарият тамаддуни юксалишида ҳуқуқ тизимининг ўрни беқиёсдир. Буларнинг ҳаммаси ижтимоий муносабатларни максимал даражада тез ва самарали тартибга солишга ёрдам берди.

Ҳуқуқ тизими – ҳуқуқнинг ички тузулиши, ички қурилиши – таркиби бўлиб, у ҳуқуқнинг қандай қисмлардан иборат эканлигини ва қисмлар ўртасидаги муносабат ҳамда нисбатни кўрсатади.⁴

Ҳуқуқий тизим деганда эса, тор маънода “миллий ҳуқуқий тизим” деб аталадиган маълум давлатнинг ҳуқуқи тушунилади. Бунда “ҳуқуқий тизим” тушунчаси “ҳуқуқ тизими” тушунчасининг синоними эмас, чунки кейингиси объектив ва субъектив омиллар билан белгиланадиган, ҳуқуқ соҳаларининг тузулиши, ўзаро алоқаси ва муносабатини очиб берадиган институционал тушунчадир.⁵

Қўшимча қилиб айтганда ҳуқуқий тизим, ҳуқуқ тизими ва уни амалиётга тадбиқ этувчи воситалар асосида вужудга келувчи ўзига хос муносабатлар йиғиндисидир. Бу муносабатлар ҳар бир халқда турлича намоён бўлиши мумкин. Чунки ҳуқуқий тизим шаклланишида унга этник, ирқий, географик, маданий ҳамда диний қарашларнинг у ёки бу даражадаги таъсирини сезишимиз мумкин. Ҳуқуқий тизим тўрисидаги таъсуротга биз маълум бир

⁴Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. / Ҳ. Б. Бобоев ва Ҳ. Т.Одилқориев таҳрири остида, ю. ф . д. проф– Т. “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” 2000. – Б. 312.

⁵Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. / Ҳ. Б. Бобоев ва Ҳ. Т.Одилқориев таҳрири остида, ю. ф . д. проф– Т. : ТДЮИ, 2005. – Б. 386.

ҳуқуқ соҳасининг бирор давлатларнинг ҳуқуқ тизимлари доирасида қай даражада тадбиқ этилиши, улар ўртасидаги фарқлар, ўхшашлик томонлари ҳамда ўзаро алоқага киришишида эга бўлишимиз мумкин. Ҳуқуқий тизим ҳуқуқ тизимини қамраб олиши билан бирга жамиятдаги бошқа соҳалар билан ҳам алоқага киришади ва ҳуқуқ нормаларининг тадбиқ этилишига ўз таъсирини кўрсатади. Мисол тариқасида “суд прецедентининг” судлов тизимида қўлланилишида ҳуқуқий тизимлар ўртасида юзага келувчи фарқлар ва ўхшашликларни олишимиз мумкин.

Ҳуқуқий тизимларни юзага келишига ҳуқуқ оилалари замин яратиб берди. “Ҳуқуқий оила - тушунчаси ўзаро ўхшаш юридик белгиларга эга бўлган ҳуқуқ тизимларининг нисбатан бирлигини англатиш учун хизмат қилади ва айтиб ўтилган тизимларнинг муайян тарихий ривожланиши хусусиятларини, яъни тузилиши, ҳуқуқ манбалари, етакчи ҳуқуқ институтлари ва соҳалари, ҳуқуқий маданияти, анъанаси кабиларни акс эттиради”⁶

Ҳуқуқий тизим – ҳуқуқ тизими ва юрисдикциявий (ҳуқуқни муофазалашувчи) органлар тизимидан таркиб топади.⁷ Ҳар қандай давлатнинг ҳуқуқий тизими жамиятда муайян ҳуқуқ-тартиботни ўрнатишга қаратилгандир. Бунда ҳуқуқ тизими - бу ижтимоий муносабатларнинг характери билан боғлиқ бўлган ҳуқуқнинг ички тузилиши бўлиб, у ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқ институтлари ва ҳуқуқ соаларининг қатъий илмий изчилликда жойлашган тартибидир.⁸

Ҳуқуқ оиласи негизида шаклланган ҳуқуқ тизимларининг маълум бир тарихий цивилизация асосида тараққий этган халқлар ҳаётига кириб бориши маълум маънода ҳуқуқий тизимларни юзага келтирган.

⁶ Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. / Ҳ. Б. Бобоев ва Ҳ. Т. Одиқориев таҳрири остида, ю. ф. д. проф – Т. : ТДҶОИ, 2005. – Б. 387.

⁷ Исмолов З. М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Масъул муҳаррирлар : Ҳ. Раҳмонқулов, ю. ф. д. проф – Т. : Адолат, 2007. – Б. 916.

⁸ Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. / Ҳ. Б. Бобоев ва Ҳ. Т. Одиқориев таҳрири остида, ю. ф. д. проф – Т. : “Шарқ”, 2009. – Б. 430.

Ҳуқуқий тизим тушунчасига келадиган бўлсак, ҳуқуқий тизим - жамиятда амалда бўлган ҳуқуқ тизимини, юридик фанини, ҳуқуқ тушунчаларини, ҳуқуқий муносабатларни, ҳуқуқий маданиятни, ҳуқуқий амалиётни ва юридик техникани ўз ичига қамраб олувчи, у ёки бу мамлакатни ҳуқуқий жиҳатдан қай даражада ривожланганлигини билдирувчи тизим. Яъники ҳар бир давлатда ўзининг тарихан шаклланган ҳуқуқий одатлари, анъаналари (традициялари), қонунчилик, юрисдикция органлари амалда (ҳаракат)да бўлиб, уларда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий менталитетига хос хусусиятлар мужассамлашгандир. Бу тушунчани тор ва кенг маънода тушуниш мумкин. Бунда мамлакатларнинг ҳуқуқий ўзига хослиги, уларнинг ҳуқуқ тизимларини ўзларига хос равишда шаклланиши, яъни барча ҳуқуқий ҳодисалар (нормалар, муассасалар, муносабатлар, ҳуқуқий онг ва .) нинг ўзида мужассамлашганини бирдиради (ҳуқуқий тизим тор маънода). Жумладан, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, фарқлари билан бир қаторда, бу ҳуқуқ тизимларида умумий томонларни, ўхшаш элементларни кўриш мумкин ҳамда уларни ҳуқуқ оилаларига гуруҳлаш мумкин (кенг маънода).

“Ҳуқуқий оила - тушунчаси ўзаро ўхшаш юридик белгиларга эга бўлган ҳуқуқ тизимларининг нисбатан бирлигини англатиш учун хизмат қилади ва айтиб ўтилган тизимларнинг муайян тарихий ривожланиши хусусиятларини, яъни тузилиши, ҳуқуқ манбалари, етакчи ҳуқуқ институтлари ва соҳалари, ҳуқуқий маданияти, анъанаси кабиларни акс эттиради”⁹.

Дарҳақиқат, жаҳон ҳуқуқий харитаси кўплаб миллий ҳуқуқий тизимларни қамраб олади. Уларнинг ҳар бири муайян бир давлатнинг бутун ҳуқуқий воқеълигини (таълимотини, таркиби, манбалари, етакчи институтлари ва тармоқларини, анъаналари, ҳуқуқий онги, ҳуқуқ-тартиботи, ҳуқуқий маданияти ва ҳоказоларни) бирлаштириб туради. Шунинг учун

⁹Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. / Ҳ. Б. Бобоев ва Ҳ. Т.Одилқориев таҳрири остида, ю. ф . д. проф – Т. : ТДЮИ, 2005. – Б.387 .

ҳозирги замон ҳуқуқий тизими таснифига ҳуқуқий оилалар, ҳуқуқий гуруҳлар ва алоҳида миллий тизимларнинг таркибан мураккаб тизими сифатида ёндашиш лозим бўлади¹⁰.

Ҳозирги замон ҳуқуқий тизимларини таснифланадиган бўлса, уларни икки асосий йўналишга ажратиш мумкин. Биринчи йўналиш француз олими Р.Давиднинг асарларида ўз аксини топган. Уч томлик асарида олим учта “ҳуқуқ оиласи” (роман-герман, инглиз-саксон, сотциалистик)ни ажратиб кўрсатади ва уларга дунё харитасининг бешдан тўрт исмини ўз ичига оладиган ва “диний ва анъанавий тизимлар” деб номланган бутун юридик дунё туташади¹¹.

Бундай таснифлашга иккита мезон, яъни мафкуравий (бунга Р.Давид диний, фалсафий, иқтисодий ва ижтимоий омилларни киритади) ва юридик техника мезони асос бўлади. Ўз навбатида, уларнинг иккаласини ажратган ҳолда эмас, балки умумлаштирган ҳолда фойдаланиш зарур. Замонавий юридик фанда Р.Давиднинг таснифлаши машҳур.

Иккинчи йўналишнинг кўзга кўринган вакили немис юристи К.Т.Свайгерт ҳисобланади. К.Свейгерт ва Х.Кёте ўзларининг 1971 йилда чиққан “Хусусий ҳуқуқда ҳуқуқий қиёслашга кириш” китобида “ҳуқуқий услуб” мезонини ҳуқуқий тизимлар таснифига асос қилиб олгандилар. “Ҳуқуқ услуби” муаллифлар фикрига кўра беш омилдан: ҳуқуқий тизимнинг келиб чиқиши ва тадрижий ривож; юридик тафаккур хусусияти; ўзига хос ҳуқуқий институтлар; ҳуқуқ манбалари табиати ва уларни шарҳлаш усуллари; мафкуравий омиллардан таркиб топади. Шу асосда қуйидаги “ҳуқуқий доиралар” ажралиб туради: роман - герман, скандинав, инглиз -

¹⁰ Тихомиров Ю.А. Курс сравнительного правоведения. М.Наука, 1996; – С. 79. Правовые системы стран мира. М., 2000; – С. 318. Саидов А.Х. Сравнительное правоведение. Т., «Адолат», 1999. – С. 176.

¹¹ Давид Р. Основные правовые системы современности. М.Вим, 1988,. – С. 39-40.

америка, социалистик, ислом ҳуқуқи, ҳинд ҳуқуқи ва бошқаларни фарқлайди¹².

Бугунги кунда эса кўпроқ қуйидаги ўзаро боғлиқ мезонларнинг уч гуруҳ асосий ҳуқуқий оилаларни аниқлашда муҳим аҳамиятга моликдир:

- 1) ҳуқуқий тизимлар тарихий генезиси (келиб чиқиши);
- 2) ҳуқуқ манбалари тизими;
- 3) ҳуқуқий тизим таркиби – етакчи ҳуқуқий институтлар ва ҳуқуқ тармоқлари.

Шундай қилиб, юқоридаги ўзаро боғлиқ уч мезон асосида қуйидаги ҳуқуқий оилаларни ажратиш кўрсатиш мумкин бўлади, булар: роман-герман ҳуқуқий оиласи; инглиз-америка (умумий ҳуқуқ) ҳуқуқий оиласи; Скандинавия ҳуқуқий оиласи; Лотин Америкаси ҳуқуқий оиласи; шариат диний-фиқҳий оиласи; ҳинд ҳуқуқий оиласи; одатий ҳуқуқ оиласи ва Узоқ Шарқ ҳуқуқий оиласи. Ҳуқуқ оилаларини таснифлашнинг мазмуни бунинг учун танлаб олинган мезонга болиқ бўлади.

Ҳозирги замон ҳуқуқий тизимлари таснифини ҳуқуқ оилалари тизими, ҳуқуқ гуруҳлари ва алоҳида миллий ҳуқуқий тизимлар тузилиши бўйича мураккаб деб қараш лозим. Ҳар бир ҳуқуқ оиласи таркибида яна кўп майда таснифларни кўриш мумкин ва, ўз навбатида, уларни ҳам бир нечта ҳуқуқ гуруҳларига бўлиш мумкин. Масалан, роман-герман ҳуқуқ оиласида француз ҳуқуқи ва герман ҳуқуқ гуруҳи, умумий ҳуқуқ оиласида инглиз ҳуқуқи гуруҳи ва Америка ҳуқуқ гуруҳи ажратилади.

Академик В.Кнапп қуйидаги таснифлашни келтиради. Масалан, у роман-герман ҳуқуқ оиласида қуйидаги ҳуқуқ тизимларини фарқлайди: француз ҳуқуқи, австрия ҳуқуқи, герман ҳуқуқи, швейцария ҳуқуқи,

¹²Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. / Ҳ. Б. Бобоев ва Ҳ. Т.Одилқориев таҳрири остида, ю. ф . д. проф– Т. : ТДЮИ, 2005. – Б.387 .

скандинавия мамлакатларининг ҳуқуқи, ҳуқуқнинг аралаш тизими, каноник ҳуқуқи.

Шундай қилиб, учта ўзаро боғлиқ меъзонлар орасидан қуйидаги саккизта асосий ҳуқуқ оиласини ажратиш мумкин: роман-герман ҳуқуқ оиласи, Лотин Америкаси ҳуқуқ оиласи, умумий ҳуқуқ оиласи, скандинав ҳуқуқ оиласи, мусулмон ҳуқуқ оиласи, ҳинду ҳуқуқ оиласи, одат ҳуқуқи оиласи, Узоқ Шарқ ҳуқуқ оиласи.

РОМАН-ГЕРМАН ҲУҚУҚИЙ ОИЛАСИ. Роман-герман ҳуқуқий тизими ёки континентал ҳуқуқ тизими континентал Европада Рим, муқаддас диний ва маҳаллий анъаналар асосида юзага келган тизимларни ўз ичига олади. У XII-XVI асрлар мобайнида итальян, француз ва немис университетларида Юстиниан қонунлари Тўплами асосида Рим ҳуқуқини ўрганиш натижасида таркиб топган. Бу қонунлар кўпчилик Европа мамлакатлари учун умумий бўлган юридик фанни шакллантирганди. “Рим ҳуқуқи ресепсияси” деб ном олган жараён¹³, яъни Ғарбий Европа мамлакатлари томонидан Рим ҳуқуқини ўзлаштириш жараёни содир бўлди. Лекин, айниқса, дастлабки даврларда Рим ҳуқуқи бевосита қўлланмаган – унинг тушунча, манба, ривожланиш таркиби, ички мантиқи, юридик техникаси ўрганиб борилган. Бу ҳолат Европа мамлакатлари ҳуқуқий тизимларининг муайян ўхшашлигига олиб келди. Муқаддас ҳисобланган диний ҳуқуқ ҳам озмунча таъсир кўрсатмади. Миллий кодекслашлар ҳуқуқа қатъийлик ва аниқлик бахш этди, ундан фойдаланишни енгиллаштирди ҳамда умуман Европада ҳуқуқ нормасини ва ҳуқуқни тушунишнинг мантиқий яқуни бўлиб қолади. Улар роман-герман ҳуқуқий оиласининг яхлит воқелик сифатида шаклланишини ниҳоясига етказди.¹⁴

¹³ Рецепция (лотинча тушунча) – бу Рим ҳуқуқи ижтимоий – ҳуқуқий ривожланишининг юқоринок даражасида янги муносабатларни тартибга солиш учун яроқли бўлган меъёрий, ғоявий – назарий мазмуни амал қилишини тиклашдир.

¹⁴ Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. / Ҳ. Б. Бобоев ва Ҳ. Т. Одиқориев таҳрири остида, ю. ф. д. проф. – Т. “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” 2000. – Б. 393.

Ёзма тарздаги ҳуқуқнинг мавжудлиги, ҳуқуқ манбаларининг ягона иерархик тизими, унинг оммавий ва хусусий ҳуқуқа бўлиниши, шунингдек, ҳуқуқ тизимининг тармоқларга ажратилиши роман-герман ҳуқуқий оиласи учун ўзига хос белгилардир. Роман-герман оиласига мансуб барча мамлакатлар учун хос бўлган умумийликни унинг кодекслашган табиатида, умумий тушунча манбаида (асосий тушунчалар ва тоифаларнинг ўхшашлигида), ҳуқуқий принципларнинг муайян даражадаги ягона тизимида кўришимиз мумкин. Роман-герман юридик таълимоти, шу жумладан қонун чиқариш амалиёти оддий қонуннинг уч хил кўринишини – кодекслар, махсус қонунлар (жорий қонун ҳужжатлари) ҳамда нормалар тўплами матнларини алоҳида ажратиб кўрсатади. Роман-герман ҳуқуқи манбалари орасида қонунга асосланган ушжатлардан регламентлар, маъмурий фармойишлар, вазирлар декретлари кабиларнинг аҳамияти катта. Роман-герман манбалари тизимида урф-одатнинг аҳамияти диққатга сазовор. Урф-одат ҳуқуқнинг мустақил манбаи моҳиятини йўқотган. Роман-герман ҳуқуқи манбаи сифатида суд амалиётига келсак, бу йерда аҳвол анча зиддиятли. Шундай бўлса-да, суд амалиётини ёрдамчи манбалар қаторига киритиш мумкин.

Роман-герман ҳуқуқий оиласи икки ҳуқуқий гуруҳга ажралади: **роман гуруҳга** Франциядан кейин, шунингдек, Белгия, Люксембург, Нидерландия, Италия, Португалия, Испания; **герман гуруҳга** Германия билан бирга Австрия, Швейцария ва боша баъзи мамлакатлар киради. Бунинг устига роман-герман ҳуқуқий оиласи ичида француз ҳуқуқида энг кучли деб эътироф этилган “Рим (роман) ҳуқуқи” гуруҳи Германия юридик фани жиддий таъсир ўтказган “герман ҳуқуқи” гуруҳидан фарқ қилади.¹⁵

ИНГЛИЗ-АМЕРИКА УМУМИЙ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИ. Ҳуқуқнинг асосий манбаи қонун ҳисобланган роман-герман ҳуқуқий оиласи давлатларидан фарқли ўлароқ, инглиз-америка ҳуқуқий тизимига мансуб

¹⁵ Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. / Ҳ. Б. Бобоев ва Ҳ. Т. Одиқориев таҳрири остида, ю. ф. д. проф. – Т. “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” 2000. – Б. 396.

давлатларда суд прецеденти, яъни судьялар томонидан уларнинг қарорларида таърифланган нормалар ҳуқуқнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади. “Умумий ҳуқуқ” оиласи Рим ҳуқуқи оиласи каби “Ҳимоя бор жойда ҳуқуқ бор” принципи асосида ривожланиб борган. Кодекслаш, “адолат ҳуқуқи” қоидалари билан тўлдириш ва такомиллаштириш йўлидаги барча уринишларга қарамай, судлар томонидан яратилган прецедент ҳуқуқи ҳисобланиб келмоқда. Лекин бу статут (қонунчилик) ҳуқуқи ролининг ўсиб боришини истисно этмайди. Маҳаллий урф-одатларга қарама-қарши ўлароқ, бу ҳуқуқ бутун Англия учун умумий кучга эга.¹⁶

1873-1875 йиллардаги ҳуқуқий ислохот “умумий ҳуқуқ” билан “адолат ҳуқуқи”ни ягона прецедент ҳуқуқига бирлаштирди. Ҳозир ҳам инглиз ҳуқуқи асосан муайян ҳодисаларни ҳал этиш жараёнида судлар томонидан ишлаб чиқиладиган судлов ҳуқуқи бўлиб қолмоқда.¹⁷

Инглиз-саксон ҳуқуқий оиласида ҳуқуқ концепсиясининг ўзи, ҳуқуқ манбалари тизими, юридик тили роман-герман ҳуқуқий оиласи ҳуқуқий тизимидагидан бутунлай бошқача. Бу ерда ҳуқуқнинг оммавий ва хусусий ҳуқуққа бўлиниши амал қилмайди. “Умумий ҳуқуқ” ва “адолат ҳуқуқи”га бўлиниш унинг ўрнини босади. Ҳуқуқнинг тармоқларга бўлинишида аниқ чегаралар бўлмайди. Чунки судлар турли тоифадаги ишларни кўриб чиқиши мумкин. Шунинг учун инглиз ҳуқуқшуносига ҳуқуқ бир хил туюлади. Зеро, Англияда Европа типдаги кодекслар йўқ.

АҚШ статут ҳуқуқида Англия ҳуқуқида бўлмаган кодекслар кўплаб учрайди. Бир неча штатда фуқаролик кодекслари, йигирма беш штатда – фуқаролик-процессуал кодекси, барча штатларда – жиноят кодекси, айримларида – жиноят-процессуал кодекси амал қилади. Бир хилдаги қонунлар ва кодексларни яратиш АҚШда кодекслашнинг алоҳида шаклига

¹⁶ Исломов З. М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. / Масъул муҳаррир : Ҳ. Раҳмонкулов, ю. ф . д. проф – Т. : Адолат, 2007. – Б. 924.

¹⁷ Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. / Ҳ. Б. Бобоев ва Ҳ. Т.Одилқориев таҳрири остида, ю. ф . д. проф – Т. : ТДЮИ, 2005. – Б.396.

айланган бўлиб, бу жараён ҳуқуқнинг энг зарур тармоқларида унинг мумкин бўлган жиҳатлари бирлигини таъминлашга қаратилгандир.

ЛОТИН АМЕРИКАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИ. Лотин Америкаси давлатлари тарихий тақдирларининг бирлиги, ижтимоий-иқтисодий тузум ва сиёсий тузилмаларнинг ўхшашлиги уларнинг кўпчилигида бир-бирига ўхшаш сиёсий-ҳуқуқий институтларни ҳам вужудга келтирди. Лотин Америкаси ҳуқуқи ўз асосига кўра кодекслашган ҳуқуқ тизими бўлиб, бу ерда кодекслар Европа намуналари асосида тузилган. Бу, ўз навбатида, унинг роман-герман тизимига яқинлигидан далолат беради. Мазкур ўхшашликнинг яна бошқа белгилари ҳам мавжуд – ҳуқуқ тизимининг қарийб бир хиллиги, ҳуқуқий норманинг умумлашган моҳияти шулар жумласидандир. Француз ҳуқуқига яқин бўлган ва босқинчилар томонидан Америка қитъасига олиб келинган испан ва португал ҳуқуқларининг муштамлакачилик таъсири бунга сабаб бўлган. Лотин Америкаси ҳуқуқида ваколатли қонун чиқариш, яъни ҳукумат ҳокимияти ҳужжатларининг роли алоҳида ўрин тутди. Лотин Америкаси ҳуқуқида урф-одатларнинг манба сифатидаги роли турли мамлакатларда турли кўринишга эга. Лекин Европа қитъасида ҳам у қонунда кўзда тутилган ҳоллардагина қўлланилади. Лотин Америкаси ҳуқуқини роман-герман тизимидан, энг аввало, оммавий ҳуқуқ соҳаси ажратиб туради. Лотин Америкаси мамлакатлари мустақилликни қўлга киритгач, хусусий ҳуқуқни излаб, нигоҳни Европага қаратган бўлса, конституция намунасини улар АҚШ дан топган. Америкача конституция намунаси қабул қилиниши Лотин Америкаси ҳуқуқининг икки ёқламалилиги ҳақида, унда Европача ва америкача моделларнинг қўшилиб кетганлиги тўғрисида гапиришга асос бўлади. Шу билан бирга конституциявий барқарорлик Лотин Америкаси мамлакатлари учун хос эътиборини ҳам қайд этиш жоиз. Суд тизимини ташкил этиш ва иш юритиш бўйича тамойилларни АҚШ дан олган, ва ўз миллий концепсияларини ишлаб чиқиб, Америка моделининг кўринишини анча ўзгартириб юборган. Жумладан, АҚШ дан

фарқли ўлароқ, бу мамлакатларнинг кўпчилигида суд амалиётига ҳуқуқнинг манбаи сифатида қаралади.¹⁸

Ҳозирги замон Лотин Америкаси ҳам оммавий, ҳам хусусий ҳуқуқ соҳаларида хорижий сиёсий-ҳуқуқий моделлардан андоза олишлардан аста-секин халос бўлиб бормоқда.

СКАНДИНАВИЯ (ШИМОЛ) ҲУҚУҚИЙ ОИЛАСИ. XIX асрнинг 70-йилларидан бошланиб, айниқса 1952 йили Шимолий Кенгаш ташкил этилишидан кейин кучайган Скандинавия мамлакатларининг ўзаро яқинлашув жараёни ушбу мамлакатлар ҳуқуқий тизимларининг ҳам яқинлашишига ва уларнинг ривожига кучли таъсир кўрсатган. Шу жараён доирасида экспертлар комиссиялари лойиҳалар тайёрлайди ва шу билан ҳуқуқий тартибга солиш ишларининг яқинлашуви янада муҳимроқ аҳамият касб этади. Скандинавия ҳуқуқий оиласи ҳам роман-герман, ҳам инглиз-америка ҳуқуқий тизимларининг айрим хусусиятларини ўзида мужассамлаштирганлиги билан ажралиб туради. Ушбу ҳуқуқий тизимга Шимолий Европа Дания, Исландия, Норвегия, Финляндия ва Швеция мамлакатлари қиради.¹⁹ Бу мамлакатлар ҳуқуқий тизимлари кўпгина умумий жиҳатларга эга. Шунинг учун улар бир-биридан жуда кам фарқ қилади.²⁰

Скандинавия ҳуқуқий оиласига мансуб барча мамлакатларда қонунчилик ҳуқуқнинг бош манбаи ҳисобланади. Лекин баъзи давлатлар бундан мустасно. Дания қонунчилигининг ҳамма тармоқлари ҳам кодекслаштирилган эмас. Бутун Скандинавия ҳуқуқ оиласида қонун ҳужжатлари билан бирга, бу ерда суд прецедентлари ҳам ҳуқуқ манбаи сифатида катта рол ўйнайди. Шу билан бирга урф-одатлар, биринчи

¹⁸ Қаранг : Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. / Ҳ. Б. Бобоев ва Ҳ. Т. Одилқориев таҳрири остида, ю. ф. д. проф – Т. “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” 2000. – Б. 400 - 402.

¹⁹ Гарчи Дания ва Исландия географик жиҳатдан Скандинавия я.ор. га кирмаса ҳам “шимолий” ва “Скандинавия” атамалари синоним сифатида қўлланилади.

²⁰ Исломов З. М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик./ Масъул муҳаррирлар : Ҳ. Раҳмонқулов, ю. ф. д. проф – Т. : Адолат, 2007. – Б. 929.

навбатда, денгиз ва савдо билан боғлиқ одатлар ҳуқуқ манбаи сифатида муайян аҳамият касб этади.

Айни пайтда шуни ҳам қўшимча қилиш лозимки, Скандинавия ҳуқуқий оиласининг ўзига хос жиҳатларидан бири – бу Скандинавия давлатлари ўртасида ҳуқуқ рецепсияси кенг қўлланилишидир. Масалан, Швецияда қабул қилинган муайян бир қонун, агарда Норвегия давлати учун ҳам маъқул деб топилса, яъни Норвегия парламенти томонидан маъқулланса, ушбу қонун Норвегияда ҳам кучга киради. Бу эса Скандинавия халқларининг ҳуқуқий маданиятида ҳам умумийлик борлигидан далолат беради.

ҲИНД ҲУҚУҚ ОИЛАСИ. Қадим дунёда шаклланган ҳинд ҳуқуқи икки минг йиллик узоқ ва машаққатли ривожланиш йўлини босиб ўтганига қарамай, ҳали-ҳамон ўзининг тартибга солувчи аҳамиятини (гарчи чекланган тартибда бўлса-да) сақлаб келмода. Бунинг асосий сабаби фақат ҳинд ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятларидагина эмас, балки унинг нормаларининг анъанавий ижтимоий тузилмалар билан (биринчи навбатда – жамоа ва варна²¹ – табақавий таркиблари билан) мустаҳкам алоқасидадир. Бу тузилмалар анча барқарор бўлиб, ғоят хилма-хил ижтимоий-итисодий ва сиёсий шарт-шароитларга мослаша олади. Ҳинд ҳуқуқининг асосий хусусияти дин билан чамбарчас боғланиб кетганидадир. Ҳинд ҳуқуқи ўзига хос ғавқулодда ҳодисанинг, аллақандай қоришиқли анъанавий тизимнинг ажралмас қисмидир. Ушбу тизим муайян ҳаёт тарзини, муайян ижтимоий тартибни, муайян ижтимоий ташкилот ёки тузилмани назарда тутувчи диний эътиод ва маросимлар, ахлоқий, фалсафий ва бошқа мафкуравий қадриятларни қамраб олади.²²

Бироқ, гарчи ҳиндлар Ведаларни илоихий ваҳий ҳамда ўз динлари ва ҳуқуқлари манбаи деб ҳисоблашади.

²¹ Варна – қадимги Ҳиндистонда 4 та табақавий гуруҳ .

²² Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. / Ҳ. Б. Бобоев ва Ҳ. Т.Одилқориев таҳрири остида, ю. ф . д. проф– Т. : ТДЮИ, 2005. – Б.409 - 410.

Шуниси қизиқи, Қадимги Римда етук ҳуқуқий конструкцияларнинг вужудга келиш жараёни унинг диний шакллардан халос бўла бориши билан бирга кечган бўлса, Қадимги Ҳиндистонда, ҳуқуқий тузилмалар ва нормаларнинг шаклланиши диний қобикда амалга ошиб борди. Энг муҳими, бунда ҳуқуқий ва диний шакллар ўртасида боғловчи восита бўлиб давлат ҳокимияти майдонга чиқади.

Бундан ташқари, ҳинд ҳуқуқи муайян минтақада, табақада, уруғ-қабила ёки оилада риоя этиб келинган урф-одатларга ҳуқуқнинг манбаи деб қарашни ҳамиша тан олиб келган.²³

Ҳинд ҳуқуқи инглиз мустамлакачилик ҳаракатлари даврида жиддий ўзгаришларга учради. Мулк ҳуқуқи ва мажбурият ҳуқуқи соҳаларида анъанавий нормалар тез орада умумий ҳуқуқ нормалари билан алмаштирилди. Шундай қилиб, “ҳинд ҳуқуқи” деганда, ҳиндларнинг қонунлар ва урф-одатлар билан кўриниши ўзгарган шахсий ҳуқуқлари тушунилади. Ҳинд ҳуқуқи ҳуқуқ тармоғи сифатида Ҳиндистонда бевосита ва билвосита қўлланилади, шунингдек, улардан Шарқий Африка мамлакатларида ҳам кўриниши ўзгарган ҳолда фойдаланиб келинади.

АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМЛАРИ. Бу ердаги мустамлакачилик тузуми барҳам топиши натижасида шаклланган янги ҳуқуқ эски диний ҳуқуқ ва одат ҳуқуқи билан уйғунлашиб кетади. Бу тизим ижтимоий муносабатларнинг кенг доирасида амал қилиб келмоқда. Қолаверса, ҳозирги давргача Африка қитъаси аҳолисининг кўпчилиги одат ҳуқуқи нормаларига риоя қилиб келади. Одат ҳуқуқи ролини тўғри баҳолаш Африка қитъаси ҳуқуқий харитасида рўй бераётган жараёнлар қонуниятларини билиб олиш, Африка давлатлари миллий ҳуқуқи ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва йўналишларини аниқлашга ёрдам беради. “Одат ҳуқуқи” атамаси Африка халқлари мустамлака асоратига тушишидан олдинги мавжуд анъанавий ҳуқуқни кўзда тутган

²³ Давид Р. Основные правовые системы современности. М., Наука, 1988. – С.128 - 130.

ҳолда ишлатилади. “Қабилавий қонунлар”га тааллуқли жуда оз миқдордаги мисолларни ҳисобга олмаганда, анъанавий ҳуқуқ кўп жиҳатдан авлоддан-авлодга оғзаки ўтиб келган ёзилмаган қоидалар тўпламидан иборат эди. Анъанавий ҳуқуқда ҳуқуқий ва ахлоқий нормалар узвий боғлиқликда намоён бўлади.²⁴

Африка халқлари ўртасидаги (энг аввало – этник ва лингвистик жиҳатдан, қариндошлик тизимидаги, оила турмуш тарзидаги) жиддий фарқларга қарамай, улар урф-одатлари ва одат ҳуқуқининг хилма-хиллигига қарамай, Африка ҳуқуқига ягона бир тушунча сифатида ёндашиш учун етарли асослар мавжуд. Африка одат ҳуқуқи, умуман, одат ҳуқуқига хос бўлган шахслар ҳуқуқи бўлмай, балки гуруҳлар ёхуд тўдалар ҳуқуқидир. Африка жамоаларида судларнинг ёки низоларни ҳал этиш тизимининг икки асосий тури амал қиларди. Уларни ҳакамлар ва юридик расмиятчиликларга риоя қилувчи судлар сифатида таснифлаш мумкин.²⁵

Анъанавий ҳуқуқда илоҳийликнинг ролини ҳам қайд этиб ўтиш жоиз. Суд тартиб-қоидаларида бу ҳолат шаиатни аниқлаш учун қасам ичишга мажбур қилишда ҳамда «илоҳий суд» йўли билан синовлар ўтказишда ифодаланган. Одат ҳуқуқининг яна бир жиҳати шундаки, кишилар гуруҳ ёки жамоанинг масъулияти алоҳида диққатга сазовор.

Айни чоғда мустамлакачилар одат ҳуқуқи ва суд ишининг ўз манфаатларига зид келмайдиган қисмини сақлаб қолиш сиёсатини юритишарди. Шундай қилиб, мустамлакачилик бошқаруви натижасида ҳуқуқнинг дуалистик (икки ёқлама) тизими вужудга келди. У метрополиялар жорий этган ҳуқуқ ва одат ҳуқуқи ўз ичига оларди. Метрополия ҳуқуқи маъмурий ҳуқуқ, савдо, жиноят ҳуқуқини қамраб оларди. Анъанавий соҳалар – ерга эгалик, оила ва мерос ҳуқуқи – оддий ҳуқуқ доирасида қолганди.

²⁴ Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. / Ҳ. Б. Бобоев ва Ҳ. Т. Одиқориев таҳрири остида, ю. ф. д. проф – Т. : ТДЮИ, 2005. – Б. 413 - 414.

²⁵ Исломов З. М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Масъул муҳаррирлар : Ҳ. Раҳмонкулов, ю. ф. д. проф – Т. : Адолат, 2007. – Б. 933.

МУСУЛМОН ҲУҚУҚИ ОИЛАСИ - шариат ўрта асрлардаги Шарқ цивилизациясининг жуда катта ҳодисаси ҳисобланади. Бу ҳуқуқий тизим Араб халифалиги доирасида вужудга келиб, расмийлашган ва аста-секин халқаро аҳамият касб этиб борган. Унинг ривожланиш жараёни араб давлатчилигининг VII аср бошида (Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассаллам даврида) кичик патриархал диний жамоадан VIII-X асрларда (Уммавийлар ва Аббосийлар даврида) йирик империялардан бирига ўсиб ўтиши жараёни билан чамбарчас боғлиқ.

Араб халифалиги қулагандан сўнг мусулмон ҳуқуқи нафақат ўзининг илгариги аҳамиятини йўқотди, балки янада тараққий этди, худди ўрта асрларда Европадаги рим ҳуқуқи сингари «иккинчи маротаба дунёга келди» ҳамда ўрта асрлардаги Осиё ва Африканинг у ёки бу даражада исломни қабул қилган қатор мамлакатлари (Миср, Ҳиндистон, Усманийлар империяси ва боша кўпгина давлатлар)нинг амалдаги ҳуқуқида ҳам мусулмон ҳуқуқи араб истилосидан бошлаб то «Қизил империя» ҳукмронлиги ўрнатилгунга қадар муҳим ўзгаришларсиз ҳаракатда бўлди.²⁶

Мусулмон ҳуқуқи ўзидан олдинги Шарқ ҳуқуқий маданиятининг кўпгина элементларини, жумладан, исломга қадар Арабистонда ва араблар томонидан босиб олинган ҳудудларда ҳаракатда бўлган ҳуқуқий одатлар ва анъаналарни ҳам ўзида акс эттирди. Масалан, Уммавийлар даврида анча вақтгача Сосонийлар, Эрон, Византия ҳуқуқи, шунингдек, қисман рим ҳуқуқи ҳам аҳён-ақён қўлланиб турилган. Ушбу манбалар ташқи жиҳатдан ва кам аҳамиятли бўлса-да, шариатнинг вужудга келишида маълум ўрин тутган. Лекин уларнинг оқибатда шариатнинг бетакрор ва ўзига хос, мустақил ва оригинал ҳуқуқий тизим сифатида шаклланишига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шариатнинг вужудга келишида Муҳаммад (САВ) ва дастлабки тўртта

²⁶ Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. / Ҳ. Б. Бобоев ва Ҳ. Т. Одиқориев таҳрири остида, ю. ф. д. проф– Т. : ТДЮИ, 2005. – Б. 415.

халифанинг ўрни жуда катта. Айнан уларнинг ҳукмронлиги даврида мусулмонларнинг муқаддас китоблари - Қуръони Карим ва Сунна тузилган.²⁷

Шариат энг бошидан (ҳеч бўлмаганда дастлабки икки аср мобайнида) қатъий диний ҳуқуқ сифатида вужудга келди ва ривожланди. У ислом илоҳиёти билан узвий қўшилиб кетди, унинг диний ахлоий тасаввурларини мужассам этди. Ислам таълимоти бўйича диний қоидалар ягона Аллоҳ томонидан ўрнатилган тартиб ва қонунларнинг бир қисми бўлиб, улар билан бутун дунё бошқарилади. Айниқса дастлабки вақтларда умуман шариат ва хусусан фикҳ ўзида фақат ҳуқуқий қоидаларни акс эттирибгина қолмай, диний таълимот ва ахлоқни ҳам мужассам этган. Шариатда дин, ахлоқ ва ҳуқуқнинг бундай қўшилиб кетганлиги, бир-биридан ажралмаганлиги, бўлинмаганлиги ўзига хос ифодасини шундан топган эдики, унинг нормалари (қоидалари, кўрсатмалари) бир томондан ижтимоий («кишилиқ») муносабатларни тартибга солган, иккинчи томондан эса - мусулмонларнинг Аллоҳ билан муносабатларини (ибодат қилишларини) белгилаган. Шариатнинг илоҳий тадбиқ этилиши ва диний-ахлоқий асослари ҳуқуқни тушунишнинг, шунингдек, қонуний ва ноқонуний хатти-ҳаракатга баҳо беришнинг ўзига хослигида ўз аксини топган. Масалан, ҳуқуқнинг ислом илоҳиёти билан чамбарчас боғлиқлиги шариатда ҳар бир мусулмон томонидан содир этилиши лозим бўлган ёки мумкин бўлмаган хатти-ҳаракатларнинг аниқ кўрсатиб ўтилганлигида ўз ифодасини топган.²⁸

Шариатда барча хатти-ҳаракатлар дастлаб икки турга – ҳаром ва ҳалолга ажратилган. Кейинчалик шариат шаклланиб тугалланган даврда бешта тоифа вужудга келган. Булар: фарз - бажарилиши қатъий мажбурий ҳисобланган хатти-ҳаракатлар; мандуб (суннат) - мажбурий эмас, лекин маъқул, лозим деб ҳисобланган нормалар; мубоҳ - ихтиёрий нормалар; макруҳ-номаъқул нормалар; ҳаром - қатъий равишда тақиқланган хатти-

²⁷ Саидов А. Х. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари. Дарслик. – Т. : ТДЮИ, 2005. – Б. 308.

²⁸ Грюнебаум Г.Э. фон. Классический ислам. Очерк истории (600 - 1258). М., Главная редакция восточной литературы издательства «Наука», 1988. – С.519.

ҳаракатлар. Булар ҳам ҳуқуқий, ҳам ахлоқий-диний мазмунга эга бўлиб, мажбурловчи, тавсия қилувчи, йўл қўювчи, лекин жазо қўлланилмайдиган, тақиқловчи ва жазога лойиқ (мустақил) характердадир. Шариат меъёрларининг илоҳийлиги, олдиндан белгилаб қўйилганлиги мусулмонлар иродасининг шариат доирасидаги эркинлиги ҳақидаги масаланинг жуда катта аҳамиятини белгилайди. Бу масалага дуч келган диний-фалсафий мактаблар турли мавқени эгаллаган. Масалан, шундай мактаблардан бири - жабарийлар икки инсон иродаси эркинлигини бутунлай инкор этган. Улар инсон тақдирини худо мутлақ олдиндан белгилаб қўйган, ҳеч қандай ирода ва фаолият эркинлиги йўқ, булар фақат худога мажбур, инсон эса ана шу фаолиятни ўзлаштириб олиш имкониятигагина эга, деган таълимотни илгари сурганлар.²⁹

Шариат учун, айниса унинг ривожланишидаги дастлабки босқичларда, мусулмоннинг ҳуқуқларига эмас, балки унинг Аллоҳ олдидаги бурчларига эътибор бериш характерлидир. Шариатда мусулмонларнинг бундай мажбуриятларини ўрнатувчи нормалар жуда кўп бўлиб, улар мусулмоннинг бутун ҳаётини (ҳар куни беш вақт намоз ўқиши, рўза тутиши, дафн маросимларига риоя қилиши ва ҳоказо фаолиятини) белгилайди. Шариат нормаларининг ўзига хос хусусияти айнан ушбу нормаларнинг фақат мусулмонларга ва мусулмонлар ўртасидаги муносабатларга тадбиқ қилинишида эканлиги ҳам тасодифий эмас. Илк ислом ва шариатга жамоа тузумидан ўсиб чиққан нормалар - қоидалар ҳосилдир. Бундай нормаларда коллективчилик, раҳмдиллик, майиб-мажруҳ ва бошқа ночор кишилар ҳақида ғамхўрлик элементлари сақланиб қолган эди. Бироқ албатта шариатда инсоннинг худо олдида ожизлиги ҳақидаги, унга сўзсиз итоат этиши ҳақидаги тасаввурлар ҳам ўз ифодасини топган. Қуръони Каримда мусулмон учун сабр-тоқат ва мўминлик зарурлиги алоҳида таъкидланади: «Сабр илинг, Аллоҳ сабр қилувчилар билан». Шу тариқа шариатда мусулмоннинг халифага ва давлат

²⁹ Саидов А. Х. Основы мусульманского права. Курс лекций. Ташкент: Акад. МВД Республики Узбекистан, 1994. – С. 114 – 115.

хокимиятига бўйсуниб мажбурияти мустаҳкамланган: «Аллоҳга бўйсунинг ва унинг элчисига ва ораларингиздаги хокимият эгаларига итоат этинг». Шариатнинг дастлаб ўта илоҳий-диний характерда бўлганлиги унинг ҳуқуқий тузилиши ва тушунчаларининг ўзига хослигини белгилаган, ал-идрокка асосланган ҳуқуқ ижодкорлик фаолиятига тўсқинлик қилган. Бироқ, VIII-IX асрларда шариат патриархал жамоа ва қабилавий идрок қилиш доирасидан ташқари чиқиб, феодаллашаётган ижтимоий муносабатлар билан тўқнаш келган ва жуда кўп мусулмон илоҳиётчи ҳуқуқшуносларининг фаол саъи-ҳаракатлари шарофати билан тобора кўпроқ даражада ал-идрокка асосланган ҳуқуқ сифатида намоён бўла бошлаган. Мусулмон ҳуқуқшунос олимлари шариатнинг асосий ва анъанавий қоидаларини сақлаб қолган ҳолда соф юридик табиатга эга бўлган кўпдан-кўп ҳуқуқий таълимотлар ва нормалар ишлаб чиқдилар. Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит (699-767 йиллар), Молик ибн Анас Абу Абдуллоҳ (721-795 йиллар), Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофиъий (767-820 йиллар), Аҳмад Абу Абдуллоҳ аш-Шайбоний ибн Ҳанбал (туғилган йили маълум эмас-825 йиллар) ва бошқалар мусулмон дунёсида жуда машҳур ва нуфузли бўлганлар.³⁰

Ўрта асрлардаги, айниқса дастлабки пайтлардаги, мусулмон ҳуқуқини тавсифловчи муҳим белгилардан бири унинг нисбатан яхлитлиги, бутунлигида эди. Унда якка худо - Аллоҳ ҳақидаги тасаввурлар билан бирга универсал характерга эга бўлган ягона ҳуқуқий тартибот ҳақидаги ғоя ҳам ўрнатилган. Дарҳақиқат, дастлаб Арабистон ярим оролида вужудга келган мусулмон ҳуқуқи халифаликнинг чегаралари кенгая бориши билан кўпдан-кўп янги ҳудудларга тарқалган.

Бироқ, мусулмон ҳуқуқи аввало ҳудудий эмас, диний, масжидларга оид принцип асосида майдонга чиққан. Ҳар бир мусулмон у қаерда, қайси мамлакатда бўлишидан қатъи назар, шариатга риоя қилиши, исломга содиқ қолиши лозим. Исломнинг аста-секин кенг тарқала бориши ва жаҳон

³⁰Мюллер А. История ислама. Т. I-II. М: Изд-во иностр. лит 2004. – С. 318 – 319.

динларидан бирига айланиши билан шариат ўзига хос жаҳон ҳуқуқий тизими бўлиб қолган. Шариатнинг ана шундай яхлит, бир бутун ҳуқуқий тизим сифатида майдонга чиқиши унинг Ғарбий Европа мамлакатлари ҳуқуқидан фарқ қилувчи муҳим жиҳатларидандир. Маълумки, Ғарбий Европа мамлакатларида ҳуқуқ хилма-хиллиги, бир бутун, яхлит эмаслиги, ҳаракат доирасининг чекланиб қолганлиги, ички қарама-қаршиликлари ва бошқа жиҳатлари билан тавсифланади.³¹

Шариат диний ҳуқуқ сифатида Европа мамлакатларидаги каноник (диний, мукқаддас, қатъийлашган, ўрнатилган бўлиб қолган) ҳуқуқдан ҳам фарқ қилиб, ижтимоий ва черков ҳаётининг фақат аниқ кўриниб турган соҳаларинигина эмас, балки кенг қамровли ва жуда кўп масалаларини ўз ичига олган ҳуқуқий тизим сифатида майдонга чиқади. Мусулмон ҳуқуқи-шариат дастлаб Осиё ва Африканинг бир қатор мамлакатларида ўрнатилган бўлса, сўнгра ватқ ўтиши билан унинг ҳаракат доираси Ўрта Осиё, Кавказ орти, Шимолий, шунингдек, қисман Шарий ва Ғарбий Африкага, Жанубий-Шарқий Осиёдаги қатор мамлакатларга ҳам тарқалади. Бироқ ислом ва шариатнинг бунчалик шиддат билан ва кенг тарқалиши унда тобора маҳаллий хусусиятларнинг намоён бўлишига олиб келган. Бунинг натижасида алоҳида ҳуқуқий институтларни шарҳлаш ва муайян ҳуқуқий низоларни ҳал қилишда шариатда турли қарама-қаршиликлар, турли хил ёндошувлар юзага келган. Оқибатда эса исломда турли оқимлар, йўналишлар ва мазҳаблар пайдо бўлган.³²

Исломда оқимлар ва мазҳабларни қуйида кўриб чиқишимиз мумкин:

Исломда юз берган дастлабки ихтилофлар натижасида VII асрнинг II ярмида унда учта асосий йўналиш - хорижийлар, суннийлар, шиалар пайдо бўлган.

³¹ Сюкияйнен Л. Р. Мусульманское право. Вопросы теории и практики. М.: Наука, 1986. – С. 541.

³² Садагдар М. И. Основы мусульманского права. М.: Наука, 1968. – С. 94.

Хорижийларнинг бўлиниши жараёнида пайдо бўлган секталар (азракийлар, суфрийлар ва бошқалар) асосан ўрта асрларда йўқолиб кетиб, улардан фақат биттаси ибодийлар (абодийлар) ҳозиргача сақланиб қолган.³³

Суннийлик энг катта йўналиш бўлиб (ҳозир жаҳондаги барча мусулмонларнинг қарийб 92,5 фоизи суннийлар ҳисобланади), у исломда доимо ортодоксал оқим деб танилган, унда ихтилофлар кам бўлган. Шунинг учун суннийлик ичидан ўрта асрларда ҳеч қандай секталар ажралиб чиқмаган. Янги даврда ваҳҳобийлар диний-сиёсий оқими ва ўзига хос секта сифатида шаклланган аҳмадия суннийликдан ажралиб чиққан.

Шиалик суннийликка нисбатан оппозицияда турган йўналиш бўлиб, ундан бир неча секта ажралиб чиққан. Ўрта асрлардаёқ йўқолиб кетган қарматлар, ҳашшошийлар, ҳозиргача мавжуд бўлган имомийлар, исмоилийлар, друзлар, зайдийлар, нусайрийлар (алавийлар), алиилоҳийлар, янги даврда пайдо бўлган бобийлар, беҳойлар шулар жумласига киради.³⁴

Суннийлик йўналиши «Аҳли сунна вал жамоа» деб аталади ва 4 та фикҳий: ҳанафий, шофиъий, моликий, ҳанбалий ва 2 та ақидавий: ашъарий ва мотрудий мазҳабларидан иборат. Суннийлар мазҳаблар бўйича қуйидагича нисбатда бўлганлар: ҳанафийлар - 47 %, шофиъийлар - 27 %, моликийлар - 17 %, ҳанбалийлар - 1,5 %. Шиа йўналиши исмоилий, ибодий, жаъфарий, зайдий мазҳабларини ўз ичига олиб, дунёдаги мусулмонларнинг 7,5 % ни ташкил қилади.

Суннийлик тарафдорлари асосан Осиё ва Африкада (Покистон, Бангладеш, Ҳиндистон, Индонезия, Малайзия, Хитой, Афғонистон, Туркия, Арабистон ярим ороли ва Форс кўрфази атрофидаги араб мамлакатларида, Сурия, Ливан, Иордания, Эрон, Шимоли-Шарқий ва Ғарбий Африка мамлакатларида), шунингдек, МДХда (Озарбайжон ва Тожикистоннинг

³³ Мец Адам. Мусульманский Ренессанс. М.: Издательство «ВиМ», 1996. – С. 298.

³⁴ Грюнебаум Г.Э. фон. Классический ислам. Очерк истории (600 - 1258). М., Главная редакция восточной литературы издательства «Наука», 1988. – С. 436.

тоғлиқ раёнларидан ташқари), Болгария, Югославия, Албания, Кипр ва АҚШда яшайдилар. Суннийлик VII асрнинг II ярмида Арабистонда вужудга келган. VIII-XII асрларда араб халифлигидаги диний-сиёсий курашлар жараёнида исломда йирик йўналиш сифатида шаклланган. Суннийлар Қуръон билан бирга Суннага ҳам эътиқод қиладилар, унда Мухаммад (САВ) ва халифа Али билан бир қаторда, шиалик тарафдорлари рад этадиган дастлабки халифалар (Абу Бакр, Умар, Усмон) ҳам эътироф этилади. Суннийликда тўртта диний-ҳуқуқ мазҳаби мавжуд, улардан ҳанафий билан шоғиёия МДХда яшайдиган мусулмонлар орасида ҳам тарқалган.

Суннийлик билан исломдаги иккинчи асосий йўналиш-шиалик ўртасидаги ҳокимият масаласида (суннийлик халифалик ҳокимияти, шиалик эса имомат тарафдори), айрим диний маросим ва анъаналар (масалан, азон, мутъа, шахсей-вахсей, маздийлик ва ҳ. к.) да бирмунча тафовутлар бор.³⁵

Шиалик (арабча - гуруҳ, тарафдорлар) - исломдаги асосий йўналишлардан бири. Ўзининг тарқалиши ва ижтимоий-сиёсий моҳияти жиҳатидан суннийликдан кейинги ўринда туради. Шиалик VII аср ўрталарида халифа Али ҳокимияти тарафдорларидан иборат сиёсий гуруҳ сифатида вужудга келган. VII аср охирларига келиб Ироқ ва Эронда кенг тарқалган ва исломдаги мустақил диний йўналишга айланган. Шиалик диний-ақидавий таълимотида, маросим ва урф-одатларда ортодоксал суннийликдан маълум даражада фарқ қилади. Диний – сиёсий ҳаракат сифатида халифалар ҳокимиятига қарши кураш олиб борган феодал гуруҳларнинг, ҳатто халқ кўзолончиларининг мафкураси сифатида ҳам майдонга чиққан. Шиалик аслида феодал гуруҳлар ўртасидаги ҳокимият учун кураш оқибатида вужудга келган бўлса-да, бу ихтилофлар кўпинча диний таълимотдаги тафовут шаклида намоён бўлган. Шиалик тарафдорлари (шиалар) суннийлар каби Қуръонни илоҳий деб эътироф этадилар, лекин халифалар даврида унинг айрим қисмлари тушириб қолдирилган деб

³⁵ Саидов А. Х. Основы мусульманского права. Курс лекций. Ташкент: Акад. МВД Республики Узбекистан, 1994. – С. 117.

ҳисоблайдилар. Шиалик илоҳиётчилари Қуръоннинг мазмунини мажозий талқин қилиш йўли билан ўз таълимотларини асослайдилар. Суннада эса улар фақат Али ва унинг тарафдорлари номи билан боғлиқ бўлган ҳадисларни тан олганлар ва шундай ҳадислардан иборат мустақил тўпламлар тузганлар. Бу тўпламлар Ахбор деб аталган. Суннийликда эътироф этилган диний ақидалардан фарқ қилиб, шиаликда тавҳид, адл, нубувват, имомат, қиёматдан иборат 5 та ақидага эътиқод қилинади. Булардан тўрт ақида-тавид (Аллоҳнинг ягоналигини эътироф этиш), адл (адолат, Аллоҳнинг одиллиги, яъни тақдир ақидаси), нубувват (пайғамбарлик), қиёмат ёки маъод (охират кунининг келиши ва ўлганларнинг тирилиши) асосан суннийлик таълимоти билан мос тушади. 5-ақидага эътиқодда имомат (имомлар ҳокимиятини эътироф этиш) суннийликка ва сунний халифалар ҳокимиятига зидлиги билан фарқ қилади.³⁶

Шиалик Али ва унинг авлодларидан иборат ўн икки имом ҳокимиятини тан олади. Шу муносабат билан барча халифаларни хусусан дастлабки халифалардан Абу Бакр, Умар ва Усмонни ҳокимиятни зўравонлик билан эгаллаб олган шахслар сифатида қоралайди. 874-878 йиллар орасида 7-9 ёшида бедарак йўқолган (тарихий нуқтаи назардан ўлдирилган бўлиши керак) 12-имом Муҳаммад Ал-Маҳдийни улар «яширинган» ҳисоблайдилар, замона охир бўлганда унинг қайтиб келишини ва адолат ўрнатишини кутадилар (имоми маҳдий, имоми охир замон). Бу тасаввур маълум даражада суннийликда ҳам тарқалган. Баъзи урф-одат ва маросимларда, шариат нормаларида ҳам шиалик билан суннийлик ўртасида маълум тафовутлар бор. Шиалар суннийлар каби Макка ва Мадинани «муқаддас» ҳисоблаш билан бирга, имом Ҳусайнга мотам тутадилар, «шахсей – вахсей» деб ном олган мотам юришлари ўтказадилар ва ҳ.к. Ўрта асрларда шиалар ичида ҳам ихтилофлар юз берган, натижада кўп секталар вужудга келган. Булардан зайдийлар, исмоилийлар, ибодийлар ва бошқалар ҳозир ҳам мавжуд. Шиалик

³⁶Мюллер А. История ислама. Т. I-II. М: Наука. 2004. – С. 642.

ҳозирги вақтда Эронда ҳукмрон эътиқод ҳисобланади. Ироқ, Афғонистон, Ҳиндистон ва Покистонда шиалар бор. Шиалик МДҲ ҳудудида Озарбайжон ва Тожикистонда (Помирда исмоилийлар) диндорлар орасида сақланиб келмода.³⁷

Хорижийлар (арабча - ажралиб чиққан, исёнчи) - исломдаги илк оқим тарафдорлари. Халифа Али билан умавийлар ўртасидаги кураш давомида VII асрнинг II ярми бошларида вужудга келган. Тахт учун курашда Али Муовия тарафдорлари (уммавийлар) билан музокара олиб боришга кўнган. Бу ҳол Али ҳақиқий ворислик ҳуқуқига эга деб ҳисоблаган тарафдорларининг ўртасида норозилик туғдирган. Қўшиннинг бир қисми (12 минг киши) Алини келишувчанликда айблаб, ундан ажралиб кетган ва кейинчалик Алига ҳам, уммавийларга ҳам баббаравар қарши кураш бошлаган. Ана шу гуруҳ тарафдорлари хорижийлар деб ном олган. Хорижийлар ҳаракати араблар томонидан бўйсундирилган Ироқ ва Эрон аҳолиси, оддий араб-мусулмонлар ҳамда меҳнаткашлар оммаси манфаатини ифодалаган демократик ҳаракат бўлган. Улар ўзларини ҳақиқий мусулмон деб ҳисоблаганлар. Хорижийлар «диндан қайтган», йўқотилишга маҳкум этилган деб эълон қилинган сиёсий ва ғоявий рақибларга нисбатан муросасиз бўлганлар.³⁸

Хорижийлар таълимотига кўра, халифа диний жамоа томонидан сайланади ва жамоага бўйсунди; ҳар қандай тақводор мусулмон (ҳатто кул бўлса ҳам) халифа бўлиб сайланиши мумкин; агар халифа жамоа манфаатларини ҳимоя қилмаса вазифасидан бўшатилади ва ҳатто қатл этилади. Хорижийлар фикрича, эътиқод амалий фаолият билан мустакамланиши лозим. Эътиқод, гуноҳкор кишиларни жазолаш масалаларида хорижийлар муржиъийларга қарама-қарши турганлар. Кейинчалик хорижийлар бир неча майда гуруҳларга бўлиниб кетган. Уммавий ва аббосий халифалар VII-IX асрларда хорижийларга қарши кескин кураш олиб бордилар. Бунинг натижасида хорижийларнинг кўпи қириб

³⁷Саввас-паша. Теория мусульманского права. Т., 1910. – С. 211.

³⁸Саввас-паша. Теория мусульманского права. Т., 1910. – С. 217.

ташланди, уларнинг қолганлари Шимолий Африкада ўз давлатини вужудга келтирдилар. Хорижийлар халифаликдаги кўпгина кўзғолонларда (Зинжийлар кўзғолони, Абу Муслим кўзғолони ва бошқалар) катнашганлар. Ҳозирги даврда хорижийларнинг ибодийлар сектаси мағриб мамлакатларида (Жазоир, Тунис ва бошқаларда), Уммон, Танзанияда учрайди.

Исломдаги оқимларнинг яна бир тури мазҳаблардир. Масалан, суннийликда фикҳий мактаблардан ташқари ақидавий муаммоларда ихтилофга борган кўпгина мазҳаблар мавжуд бўлиб, улар асосан қуйидаги масалаларда бир-биридан фарқ қилади:

1. Олий ҳокимият (имомат, халифалик) масаласи.
2. Имон масаласи.
3. Қазо ва қадар масаласи.
4. Аллоҳнинг зоти ва сифатлари масаласи.
5. Фикҳий масалалар.³⁹

Ҳар қандай мусулмон фикҳда маълум мактаб ёки мазҳабга (масалан, ҳанафийликка) эргашган бўлиши билан бир вақтда, имон масаласида ашъарий, қадр масаласида қадарий, сифат масаласида эса муътазилий ақидасида бўлиши мумкин. Албатта, бундай ҳолат кам учрайди. Чунки йирик мазҳаб соҳиблари нафақат бир йўналишда, балки исломдаги барча масалалар бўйича ўз фикрларини билдирганлар.

Азалдан бизнинг юртимизда фикҳда ҳанафийлик, ақидада эса мотуридийлик мактаби таълимотларига риоя қилиб келинган. Лекин усул (асосий масалалар)да юқорида санаб ўтилган суннийлик мазҳаблари орасида

³⁹ Сюкияйнен Л. Р. Мусульманское право. Вопросы теории и практики. М.: Наука, 1986. – С. 378.

ҳеч ҳандай ихтилоф, қарама-қаршилик йўқ. Уларнинг барчаси «тўғри йўлдан боровчи» деб эътироф этилган.⁴⁰

Ҳанафия - суннийликдаги диний-ҳуқуқ мазҳабларидан бири. Абу Ҳанифа ан-Нуъмон асос солган. Ундан кейин ҳанафия мазҳаби қоидалари Абу Юсуф Ёқуб (795 йилда вафот этган), Муҳаммад аш-Шайбон (804 йилда вафот этган), Қудурий (1036 йилда вафот этган) ва бошқалар асарларида ишлаб чиқилган. Ироқда вужудга келиб, ислом тарқалган барча мамлакатларда, жумладан, Хуросон ва Мовароуннаҳрда ҳам кенг ёйилган. Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» тўплами бу мазҳабнинг асосий шариат қўлланмаси сифатида танилган. Ҳанафия қонунлари нисбатан юмшоқроқ ва қулайроқлиги, халқларнинг маҳаллий анъаналарини эътиборга олганлиги сабабли кенг ёйилган.⁴¹

Суннийлик йўналишига мансуб бўлган мусулмонларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи бу мазҳабга киради, у бир неча араб давлатларида, Африканинг айрим мамлакатларида, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Афғонистон, Хитой мусулмонлари орасида тарқалган. Уларда ҳанафия мазҳаби таълимоти ҳозирги даврда ҳам ўз таъсирини сақлаб қолган.

Шофиъия - суннийликдаги Шофиъий асос солган диний-ҳуқуқ мазҳабларидан бири. Сурия ва Мисрда шаклланган, ўрта асрларга келиб Яқин Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган. Кейинчалик бу мазҳабнинг таъсир доираси торайиб борган. Ҳозирги вақтда Миср, Индонезия мусулмонлари орасида, Шарқий Африка мамлакатларининг баъзиларида, қисман Сурияда ва жанубий араб султонликларида шофиъия мазҳаби диний-ҳуқуқ тизимида амал қилувчилар бор.

Ижтимоий таракқиёт натижасида мусулмон мамлакатларида шариатнинг, жумладан, шофиъия мазҳабининг ҳуқуқий қаётдаги таъсири

⁴⁰ Саидов А. Х. Основы мусульманского права. Курс лекций. Т.,: Акад. МВД Республики Узбекистан, 1994. – С. 445.

⁴¹ Сюкияйнен Л. Р. Мусульманское право. Вопросы теории и практики. М.: Наука, 1986. – С. 521.

борган сари сусаймода. Шофиъий ўз асарларида ислом ҳуқуқини анъанавий нормалар билан боғлашга интилан.⁴²

Суннийликдаги яна бир диний-ҳуқуқ мазҳаби - Молик ибн Анас томонидан асос солинган моликиядир. Бу мазҳаб тарафдорлари ҳуқуқ масалаларида рационалистик методга, яъни Қуръон ва ҳадисларни ақлга асосланган ҳолда талқин қилишга қарши чиққан. Бу мазҳаб дастлаб Ҳижоз ва Мадинада, кейин бошқа мамлакатларда тарқалган. Ҳозирги даврда моликия мазҳаби Тунис, Жазоир, Марокаш, Ливия ва айрим бошқа мамлакатларда мусулмонлар ўртасида таъсирга эга.

Ва ниҳоят, суннийликдаги сўнгги мазҳаб ҳанбалия бўлиб, унга Ибн Ҳанбал асос солган. Ҳанбалия ҳуқуқ тизими ўта торлиги, ҳар қандай кўринишдаги «янгилик»ка, диний масалаларда эркин фикр юритишга қаршилиги, шариат нормаларига риоя этишга қатъий мутаассиблиги билан ажралиб турган. Ҳанбалия тарафдорлари Қуръон ва ҳадисларни эркин талқин этиш йўлидаги ҳар қандай уринишларни қоралаганлар. Шунинг учун ҳам бу мазҳаб кенг тарқалмаган. Фақат IX асрнинг II ярмида Араб халифалигида муътазилийларнинг ва илоҳиёт соҳасидаги ҳурфикрлиликнинг таъқиб остига олиниши туфайли ҳанбалия бир мунча кенгайган ва XII асрда мустақил мазҳабга айланган. X асрда Эронда, XI асрдан XV асргача Сурия ва Фаластинда ҳанбалия издошлари кўп бўлган. Ундан кейинги асрларда ҳанбалия тарафдорлари яна камайиб кетган.⁴³

XVIII асрда пайдо бўлган ваҳҳобийлар ҳанбалия тарафдорлари бўлиб чиққан. Ваҳҳобийлар Саудия Арабистонида ҳокимиятни қўлга олгач (XX асрнинг 20-йиллари), ҳанбалия қонунларини амалга киритганлар. У ерда ҳанбалиянинг илк исломга хос қарашлари ҳозир ҳам амалда. Ҳанбалия Саудия Арабистонидан бошқа мамлакатларда кам учрайди.

⁴²Мюллер А. История ислама. Т. I-II. М: Наука 2004. – С. 418.

⁴³Сюкияйнен Л. Р. Мусульманское право. Вопросы теории и практики. М.: Наука, 1986. – С. 632.

Исломда иккинчи йўналиш - шиалик ҳам исмоилий, ибодий, жаъфарий, зайдий каби мазҳабларни ўз ичига олади.

1.2.Мусулмон ҳуқуқий тизимининг ўзига хос хусусиятлари.

Теократик ислом давлати томонидан умумий ҳуқуқ у ёки бу даражада рухсат бериладиган ва қўллаб – қувватланадиган диний шаклда ифодаланувчи нормалар тизими сифатида мусулмон ҳуқуқи VII-X асрларда Араб халифалигида илк ўрта асрлар жамияти ҳукмронлик қилган даврида шаклланган ва ислом динига асосланган. Илмий манбаъларда таъкидланишича, ислом дини ўз мазмунига кўра, биринчидан, мусулмон киши нималарга эътиқод қилиши ва нималардан ўзини тийиши лозимлигини белгиловчи илоҳий ақидадан, иккинчидан, мусулмон қандай амалларни бажариши ва қандай амаллардан тийилиши лозимлиги ҳақидаги қоидалардан иборат. Ислом динида ушбу қоидалар йиғиндиси шариат (“ҳақ йўл” маносини англатади) деб номланади.

Ислом таълимоти мавжуд ҳуқуқ Аллоҳдан берилганлигидан келиб чиқади. Аллоҳ тарихнинг муайян замонида уни Муҳаммад Пайғамбарга нозил этиб, инсонга етказган. Аллоҳнинг ҳуқуқи инсониятга абадий берилганлиги сабабли жамият ҳаётининг ижтимоий шароитлари доимий равишда ўзгариб туриши таъсири остида тегишли ҳуқуқни яратмасдан ушбу ҳуқуққа амал қилишикерак.

Зотан, шариат қоидалари Аллоҳ иродасини ифодалар экан, барча соҳаларини қамраб олади. Чунончи, улар кенг маънода мусулмонлар билиши зарур бўлган кўрсатмаларни, хусусан, рўза тутиш, закот бериш, ҳаж фарзи амалини адо этиш кабиларни белгилаб беради. Шу маънода шариат диний ва ахлоқий омилларни, шунингдек, урф-одатларни ҳам қамраб олади.⁴⁴

⁴⁴Саидов А. Х. Основы мусульманского права. Курс лекций. Т.: Акад. МВД Республики Узбекистан, 1994. – С. 58.

Тўғри, мусулмон ҳуқуқи назариясига мувофиқ илоҳий юз очиш тушунтириш ва талқин қилишга эҳтиёж сезади. Мусулмон ҳуқуқшунослари бўлган фақиҳларнинг машаққатли ишлари асрлар бўйи мана шу ижобий ишга сарфланган. Бироқ, уларнинг саъй-ҳаракатлари янги ҳуқуқни яратишга эмас, балки фақат Аллоҳ томонидан берилган ҳуқуқни амалда фойдаланишга мослаштиришга йўналтирилган.

Модомики, исломга кўра мусулмон ҳуқуқи Аллоҳнинг иродасини акс эттирар экан, у одатда ҳуқуқий соҳага тегишли бўлганларнигина эмас, балки ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади. Масалан, мусулмон ҳуқуқи сўзнинг кенг маъносида муслим киши ўқиши керак бўлган намозларни, у риоя қилиши керак бўлган фарзларни, закотни, ҳаж зиёратини белгилайди. Ушбу қоидаларга риоя қилинишига мажбурлаш умуман мумкин эмас. Шу маънода мусулмон ҳуқуқи ижтимоий-меъёрий тартибга солишнинг ягона исломий тизими сифатида тушунилади. У ҳуқуқий нормаларни, ноҳуқуқий тартибга солишларни, биринчи навбатда диний ва ахлоқий йўлга солишларни, шунингдек, урф-одатларни ҳам ўзичига олади.⁴⁵

Шариат – исломнинг ўзига хос квинтессенсиясидир. Шариат икки қисмдан – илоҳиёт ёки ибодат тамойиллари (ақидалар) ҳамда фикҳдан иборат. Фикҳ ҳам икки қисмга бўлинади: биринчиси – мўминга ўзига ўхшаганларга нисбатан унинг хулқ-атвор йўли (муомалат) қандай бўлиши кераклигини кўрсатса, иккинчиси – Аллоҳга нисбатан мажбуриятлар (ибодат) ҳаида фармойиш беради. Фикҳнинг асосий вазифаси эса мусулмон давлати қонунлари билан унинг бирламчи манбалари ўртасидаги узвий боғлиқликни сақлаб қолишда ўз ифодасини топади⁴⁶.

Шариат қоидалари ўз негизига кўра Араб халифалиги даврида таркиб топган ва ислом динига асослангандир. Бу қоидалар тақво (адолат) сифатида Аллоҳ томонидан тарихий бир даврда инсониятга Муҳаммад пайғамбар

45 Садагдар М. И. Основы мусульманского права. М.: Наука, 1968.

– С. 76.

46 Саидов А. Х. Ҳозирги замон ҳуқуқий тизимлари. Дарслик. Т.; ТДЮИ 2004. – Б. 309.

орқали нозил этилган. Ислом динига мувофиқ инсоннинг шахсий хавфсизлик, шахсий обрўини ҳурмат қилиш, тенглик, адолат, биродарлик каби ўзига хос “ҳуқуқ”лари бўлиб, улар Аллоҳнинг инояти, мараҳматидир, зеро, ҳокимият Яратганнинг инон-ихтиёридадир. Демак, исломий идрок сифатида бу муаммолар мажмуини тушуниш, очиғини айтганда, инсон ҳуқуқларининг расмий концепсиясидан анча фарқ қилади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, мусулмон мамлакатларида диний ташкилот бир вақтнинг ўзида асосий давлат ташкилоти бўлган даврлар ҳам бўлган. Мусулмон оламида бундай бирлашув тарихи Муҳаммад пайғамбарнинг ўзларидан бошланади. Чунончи, Аллоҳнинг расули 622 йил 16 июлда Маккадан Ясриб (кейинчалик – Мадина)га ҳижрат қилгач, у ерда ягона диний таълимотга мансубликка асосланган уруғ-қабила жамоасини ташкил қилди. Айни шу санадан мусулмонлар эраси – ҳижрий йил ҳисоби бошланади⁴⁷. Муҳаммад пайғамбар фақат диний жамоа бошлиғи бўлиб қолмай, айни чоғда шу ташкилотнинг дунёвий бошлиғи ҳам эди.⁴⁸

Аллоҳ расулининг бу вазифаси бошқа жамоалар, кейинчалик эса бошқа халқлар, давлатлар билан ўзаро муносабатларда янада яққолроқ намоён бўлди. Шундан бошлаб кўп ватқгача (айрим мусулмон мамлакатларида ҳозиргача ҳам) диний ҳокимият (имомат) ва дунёвий ҳокимият (амирлик) бир шахс (халифа) қўлида бўлган.

Айрим таниқли тадқиқотчиларнинг фикрича, ибодат (теология) шариатда муомалат (ҳуқуқ)га нисбатан ҳатто бўйсунувчи мавқени эгаллайди. Шариатнинг бу икки қисми ҳар хил мусулмон ҳуқуқий мактаблари (мазҳаблар) томонидан белгиланган ва ўрганилган кўринишда ҳуқуқшунослик фани асосини ташкил этади. Давлатни ўрганиш мусулмон ҳуқуқшунослик фанининг бир қисми ҳисобланмайди. Фикҳнинг асосий функцияси мусулмон давлати қонунчилиги билан унинг бирламчи манбалари

⁴⁷ Ислом энциклопедияси. Т., “ Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2004. – Б. 311.

⁴⁸ Мюллер А. История ислама. Т. I-II. М.: Наука. 2004. – С. 96 - 97.

ўртасидаги узвий алоқаларни сақлаб қолишдан иборатдир. Мусулмон ҳуқуқшунослик фани билан дунёвий ҳуқуқшунослик фани ўртасидаги тафовут мусулмон ҳуқуқий тизими Қуръонга асосланиши ва ҳуқуқни инсон ақли ва ижтимоий шарт-шароитлар маҳсули эмас, балки Худонинг кўрсатмалари меvasи сифатида қарашидан иборатдир⁴⁹.

Гарчи, ислом уч дунёвий диннинг энг ёши бўлса ҳам жуда кенг тарқалган. У нафақат муайян мафкура, диний, ахлоқий таълимот бўлибгина қолмай, балки ўзига хос маданият ҳамдир. Ислom меъёрлари ҳам диний (исломий масалаларни) ҳал этишга, ҳам мусулмонларнинг кундалик ҳатти-ҳаракатини тартибга солишга, уларнинг турмуш тарзини шакллантиришга йўналтирилгандир.

Ислomга дин сифатида эътиқод қилувчи, бироқ мусулмон ҳуқуқини қабул қилмаган миллатлар ва этник гуруҳлар ҳам мавжуддир⁵⁰.

Мусулмон ҳуқуқшунослик фанининг асосини казуистик метод ташкил этади. У “илм ал-фуру” ёки “масаъил” деб аталади.

Уммавийлар ҳукмронлиги замонида (622-750-йиллар) Араб халифалигидаги яшовчи халқларда, шу жумладан арабларда феодал муносабатлар мустаҳкамланишига олиб келган ижтимоий-итисодий ўзгаришлар юз берган. Янги ижтимоий тузилмалар пайдо бўлиши билан халифаликнинг иқтисодий ва маданий ҳаётида мусулмон ҳуқуқини такомиллаштириш, эски ҳуқуқий тасаввурлар ва институтларни трансформация қилиш, ривожланаётган феодал муносабатлар этиёжларини акс эттирган янги ҳуқуқий нормалар яратиш зарурияти пайдо бўлган. Бир ватқнинг ўзида бундай нормалар исломнинг ўз қоидалари, қайсидир даражада босиб олинган халқларнинг ҳуқуқий анъаналари билан қўшилиши керак бўлган. Ўша пайтда кўп сонли сунна ва шиа мазҳаблари пайдо бўлган

⁴⁹ Сабуров Н. Давлат ва ҳуқуқ назарияси (саволлар, таърифлар, тушунча ва атамалар) / Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2005. – С. 95.

⁵⁰ Бабаева В.К. Теория государства и права. М., ВиМ 2006. – С. 606

ва улар мусулмон ҳуқуқининг кейинги эволюциясига катта таъсир кўрсатган.⁵¹

Араб халифалигига 750 йилдан бошлаб ҳукмронлик қилган Аббосийлар давлати мусулмон ҳуқуқининг таъсирини кучайтиришга ҳар томонлама кўмаклашган, бу ерда атоқли фақиҳ ҳуқуқшуносларнинг обрў – эътибори эътироф этилиб, уларнинг кўпчилигини Олий суд инстансиясига даъво қилганлар. Улкан араб халифалигида илоҳий каломни ўрганиш бўйича бир неча марказлар вужудга келтирилган. Куфа мактаби унинг дастлабки ташкил этувчиларидан бирининг номи билан Ҳанафийлик деб аталди, Мадина мактаби эса унинг асосчиси номи билан Моликийлик деб аталган. Вақт ўтиши билан ушбу мазҳаблар ўртасидаги фарқлар катталаша борган. Муҳаммад Пайғамбар ўз ҳадисларидан бирида бундай деган эди: “Менинг жамоамда фикрлар хилма-хиллиги – Аллоҳ муруввати белгисидир”.⁵²

Барча мусулмон ҳуқуқий мактабларининг, сунний ва шиа оқимларининг асосий манбаи сифатида Мадина ва Ироқ мактаби ғоялари қабул қилинган эди. Ушбу қадимий мактаблар ўзлари назорат қилиб турган ҳудудда илдиз отган одат ҳуқуқидан фойдаланганлар ва уни ислом дини эҳтиёжларига мослаштирганлар.

Х аср охирига келиб яна иккита ҳуқуқий мазҳаб майдонга келган. Улар ҳозиргача катта аҳамиятга эгадир. Улардан бири машҳур олим Аш-Шофийй шарафига шофиййлик мактаби деб аталади. Иккинчиси, ўз асосчиси номи билан Ханбалия мазҳаби деб аталади. Тарихий сабабларга кўра бугунги кунда жаҳонда суннийликнинг тўрт мазҳаби – ҳанафия, моликия, шофиъия, ханбалия мазҳаблари ва учта шиалик мазҳаблари – жаъфария, исмоилия, зайдия мазҳаблари бор. Ҳар бир мазҳабнинг ўз ҳуқуқий методологияси ва

⁵¹ Мец Адам. Мусульманский Ренессанс. М.: Издательство «ВиМ», 1996. – С. 142.

⁵² Садагдар М. И. Основы мусульманского права. М.: Наука, 1968. – С. 79 – 80.

концепсияси мавжуд, уларнинг ҳар бири ўзларини мусулмон ҳуқуқининг мустақил тизими деб ҳисоблайдилар.⁵³

Замонлар ўтиши билан ушбу суннийликнинг тўрт мазҳаби мусулмон оламининг турли жойларида устунлик қила бошлади. Моликия, Ханафия мазҳаби Яқин ва Ўрта Шарқда (айниқса Миср, Ливан ва Афғонистонда) ва Ҳинд водийсида, Шимолий, Ғарбий ва Марказий Африкада, Шофийия мазҳаби Шарий Африка, Малайзия ва Индонезияда, Ханбалия мазҳаби Саудия Арабистонида устунлик мавқега эга бўлди. Ушбу мазҳабларнинг ҳар бири бошқа мазҳабларнинг қонунийлигини тан олади.⁵⁴ (Мусулмон ҳуқуқининг ўзига хос хусусияти ҳам шундадир).

Лекин шунга қарамай ҳуқуқшунос олимлар ва ҳуқуқий мактабларнинг нуқтаи назарича, мусулмон ҳуқуқи хусусий фикрлар сон – саноксизлиги туфайли парчаланиб кетади деган хавфни туғдирган. Бунинг олдини олиш учун Аш-Шофийий тўрт илдиз – мусулмон ҳуқуқи манбалари тўғрисидаги таълимотни яратган. Натижада ҳуқуқшунослар ҳуқуқий баҳолашнинг қатъий умумий асосига эга бўлганлар.

Мусулмон ҳуқуқи тизимга қатъийлик бағишлайдиган постулатларга асосланади. Мусулмон ҳуқуқшунослари барча тасодифий ёки ноаниқ нарсаларни қоралашади. Ушбу ҳуқуқшунослар томонидан шакллантирилган ҳуқуқий нормалар ўз тузилмасига кўра ҳамма вақт ташқи омилга асосланган бўлади. Индивиднинг ғоялари ва ниятлари ҳеч қачон инобатга олинмайди. Барча психологик унсурлар онгли равишда кўриб чиқишдан ташқарида деб ҳисобланади.⁵⁵

Қонун тушунчаси мусулмон ҳуқуқини тушунишда мавжуд эмас. Назарий жиҳатдан фақат Худо қонунчилик ҳокимиятига эгадир. Амалда

⁵³ Саидов А. Х. Основы мусульманского права. Курс лекций. Т: Акад. МВД Республики Узбекистан, 1994. – С. 86.

⁵⁴ Саидов А. Х. Ҳозирги замон ҳуқуқий тизимлари. Дарслик. Т: ТДЮИ. 2004. – Б. 309.

⁵⁵ Сабуrow Н. Давлат ва ҳуқуқ назарияси (саволлар, таърифлар, тушунча ва атамалар) / Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2005. – Б. 108 – 109.

ҳуқуқшунос олимларнинг асарлари мусулмон ҳуқуқининг ягона манбаи ҳисобланади. Мусулмон ҳуқуқи ўзида ҳуқуқшунослар ҳуқуқининг ажойиб намунасини ифодалайди. У хусусий мутахассислар томонидан яратилди ва ривожлантирилди. Давлат эмас, балки ҳуқуқий фан қонун чиқарувчи ролини ўйнайди: дарсликлар қонун кучига эгадир. Ишни кўриб чиқишда қози ҳеч қачон бевосита Қуръонга ёки Суннага мурожаат қилмайди. Бунинг ўрнига у обрў-эътибори, нуфузи барча мусулмонлар томонидан эътироф қилинган муаллиф ҳулосаларига суянади.

Мусулмон ҳуқуқи муайян нормаларнинг жами сифатида ислом пайдо бўлгандан кейинги икки аср давомида шаклланган. Кейинги асрлар амалда исломга ҳеч бир янгилик киритмаган. Ушбу турғунлик инсон саъй-ҳаракатларининг ёпилишига – иждиҳодга боғлиқ деб ҳисобланади. Бироқ шиа мазҳаблари бундай “ёпиқлик”ни ҳеч қачон тан олмаганлар. Шу сабабли, шиалар ҳуқуқи ҳамма вақт сунний мазҳабидаги ҳуқуқа қараганда анча мослашувчандир.

Умуман олганда XIX асргача мусулмон ҳуқуқий онги эволюцияси устун даражада диний-ҳуқуқий шарҳларда ва фатво тўпламларида ўз аксини топган. Улар ҳеч қачон тўғридан-тўғри рад этмаган ва уларнинг одатдаги айтилишини ўзгартирмаган ҳолда шариатнинг анъанавий қоидалари ва принципларини янгича талқин қила бошлаганлар. Ижтимоий ривожланишнинг нисбатан суст суръатларда борганлиги, ижтимоий онгнинг диний шакли ҳукмронлик қилганлиги билан изоҳланади. Мана шундай шароитларда мусулмон ҳуқуқи ўз ижтимоий вазифасини бажаришга киришган.⁵⁶

XIX аср бошигача мусулмон олами халқларининг ижтимоий-иқтисодий мавқеи жуда секинлик билан ўзгарган ва қоидаларнинг ўзгармаслигига қарамай шариат уларнинг эҳтиёжларига тўлиқ жавоб берган. Бироқ, Усманийлар салтанати тушкунликка учраши муносабати билан Яқин Шарқда

⁵⁶ Мюллер А. История ислама. Т. I-II. М.: Наука. 2004. – С. 204 – 205.

Европа давлатларининг сиёсий таъсири кучайган. Мусулмон давлатлари раҳбарлари ташқи олам билан алоқа қилгандан кейин Европа давлатлари билан сиёсий ва иқтисодий рақобатга чидаш бериш учун давлат ҳамда ҳуқуқ тизимини замонавийлаштириш зарурлигини англаб етганлар.

Табиийки, мусулмон давлати ва ҳуқуқидаги ислоҳотлар тўғрисидаги барча таклифлар анъанавий ислом ақидасига зид эди. Ислом ақидасига кўра илоҳий кўрсатмалар ўзгармас бўлиб, улар қонунчилик доирасига сиғмас эди. Лекин шунга қарамай қонунчилик ислоҳотлари жараёнлари бошланиб кетган ва илгари мусулмон ҳуқуқи тартибга солган муносабатлар соҳасига келиб чиқиши Европага хос бўлган меъёрий манбалар суқилиб кирган. XIX аср ўртасида бошланган ушбу жараён энг аввало анъанавий мусулмон ҳуқуқига кўра низо унча кескин бўлмаган соҳаларда: савдо ҳуқуқи ва жараёнига, денгиз ҳуқуқига таъсир қилган.⁵⁷

Аммо, Усманийлар империяси ҳукмдорлари янада узоққа борганлар. 1850 моддадан иборат Мажалла (1869-1876 йиллар) қонуни қабул қилинган. Бу ханафий мазҳаби ҳулосалари асосида мулкчилик ҳуқуқи ва мажбурият ҳуқуқи соҳаларида мусулмон-ҳуқуқий нормалари мажмуини яратишга қаратилган уриниш эди. Оила ва мерос ҳуқуқи кодекслаштирилмаган. Бундай қадам қўйишга мулкка ва мажбуриятларга тегишли низоларни кўриб чиқишга эндигина ваколат олган дунёвий судлар қонунларининг ўрта асрлар мажмуига таяна олмасликлари заруриятидан келиб чиққанлиги сабаб бўлган. Мусулмон ҳуқуқшунос олимлари асарларида ҳуқуқни оммавий ва хусусий ҳуқуққа бўлиш мавжуд эмас. Боблар ортидан ҳеч бир мантий чеклашсиз боблар келаверади, уларни ёки хусусий ҳуқуққа, ёки жиноят ҳуқуқига тегишли деб ҳисоблаш мумкин эди.⁵⁸

Жиноят ҳуқуқи, суд ҳуқуқи ва оила ҳуқуқи мусулмон ҳуқуқининг асосий соҳалари сирасига киради.

⁵⁷ Мец Адам. Мусульманский Ренессанс. М.: Издательство «ВиМ», 1996. – С. 346.

⁵⁸ Саидов А. Х. Основы мусульманского права. Курс лекций. Ташкент: Акад. МВД Республики Узбекистан, 1994. – С. 392 – 393.

Мусулмон жиноят ҳуқуқи энг аввало қатъий белгиланган (худуд) ва таҳқирловчи (таъзир) жазолари ўртасидаги фарққа асосланган эди. Қатъий белгиланган жазо чораларига фақат олтига жиноят: қотиллик, хиёнат, хиёнатда сохта айбланиш, ўғирлик, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, босқинчилик ва исён кирар эди. Санаб ўтилган жазолардан ташқари қозни ўз билганича қонуннинг исталган бошқача бузилиши учун жазо белгилаши мумкин эди. Бинобарин, унга катта эркинлик берилар ҳамда мусулмон ҳуқуқининг бир қанча нормалари айнан мана шу йўл билан яратилган эди.

XX аср ўрталарига келиб Арабистон ярим ороли мамлакатларидан ташқари классик мусулмон жиноят ҳуқуқи ҳеч бир жойда тўлиқ ҳажмда амал қилмайди деган тасаввур шаклланган.⁵⁹

Жиноят ҳуқуқини исломлаштириш жараёни бошқа мамлакатларга ҳам ёйилган (Покистон, Судан, Мавритания). Арабистон ярим ороли мамлакатларида шариатнинг жиноятга тааллуқли нормалари фаол қўлланила бошланган. Мусулмон суди ўзининг ички тузилишида соддалик билан ажралиб туради. Якка ҳукм чиқарадиган судья барча тоифадаги ишларни қўриб чиқади. Судлар иерархияси мавжуд емас.

Ҳозирги вақтда айрим мусулмон мамлакатлари (масалан, Миср) мусулмон судларидан тўлиқ воз кечган. Бироқ кўпчилик араб мамлакатларида улар ҳуқуқнинг ижтимоий амал қилиш механизмида муҳим рўл ўйнашда давом этмоқда. Баъзи жойларда (масалан, Суданда) мусулмон судлари тизими ҳатто кўп босқичли тусга эга (бир неча инстансиялар), айрим мамлакатларда оқилона талқин қилишга мувофиқ бўлган мусулмон судларининг параллел (мувозий) тизимлари мавжуддир. Масалан, Ироқ ва Ливанда суннийликка тегишли жаффарат судлари бунга мисол бўла олади.

Айрим давлатларда мусулмон судлари ўз ваколатларига кўра устун даражада шахсий мақомга хос ишларни қўриб чиқишга йўналтирилган,

⁵⁹ Сюкияйнен Л. Р. Мусульманское право. Вопросы теории и практики. М.: Наука, 1986. – С. 765 – 766.

бошқа мамлакатлар (Арабистон ярим ороли ва Форс кўрфази мамлакатларида) уларнинг ваколатлари кенгроқ бўлиб, фуқаролик ва жинойт ишларини ҳам кўриб чиқади. Одатда судьяларга нисбатан уларнинг диний-ҳуқуқий тайёргарлиги жиҳатидан юксак малака талаблари қўйилади.

Араб мамлакатлари оила қонунчилигини ўрганиш умуман олганда мусулмон ҳуқуқи нормалари ва принциплари мустаҳкамланишига йўналтирилганлиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини беради. Бир қанча мамлакатларда қабул қилинган шахсий мақом тўғрисидаги қонунлар ва кодекслар (Иордания – 1976 йил, Сирия – 1953 йил, Тунис – 1956 йил, Марокаш – 1957 йил, Ироқ - 1959 йил)да мусулмон ҳуқуқининг асосий кўрсатмалари ҳозирги замонавий жамиятнинг бир қанча талаблари ҳисобга олинган ҳолда сақланиб қолади.⁶⁰

Мусулмон ҳуқуқи бўйича таниқли россиялик мутахассис А.Сюкияйнен шариатнинг ўзига хос характерли белгиларини жуда аниқ кўрсатади. Унинг фикрича, мусулмон ҳуқуқининг ўз табиатини очиб берувчи ва уни бошқа ҳуқуқий тизимлардан фарқловчи асосий хусусияти унда сакрал ва дунёвий, диний ва ўз ҳуқуқий асосларининг ҳамкорлигининг мавжудлигидир, бу унинг келиб чиқиши ўзига хослигида ва тарихий эволюциясида, манбалари ва тузилмасида, амал қилиш механизми ва мусулмон ҳуқуқшуносларининг ҳуқуқни тушунишларида, ушбу ҳуқуқнинг давлат ҳамда позитив (дунёвий) қонунчилик билан нисбатида намоён бўлади.

Ҳозирги дунёда мусулмон ҳуқуқи бошқа ҳуқуқий оилалар билан бирга мавжуддир ва улар билан ўзаро алоқададир. Хорижий ҳуқуқий таъсирга кўп марталаб дуч келган мусулмон ҳуқуқи миллионлаб одамларга таъсир кўрсатувчи мустақил ҳуқуқий оила сифатида сақланиб келмоқда.⁶¹

Хуллас, айти пайтда мусулмон ва дунёвий ҳуқуқнинг ўзаро муносабати соҳасида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Халифаларнинг амру

⁶⁰ Сюкияйнен Л. Р. Мусульманское право. Вопросы теории и практики. М.: Наука, 1986. – С. 428 – 429.

⁶¹ Теория государства и права. Курс лекций. М., «Юристъ», 2001. – С. 499-500.

фармонлари ҳаётда тобора кўпроқ ўзини намоён эта бошлади. Бир вақтлар халифаларнинг бундай амру фармонлари олий диний уламоларнинг ислом динига мувофиқлиги борасидаги баҳс-мунозараларга сабаб бўлганди. Аммо мусулмон мамлакатлари цивилизация йўлидан кўпроқ ривожланиб боришига ва бошқа (айниқса, ғарбдаги) мамлакатлар билан ўзаро муносабатлар ўрнатилишига кўра, мусулмон мамлакатларида позитив (дунёвий) ҳуқуқнинг роли ва аҳамияти ортиб борди. Айрим мусулмон мамлакатлари шу йўналишда ривожланиб бориб, давлат фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш учун, ўз конституцияларини қабул қила бошлади. «Мусулмон» тушунчаси билан бир қаторда ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўз ичига олувчи «фуқаро» тушунчаси ҳам пайдо бўлди.

Мусулмон ҳуқуқий тизими манбалари тартиби қуйидагичадир:

Мусулмон ҳуқуқининг муҳим манбаси бўлиб, оят ва суралардан ташкил топган, мусулмонларнинг муқаддас китоби бўлмиш Қуръон ҳисобланади. Тадқиқотчилар Қуръонда унга нисбатан Шарқнинг қадимгирок ҳуқуқий ёдгорликларининг ҳолатлари мавжудлигини таъкидлашади. Қуръонни тузиш бир қанча ўн йилликларга чўзилган. Унинг тўлиқ ишланган нусхаси халифа Усмон (644-656 йиллар) ҳозирги ҳолатга келтирган. Қуръон арабларга ислом томонидан ўргатилган қоидалар фойдасига аجدодлар одатларидан воз кечишни тавсия этади.

Қуръон 6666 оятга бўлинган, 114 сурадан иборат. Бу оятларнинг кўпчилик қисми диний характерга эга ва фақатгина 500 яқини мусулмонларнинг юриш-туриш қоидаларига тегишли. Уларнинг 80 га яқини ҳуқуқий (оила, никоҳ, шартномавий муносабатларга тегишли), қолгани эса диний маросим ва мажбуриятларга қаратилгандир деган фикрлар мавжуд.

Аммо мусулмон ҳуқуқи бўйича машҳур олимлардан А. Ш. Жўзжоний қуйидагича бунӣ таснифлаган: Қуръон 6210 оятга бўлинган, 114 сурадан иборат ва 77434 сўздан таркиб топган.⁶²

Машҳур фикҳшунос олим доктор Муҳаммад Юсуф Мусо кўрсатишича, фикҳий – ҳуқуқий масалалар бўйича Қуръонда қуйидаги соҳаларда оятлар мавжуд:

1. Ҳаққуллоҳ (амалий ибодатлар) бўйича – 140 оят.
2. Шахсий ҳуқуқ (оила, талоқ, васият ва бошқалар бўйича) – 70 оят.
3. Муомалот ёки фуқаролик ҳуқуқи (олди – сотди, ижара, гаров. қарз, ширкат ва бошқалар) бўйича – 70 оят.
4. Жиноят ва жазо бўйича – 30 оят.
5. Суд, суд жараёни, гувоҳлик ва унга боғлиқ бўдган масалалар бўйича – 20 оят.⁶³
6. А. Ш. Жўзжонийнинг фикрича, давлат ҳуқуқи соҳасида – 3 оят, ҳаммаси бўлиб Қуръонда – 333 та ҳуқуқий оят бор.⁶⁴

Қуръоннинг кўпчилик қисми мураккаб характерга эгадир. Кўпчилик ҳолатлар ноаниқ кўринишга эга бўлиб, унинг таркиби нималардан иборат бўлишига қараб турли маънолар касб этиши мумкин. Турли мазҳаблар томонидан буларни эркин тушуниши натижасида, улар бир-бирига қарама-қарши ҳуқуқий тавсияларда ўз аксини топа бошлади.

Мусулмонлар учун энг муҳим манбалардан бири бу Сунна бўлиб, у Муҳаммад (С.А.В.)нинг фикр-мулоҳазалари ва қилган ишлари жамланган кўплаб ҳадислардан иборатдир. Шунингдек, ҳадисларда араб жамиятида ижтимоий муносабатларни ривожланишини акс эттирувчи турли ҳуқуқий кўрсатмаларни учратиш мумкин. Ҳадисларнинг сўнгги тарихи IX асрда, суннанинг 6 та асосий тўпламлари тузилиб бўлинганидан сўнг амалга оширилган. Улар орасида Аль – Бухорийнинг тўплами энг машҳурдир.

⁶² Жўзжоний. А. Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. Т., Тошкент ислом университети. 2002. – Б. 64.

⁶³ Абдулваҳҳоб Халлоф, Илми усулил – фикҳ ва ҳулосати – ташриъил – исломий, Қ., 1950. – Б. 293.

⁶⁴ Жўзжоний. А. Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. Т., Тошкент ислом университети. 2002. – Б. 65.

Шунингдек Суннада никоҳ ва мерос, исботлаш ва судлов ҳукуқи, қуллар ҳақидаги нормалар ўз аксини топган. Сунна ҳодисалари, уларнинг қайта ишланганлигига қарамай, кўплаб бир-бирига қарама-қарши ҳолатлар ўз ичига олган ва нисбатан “тўғри”сини улар орасидан танлаб олиш фикҳшунослар ва қозилар ихтиёрига қолдирилган. Бундан ташқари, фақатгина Муҳаммад (С.А.В.) саҳобалари томонидан айтилган ҳадисларгина кучга эга деб исобланган. Шиаларда суннийлардан фарқли ўлароқ, ҳалифа Али ва унинг издошлари томонидан айтилган ҳадислар тан олинган.

Мусулмон ҳукуқи манбалари ичида учинчи ўринни Ижмо эгаллаган бўлиб, унга мусулмон жамоасининг умумий келишуви сифатида қаралган. Ижмо Қуръон ва сунна билан бир қаторда таъсирчан манбалар гуруҳига кирган. Амалий жиҳатдан ижмо Муҳаммад (С.А.В.) саҳобалари ёки оқибатда таъсирчан мусулмон – илоҳиётчилари ҳуқуқшунослари томонидан айтилиб, бир-бирига мос диний ва ҳуқуқий масалалар тўғрисидаги фикрлардан шакллангандир. Ижмо Қуръоннинг таъсири сифатида ривожланиши билан бирга, Муҳаммад (С.А.В.) билан боғлиқ бўлмаган янги нормалар сифатида ҳам шакллангандир. Улар мустақил юриш-туриш қоидаларини назарда тутиб, муфтиларнинг бир овоздан қўллаб-қувватлашлари оқибатида мажбурий тус олганлар. Мусулмон ҳукуқи нормаларининг бундай ривожланиш йўли “ижтиҳод” деб ном олгандир. Ижмонинг шариатнинг асосий манбаларидан бири сифатида, ҳаққонийлиги Муҳаммад (С.А.В.) кўрсатмаларидан аниқланган: “Агар сиз ўзингиз билмасангиз, биладиган ўзгадан сўранг”.

Қуръон ва ҳадисларда аниқ кўрсатма берилмаган ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишда мусулмонлар жамоасининг чиқарган ҳукмлари яқдиллик билан қабул қилинган қарорлари шундай деб аталган ва шундай йўл билан чиқарилган ҳукм шариатда шаърий яъни қонуний деб қабул қилинган.

Ижмо бир неча турга бўлинган:

- Ижмо – ал – муҳосил алоҳида масалалар бўйича йирик фақиҳларнинг бирликдаги фикрлари;

- Ижмо – ал – манқул бу обрўли, эътиборли кишиларнинг худди шундай ишлари, илгари шундай ҳолларда қўллаган фикрлари ва гувоҳликлари асосида ҳал этилган ишлари;
- Ижмо – ал – умма мусулмонларнинг умумий мажлисидаги жамоа фикри;
- Ижмо – ал – аимма давлат бошлиқлари билан диний ташкилотларнинг раҳбарлари йиғинида қабул қилган қарорлари каби турларга бўлинган.⁶⁵

Ижмонинг шариатнинг ривожланишидаги катта аҳамияти Араб халифалигини бошқарувчи диний ҳокимиятга янги феодал жамият шароити ва босиб олинган мамлакатларнинг ўзига хослигига мослаштирилган ҳуқуқий нормалар яратиш учун имконият туғдириши билан белгиланган. Шариатни тўлдирувчи ҳуқуқий манбалар сифатида ижмога алоҳида муфтиларнинг ҳуқуқий масалалар бўйича фатво-ечимлари ва услубининг кенг тарқалиши муносабати билан, мусулмон ҳуқуқи юқорида кўрсатилган ҳуқуқий мактабларнинг асосий асосчилари томонидан уларнинг асарларида илмий асослаш йўли билан ривожлантирилди, кейинчалик эса уларнинг издошлари буни давом эттиришди. X асрда бир қатор обрўли теолог-ҳуқуқшунослар томонидан бу вақтга келиб тўпланиб қолган кенг ҳуқуқий материаллар тизимлаштирилди. XI асрдан бошлаб, исломдаги асосий оқимлар ва ҳар хил ҳуқуқий мактаблар ўртасидаги қарама-қаршиликларни чуқурлашиши амалда мусулмон ҳуқуқини ягона тизим сифатида мавжудлигини тугатди.⁶⁶

Мусулмон ҳуқуқинининг энг тортишувчи манбаларидан бири қиёс аналогия (илгариги қарорга қараб қарор чиқариш) бўйича ҳуқуқий масалаларни ечиш ҳисобланган. Қиёсга кўра Қуръонда, Суннада ёки Ижмода ўрнатилган қоидалар бу ҳуқуқ манбаларида тўғридан – тўғри кўрсатилмаган ишларга ҳам қўлланиши мумкин бўлган. Қиёс нафақат янги пайдо бўлган

⁶⁵ История мусульманского государства и права. Калининград, 2001. – С. 384.

⁶⁶ Шарль Р. Мусульманское право. М.: Изд-во иностр. лит., 1959. С – 104.

муносабатларни тез ечишга имкон яратган, балки у шариатни бир қатор ҳолатларда илоҳий аралашувларидан озод қилишга хизмат қилган.⁶⁷

Бу услуб кенгроқ Абу Ханифа ва унинг издошлари ханифийлар томонидан асосланган эди. Қиёсга нисбатан қатъий қаршилик билан ханбалийлар ва алоҳида, уни умуман ҳуқуқнинг манбаи сифатида тан олмаган, шиалар қарар эдилар. Ҳуқуқнинг қўшимча манбаси сифатида шариат, унинг принциплари ва нормаларига тўғридан-тўғри қарши бўлмаган маҳаллий одатларни ҳам тан олган. Булар қаторига араб жамиятининг ўзида шаклланган урф – одатларни, шунингдек, араб босқинлари оқибатида босиб олинган қисми сифатида қаралади. Айниса, умуман шариат ва унинг докторинал-меъёрий қисми бўлмиш фикҳ илк даврданок, ўзида нафақат ҳуқуқий қоидаларни, балки догма ва қарашларни ҳам мужассамлаштирган. Шариатнинг бундай бирлиги (синкретизм)нинг ўзига хослик томони шундаки, унинг нормалари биринчидан, ижтимоий (инсоний) муносабатларни тартибга солса, иккинчидан, мусулмонларни Аллоҳ билан муносабатларини белгилаб берган. Шариатда илоҳий қоидалар ва диний қарашларнинг ўз аксини топиши ҳуқуқни тушуниш ҳамда ҳуқуқий ва ҳуқуқий бўлмаган ҳаракатларни баҳолашда ўзига хос ёндашишни келтириб чиқаради. Шундай қилиб, ҳуқуқнинг ислом теологияси билан мустаҳкам алоқа ҳуқуқий ва диний тус бериладиган мусулмонларнинг беш хил хатти-ҳаракатини шариатда ўрнатилишига олиб келди. Мажбурий, тавсиявий, қилиш мумкин бўлган, жазо қўллаш кўзда тутилмаган, лекин қоидаларга тўғри келмайдиган, таъқиқланган ва жазо қўллаш кўзда тутилган ҳаракатлардир. Шариатда илоҳий олдиндан белгиланишни тан олиниши мусулмон кишисининг эрки ва унинг чегаралари ҳақидаги масаланинг аҳамиятини янада оширди.⁶⁸

⁶⁷ Саидов А. Х. Основы мусульманского права. Курс лекций. Ташкент: Акад. МВД Республики Узбекистан, 1994. С – 86.

⁶⁸ Шарль Р. Мусульманское право. М.: Изд-во иностр. лит., 1959. – С. 211.

Бу масалада қарама – қаршиликка дуч келган диний мактаблар алоҳида фикрларни олға суришди. Шундай мактаблардан бири (жабарийлар) умуман инсон эркини инкор этди. Шариат, айниқса унинг ривожланишининг илк даврларида мусулмон кишининг ҳуқуқларига бўлган эътибор характерлидир (Аллоҳ олдидаги). Бундай мажбуриятларни ўзида мужассамлаштирган нормалар шариатда кенг ўрин эгаллаган ва улар эътикод қилувчи мусулмоннинг бутун ҳаётини белгилаб берган (ҳар кунги ибодат, рўза тутиш ва ҳ.к.з.). Шариатни ташкил қилувчи нормаларнинг ўзига хослиги, уларнинг фақат мусулмонларга ҳамда улар орасидаги муносабатларга нисбатан қўлланилиши эканлиги бежиз эмас. Илк ислом ва шариатга ўзида меҳр-оқибат элементларини мужассамлаштирган ибтидоий жамоа тузумидан келиб чиқувчи нормалар хосдир. Аммо шариатда инсоннинг Аллоҳ олдида кучсиз эканлиги, унга сўзсиз бўйсунити кераклиги ҳақидаги қарашлар ҳам ўз ифодасини топган. Қуръонда алоҳида мусулмон кишининг сабр-тоқатли бўлиши кераклиги таъкидлаб ўтилган. “Сабр қилинг ахир Аллоҳ сабрлийлар билан биргадир” (8.48). Худди шундай шаклда мўминнинг ҳалифа ва давлат ҳокимиятига бўйсунити мажбурияти мустакамлаб қўйилган: “Аллоҳга бўйсунинг, пайғамбарга ва орангиздаги ҳокимият эгасига бўйсунинг” (4.62).⁶⁹

Шариатнинг диний-мистик қобиғи уни ташкил қилувчи ҳуқуқий тузилиш ва тушунчаларни ўзига хослигини белгилаб берди, ҳамда Рим ҳуқуқида бўлганидек, тизим (система) ичида онгли ва логик асосни шаклланишига ҳалақит берди.⁷⁰

Лекин VIII – IX асрларга келиб (бу даврга келиб шариат дунёни ибтидоий-қабила нуқтаи назаридан қараш чегараларидан чиқиб, феодаллашаётган ижтимоий муносабатларга тўқнашади), у мусулмон ҳуқуқшуносларининг самарали сайи-ҳаракатлари билан ҳуқуқни англашнинг илоҳий услубидан рационал (онгли) услубига, ҳуқуқ нормаларини

⁶⁹ Садагдар М. И. Основы мусульманского права. М.: Наука, 1968. С – 58.

⁷⁰ Сюкияйнен Л. Р. Мусульманское право. Вопросы теории и практики. М.: Наука, 1986. – С. 367.

юритишнинг ноаниқ услубидан тизимлашган логик услубига ўтилди. Мусулмон ҳуқуқшунос олимлари шариатнинг негизи ва анъаналарини бузмаган ҳолда алоҳида юридик табиатга эга бир қанча янги ҳуқуқий доктрина ва нормаларни ишлаб чиқдилар. Дунёга машҳур бу давр мусулмон ҳуқуқшуносларидан “Буюк устоз” унвонини олган Абу Ҳанифа (767 йилда вафот етган), Молик ибн Анас (795 йилда вафот етган), Амад ибн Ханбалларни санаб ўтишимиз мумкин.

Ҳуқуқшунос олимлари томонидан мусулмон ҳуқуқини, унга логик-рационал асос киритиб, оқибатда катта миқдордаги янги ҳуқуқ норма (фикҳни мураккаблаштириш) яратиб, илмий қайта ишланиши Қуръон ва Суннада кўрсатилган асл исломдан ажралиб кетди деган тушунчани англатмайди. Аксинча, янги нормалар ва доктриналар муфтилар ва мужтахидлар суд қилиш амалиётида бузилмаган бўлса бас, улар ҳуқуқий ва ортодоксал ислом норматив мўлжал бераяпти, ҳамда ҳаётнинг барча ҳодисалари нормалар орасидаги ички қарама-қаршиликни инкор этаяпти деган тасаввур шаклланди.⁷¹

Ўрта асрлар мусулмон ҳуқуқининг ўзига хос томонларидан бири (айниқса илк асрларда) унинг нисбатан бутунлигида эди. Ягона тангри Аллоҳ деган тасаввур билан бирга универсал характерга эга бўлган ягона ҳуқуқий тартиб ҳақидаги ғоя тасдиқланди. Бундан ташари, илк бор Арабистон ярим оролида вужудга келган мусулмон ҳуқуқи, ҳалифалик ҳудуди кенгайиши билан янгидан-янги ҳудудларга ёйилди. Лекин у биринчи навбатда ҳудудий тамойилни эмас, балки диний тамойилни қўйди. Қайси давлатда бўлишидан қатъий назар, мусулмон киши шариатга амал қилмоғи, исломга садоқатни сақламоғи даркор эди.⁷²

Аста-секин исломни ёйилиши ва асосий дунё динларидан бирига айланиши, шариатни ўзига хос жаҳон ҳуқуқий тизимига айлантирди. Бу исломни партикуляризм, чегараланган фаолият соҳалари, ички

⁷¹ Сабуров Н. Давлат ва ҳуқуқ назарияси (саволлар, таърифлар, тушунча ва атамалар) / Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2005. – Б. 103.

⁷² Мюллер А. История ислама. Т. I-II. М., 2004. – С. 65.

келишмовчилик ва ҳоказо каби хусусиятларга эга бўлган, ўрта аср Ғарбий Европа давлатларининг ҳуқуқидан ажратиб турар эди.

Конфессионал ҳуқуқ сифатида шариат Европа давлатларидаги каноник ҳуқуқидан шуниси билан фарқ қилганки, у қатъий белгиланган ижтимоий соҳалар ва масжид (черков) ҳаётини эмас, балки бир қатор Осиё ва Африка давлатларида ўрнатилган умумқамраб олувчи норматив тизимни тартибга солган. Вақт ўтиши билан шариат нормалари Яқин ва Ўрта Шарқ чегараларидан чиқиб, ўз таъсирини Ўрта Осиё ва Кавказнинг бир қисмига, Шимолий ҳамда қисман Шарий ва Ғарбий Африка давлатларига, бир қатор Жанубий-Шарий Осиё мамлакатларига ёйди. Бироқ, шариат ва исломнинг бу тарзда тез ва кенг ёйилиши, унда борган сари кенг маҳаллий ўзига хосликни, ҳамда алоҳида ҳуқуқ институтлари ва муайян ҳуқуқий низолар бўйича бўладиган қарорларни турлича талқин қилинишига олиб келди. Шундай қилиб, вақт ўтиши билан исломда икки асосий оқимларнинг ўрнатилиши, ўз – ўзидан шариатда парчаланишга олиб келди. Эндиликда артодоксал йўналиш (суннийлик) билан бирга ҳатто озирда ҳам Эрон, қисман Ливан ва Яманда асосий оқим бўлиб келаётган шиалар оқими пайдо бўлди.⁷³

Бу икки йўналишлар ўртасидаги кураш жамият ва давлат ҳаётининг турли хил томонларини ўзида қамраб олувчи ҳуқуқий нормаларда ҳам ўз ҳокимиятини мерос тариқасида ўтказиш ҳуқуқий қондаси, ҳамда бегуноҳ ҳисобланган имомлар кўл остида диний ва дунёвий ҳокимиятнинг тўпланиши ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, шиалар фақатгина ҳалифа Али томонидан маъқулланган пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В.)нинг мерос ва ҳуқуқий кўрсатмаларини тан олганлар. Секин-аста суннийлар ҳам ўз шакл-моҳиятига кўра мустақил ҳуқуқий мактабларни ифодаладиган 4 та мазҳабга бўлинди. Бу қуйидаги 4 та мусулмон ҳуқуқшунослари номи билан боғлиқ: Ханафийлар, Моликийлар, Шофийлар, Ҳанбалийлар. Улар орасида энг кенг тарқалгани ханафия мазҳаби бўлиб (Абу Ханифа) Миср, Туркия,

⁷³ Шарль Р. Мусульманское право. М.: Изд-во иностр. лит., 1959. – С. 148 – 149.

Ҳиндистон, шунингдек, бизнинг давлатимиз ҳудудларида ўз издошларига эга бўлган.⁷⁴

Янги асосий мактаб-мазҳабларнинг фаолияти мусулмон ҳуқуқининг янада ривожланишига, эскирган нормалардан воз кечишга яққол имконият яратди. Вакт ўтиши билан бу мактаблар орасида ҳуқуқнинг муҳим масалалари бўйича қарама-қаршиликлар чуқурлашиб борди.

Шиа асосида ҳам қатор мустақил мактаблар қарор топди: Исмоилийлар, жаъфарийлар, зайдийлар ва бошқалар. Шундай қилиб, ўрта асрларнинг охирига келиб, назарий ва норматив асослари қийинлашган ва сезиларли ўзгаришларга учраган шариат фавқулодда қийин ва ноанъанавий ҳуқуқий ҳодисага айланди. Ёки кейинчалик мусулмон ҳуқуқи таъсирига тушиб қолган кўп сонли халқларнинг одатларини ҳам киритишимиз мумкин. Ва сўнгиси, шариатдан келиб чиқувчи мусулмон ҳуқуқининг манбаси бўлиб, халифаларнинг қарорлари, буйруқлари – фармонлари ҳисобланган. Қонунчилик фаолиятининг ривожланиши билан бошқа мусулмон давлатларида ҳуқуқ манбаси сифатида тобора ривожланиб бораётган “қонунлар” муҳим рол ўйнайди. Ўз навбатида фармонлар ва қонунлар ҳам шариат принципларига қарама-қарши бўлмаслиги, ҳамда, энг аввало, давлат органлари фаолиятини тартибга солувчи ва давлат ҳокимияти билан аҳоли ўртасидаги маъмурий – ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи нормаларни тўлдиришлари керак эди.⁷⁵

Умуман олганда, IX асрдан бошлабқоқ фақиҳлар бирон-бир ҳуқуқий масала бўйича бевосита Қуръон ва Суннага асосланиб мустақил қарор қабул қилмасликлари лозимлиги тўрисидаги фикр устувор аҳамият касб эта борди. Шу сабабли уларнинг фаолияти айрим мактаблар томонидан нуфузли манба деб эътироф этилган фикҳий китобларни шарҳлаш ҳамда изохлаш билан чекланади⁷⁶.

⁷⁴ Саидов А. Х. Основы мусульманского права. Курс лекций. Ташкент: Акад. МВД Республики Узбекистан, 1994. – С. 158 – 159.

⁷⁵ Сюкияйнен Л. Р. Мусульманское право. Вопросы теории и практики. М.: Наука, 1986. – С. 85 – 86.

⁷⁶ Алексеев С.С. Право на пороге нового тысячелетия. М., «Статут», 2000. – С. 167-168.

Қуръон, Сунна, ижмо ва қиёсдан ташқари, фикҳнинг бошқа ёрдамчи манбаларидан фойдаланиш ҳам мустасно этилмаган. Уларга ҳуқуқий одатлар, қонунлар ва фатволар киради. Лекин бу ёрдамчи манбалар асосийлари қаторига ҳеч қачон қўшилмаган. Хуллас, шариат қоидаларининг асосий манбалари – ислом дини нормаларининг тарихий илдизлари ва манбаларидир⁷⁷

⁷⁷Саидов А. Х. Ҳозирги замон ҳуқуқий тизимлари. Дарслик. Т. :ТДҶОИ. 2004. – Б. 309.

2.606. Мусулмон мамлакатлари ҳуқуқий тизимининг мазмуни ва унинг ўзига хос хусусиятлари (Эрон, Индонезия ва Покистон мисолида).

2.1. Эрон Ислом Республикаси ҳуқуқ тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

Эрон Ислом Республикаси ҳуқуқ тизимида конституциявий ҳуқуқ.

Бошқарув шаклига кўра Эрон — Республика, аммо шиа сиёсий карашлари Эронда катта таъсир кучига эга. 1979 йил 2—3 декабрдаги референдумда тасдиқданган, 1989 йил 28 июлда тузатишлар киритилган Конституция амал қилади. Сиёсий режими клерикал – авторитар. ЭИР нинг Конституциясига ва 1981 йилда қабул қилинган Қонунга кўра, мамлакатда сиёсий партиялар ва Исломга тааллуқли бўлмаган ташкилотларнинг фаолияти тақиқланган. Давлат тартиботи йуналишида бўлган катор Ислом уюшмалари, хусусан "Курашаётган рухонийлар жамияти" мавжуд.

Давлат ҳокимияти бир – биридан мустақил бўлган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари томонидан амалга оширилиб, улар мамлакатнинг сиёсий ва диний раҳбари (етакчиси) нинг назорат остидадир. Ушбу мансабни алоҳида орган — Мутахассислар кенгаши томонидан белгиланадиган ва тайинланадиган рухоний (фақиҳ) эгаллайди. Раҳбарнинг мажбуриятлари ЭИРнинг сиёсатида бош йўналишни белгилаш ва унинг ҳаётга тўғри татбиқ этилишини назорат қилиш; Қуролли кучларга қўмондонлик қилиш; уруш ва сулҳ эълон қилиш; Конституцияни муҳофаза қилиш Кенгашининг фақиҳларини, суд ҳокимияти раҳбарини, "Эрон Ислом Республикасининг овози ва тимсоли" деб аталадиган телерадио эшиттириш ташкилотининг раисини, бирлашган штаб бошлиғини, Ислом инқилобининг кўриқчилари корпусининг Бош қўмондонини, Қуролли кучлар ва ички кўшинлар бош қўмондонларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш;

Президент сайланганидан кейин уни тайинлаш хакидаги фармонни имзолаш; амнистия ёки ҳукмларни енгиллаштиришни эълон қилишдан иборатдир.⁷⁸

Қонун чиқарувчи ҳокимият тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш йули билан тўрт йил муддатга сайланадиган 270 нафар депутатдан иборат бир палатали парламент — Ислом Кенгашининг Мажлисига тегишлидир. Мажлис ҳукумат таркибини тасдиқлайди, қонунлар қабул қилади, хорижий давлатлар билан шартномалар ва битимларни ратификация қилади, бюджет лойиҳасини, ҳукумат томонидан қарзлар олиш ва беришни, шунингдек, бепул ёрдам курсатишни тасдиқлайди.⁷⁹

Мажлис қарорларини Ислом қоидалари ва ЭИР Конституциясига мувофиқдигини “Конституцияни муҳофаза қилиш Кенгаши” назорат қилади. Кенгаш Мажлиснинг барча қарорларини муҳокама қилади, Кенгаш экспертларининг сайлови, Президент сайлови, Мажлисга сайловни ҳамда умумий референдумлар ўтказилишини назорат қилади.⁸⁰

Бундан кўриниб турибдики ислом ҳукуқи Эрон ҳукуқ тизимида ҳукмрон мавқеъга эга.

Президент давлат бошлиғи ҳисобланиб, тўрт йил муддатга тўғридан-тўғри овоз бериш йули билан сайланади. Ҳеч ким ушбу мансабни сурункасига икки марта эгаллаши мумкин эмас. Президент Конституциянинг бажарилиши, ижроия ҳокимиятига раҳбарлик қилиш учун (бевосита Раҳбарнинг ваколатига тегишли масалалар бундан мустасно) жавобгар бўлади, Вазирлар Маҳкамасини бошқаради, вазирларни тайинлайли ва уларни тасдиқлаш учун Мажлисга тақдим қилади, бошқа давлатлар билан шартнома ва битимларни имзолайди.⁸¹

⁷⁸ Amin S. H. Middle East Legal Systems. Glasgow, 1985. — P. 41 - 42.

⁷⁹ Noori. Y. Islamic Government and Revolution in Iran. Glasgow, 1986. — P. 96.

⁸⁰ Жаҳон мамлакатлари ҳуқуқий тизимлари: Қомусий луғат/ Масъул муҳаррир – юр. фан. док. проф А. Х. Саидов. Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази, 2006. — Б. 625.

⁸¹ Noori. Y. Islamic Government and Revolution in Iran. Glasgow, 1986. — P. 100.

Миллий манфаатлар, ҳудудий яхлитлик ва мамлакат суверенитетига риоя этиш кафолатларини яратиш мақсадида Президент раислигидаги Миллий хавфсизлик олий миллий кенгаши амал қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг бошлиғи сифатида Президент вазирлар фаолиятини кузатади ва мувофиқлаштиради. Вазирлар билан ҳамкорликда Президент ҳукуматнинг дастури ва сиёсий йулини белгилайди ҳамда қонунларнинг ижро этилишини ташкил қилади.⁸²

Президент Мажлис олдида ҳукуматнинг фаолияти учун жавоб беради. Мажлис Вазирлар маҳкамасига ёки ҳар бир вазирга, шу жумладан интерpellация натижалари бўйича ишончсизлик вотумини билдириши мумкин. Бу ҳолда Маҳкама ёки тегишли вазир истеъфога чиқиши лозим.⁸³

Президент ҳукуматнинг ҳар қайси аъзосини ёки бутун Маҳкамани истеъфога жўнатиши мумкин. Бундай ҳолда у Мажлисдан янги вазир (ҳукуматнинг янги таркиби) хусусида ишонч вотумини олиши лозим. Агар ҳукумат таркиби ярмига ёки ундан кўпроққа ўзгарган бўлса, Вазирлар Маҳкамаси Мажлисдан янги ишонч вотумини олиши лозим бўлади.⁸⁴

Эрон Ислом Республикаси ҳуқуқ тизимида фуқаролик ва меҳнат ҳуқуқи.

Эроннинг фуқаролик ҳуқуқи бутун ҳуқуқ тизим каби аралаш характерга эга. Шахсий мақом масалалари (оила-никоҳ ва ворислик муносабатлари) мусулмон ҳуқуқи томонидан тартибга солинади, қолган институтлар роман – герман ҳуқуқи анъаналарига (асосан француз моделига) амал қилади.

Роман-герман фуқаролик ҳуқуқини Эронда жорий этиш 1920-йилларнинг охирида бошланди. Эроннинг Фуқаролик кодекси фуқаролик

⁸²Жаҳон мамлакатлари ҳуқуқий тизимлари: Қомусий луғат/ Масъул муҳаррир – юр. фан. док. проф А. Х. Саидов. Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази, 2006. – Б. 625.

⁸³Конституции мира : Сборник конституций государств мира. / Отв. ред. А. Х. Саидов., У. Таджиханов. Т.: Адолат. 1998 – 2003. – С. 532.

⁸⁴Саидов. А. Х. Национальные парламенты мира. Энциклопедический справочник. М.: Юрист. 2005. – С. 276.

қонун ҳужжатлари манбаи ҳисобланади. У уч китобдан иборат бўлиб, қисм-қисм тарзида кучга киритилган: мулк ва унга эгалик қилиш усулларига бағишланган биринчи китоб(955 та модда) 1929 йилда, шахслар тўғрисидаги иккинчи китоб(301 та модда) 1934 йилда, исботлаш тартиби тўғрисидаги(79 та модда) 1935 йилда қабул қилинган. Ушбу ҳужжат шиа мазҳабидаги мусулмон ҳуқуқининг кучли таъсирини акс эттириб, умуман Европа, хусусан француз ҳуқуқидан ўзлаштиришлар асосида тузилган. Бундан ташқари, 1960 йилги "Кучмас мулк ижараси тўғрисида"ги Қонун ва "Фуқаролик жавобгарлиги тўғрисида" 1967 йилда қабул қилинган Қонун Эрон фуқаролик ҳуқуқининг муҳим манбалари ҳисобланади.⁸⁵

1979 йилги инқилобдан кейин Эроннинг оила - никоҳ қонунлари мусулмон ҳуқуқининг анъаналарига мос равишда ислоҳ қилинган. Никоҳдан ўтишнинг энг кичик ёши 13 гача пасайтирилиб, хотиннинг никоҳдан ажралишига оид ҳуқуқи чекланган. Айни вақтда жаъфарий мазҳабидаги мусулмон ҳуқуқи учун хос бўлган "вақтинчалик" никоҳ институти тақиқланди. Шох сиёсий режими пайтида 1967 йилда қабул қилинган "Оилани муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун исломий бўлмаганлиги учун бекор қилинди.

Эрон шоҳининг ғарблаштириш сиёсати даврида савдо ҳуқуқи ва иқтисодий қонунчилик ривожланиш юқори босқичига кўтарилди. Ҳар иккаласи ҳам европа мамлакатларининг қонунчилик амалиётидан кенг фойдаланган. Эроннинг Савдо кодекси француз намунаси бўйича 1932 йилда қабул қилинган. У билан бир қаторда савдо ҳуқуқи соҳасида бир қанча ҳужжатлар амал қилиб келмоқда: 1931 йилги "Патентлар ва савдо маркалари тўғрисида"ги Қонун, 1931 йилги "Компанияларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида" ги Қонун ва бошқалар.⁸⁶

⁸⁵ Amin S. H. Middle East Legal Systems. Glasgow, 1985. – P. 138.

⁸⁶ Amin S. H. Middle East Legal Systems. Glasgow, 1985. – P. 124.

Шох ҳукумати Эронни индустриал капиталистик давлатга айлантириш мақсадида иқтисодий жараёнларни фаол тартибга солиб турарди. Хўжаликнинг барча тармоқларида хорижий инвестиция рағбатлантириларди (1955 йилги "Хорижий инвестициялар тўғрисида"ги Қонун). Хорижий фуқароларга кенг ҳуқуқлар берилган эди. Улар тижорат, саноат мақсадлари ёки шахсий фойдаланиш учун мол – мулкка, кучмас мулкка ва бошқа мол-мулкка эга бўлишлари ёки уларни ижарага олишлари мумкин эди. 1957 йилда "Нефть тўғрисида"ги Қонун ва "Тоғ қонуни", 1960 йилда "Банк тўғрисида"ги Қонун, 1974 йилда "Нефть тўғрисида"ги янги Қонун (ҳозир ҳам ўзгаришлар билан амал қилади) қабул қилинди.⁸⁷

1979 йилда шох сиёсий режими ағдарилганидан сўнг Ғарб империализмига қарши кураш шиорлари остида ташқи иқтисодий ҳамкорлик анча торайиб қолди. Бирок, 1980-йилларнинг охиридаёқ Эрон ҳукумати хорижий инвестицияларни жалб қилиш юзасидан манфаатдорлигини билдирди. Эронда бир қанча эркин савдо ва саноат ҳудудлари яратилди. Уларда хорижий банклар томонидан оффшор банк муассасаларини тузишга рухсат этилди, ушбу ҳудудларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга бир қанча солиқ имтиёзлари берилди. Хорижий инвесторлар эронлик шериклари билан ҳамкорликда фаолиятнинг турли соҳаларини инвестициялашлари мумкин, бироқ шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бир қанча соҳаларга хорижий капитал учун йўл ёпиқ эди. Жумладан, хорижий банклар ўз фаолиятини (махсус оффшор ҳудудлардан ташқари) Эрон ҳудудида амалга ошира олмайди.

Эронда ташқи савдо 1933 йилги "Ташқи савдони монополиялаштириш тўғрисида" ги ва 1936 йилги "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Қонунлар билан тартибга солинади. 1933 йилги (ўзгартишлар билан бирга амал қиладиган) Қонунга мувофиқ, Эрон ҳукумати молларнинг экспорт ва импортига монополияни амалга оширади. Ҳукумат ўз ҳуқуқларини вазирлик

⁸⁷Noori. Y. Islamic Government and Revolution in Iran. Glasgow, 1986. – P. 176.

ва идораларга бериши ҳамда хусусий фирмаларга ташқи иқтисодий алоқаларни амалга ошириш учун лицензиялар бериши мумкин.⁸⁸

Эронда миллий иқтисодиётни тартибга солиш умумий манфаатни хусусий манфаатлардан юқори қўядиган Ислом принципларига қатъий мувофиқ тарзда амалга оширилади. Конституция (44-моддаси)га мувофиқ Эрон Ислом Республикасининг иқтисодиёти учта, яъни давлат, кооператив ва хусусий секторлардан иборат бўлиб, у мунтазам ва оқилона режалаштиришга асосланган бўлиши лозим. Мазкур секторларнинг ҳар бирида хусусий мулк Конституция низомларига мувофиқ бўлганлиги, мусулмон ҳукуки доирасидан чиқмаслиги, иқтисодий юксалиш ва мамлакат тараққиётига ҳисса қўшиши ҳамда жамиятга зарар келтирмаслигига қараб ҳимоя қилинади. Конституция монополизм, судхўрлик, чайқовчилик, бойликлардан оқилона фойдаланмаслик, культивация қилинмайдиган ерларнинг ва бошқа табиий бойликларнинг олди – соттисини тақиқлайди.⁸⁹

Меҳнат қонун ҳужжатлари кодификация қилинган. Эрон тарихидаги биринчи Меҳнат кодекси (расман Ислом меҳнат кодекси деб аталади) 1990 йилнинг 20 ноябрида қабул қилинган. Умуман олганда, ушбу Кодекс бошқа ривожланаётган мамлакатларда мавжуд бўлган меҳнат ҳуқуқининг моделини исломнинг жамиятда тутган ўрнидан келиб чиқадиган муайян хусусиятларни эътиборга олган ҳолда акс этади. МКда БМТ ва ХМТ (Халқаро Меҳнат Ташкилоти)нинг ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган ва умумэътироф этилган мажбурий меҳнатни тақиқлаш, ходимларнинг тенглиги, 8 соатлик иш куни каби инсоннинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқ ва кафолатлари ўз аксини топган.

МКда таърифлар ва принциплар; меҳнат шартномаси; меҳнат шарт-шароитлари; хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси; бандлик ва касбий ўқитиш; ходимлар ва тадбиркорларнинг ташкилотлари; жамоа музокаралари ва шартномалари; ходим учун ижтимоий – маиший

⁸⁸Noori. Y. Islamic Government and Revolution in Iran. Glasgow, 1986. – P. 180.

⁸⁹Amin S. H. Middle East Legal Systems. Glasgow, 1985. – P. 263.

муассасалар; меҳнат низоларини ҳал қилишнинг тартиби; Меҳнат масалалари бўйича олий кенгаш; МК нормаларини бузганлик учун жавобгарликдан иборат 203 та модда ва 11 боб мавжуд.

Кодекс ёллаш учун ходимларнинг энг кичик ёшини (15 ёш), 44 соатлик иш ҳафтасини, оғир, зарарли ва ерости ишларда банд бўлганлар ҳамда ёшлар учун қискартирилган иш вақтини, иш вақтидан ташқари ишнинг чекланган ҳажмини (бир кунда тўрт соат), ҳар йил тўланадиган таътилни (бир ой, оғир ва зарарли ишларда банд бўлган ходимлар учун беш ҳафта), ноқонуний ишдан бушатиш такдирда ишда тикланиш (мажбурий ишга чиқмаганлик ҳуқуқини вақт учун иш ҳақини тўлаган ҳолда) мустаҳкамлайди. Энг кам иш ҳақи меҳнат вазири бошқарадиган уч тарафлама орган Меҳнат бўйича олий кенгаш томонидан ҳар бир минтақа бўйича алоҳида белгиланади.

Эронда меҳнат муносабатлари тизимида ходимлари 35 кишидан ортиқ бўлган корхоналарда тузиладиган меҳнат бўйича Ислом кенгашлари алоҳида ўрин тутди. Улар Ислом меҳнат жамоасининг вакиллари ҳисобланадилар. Ушбу кенгашларга фвқат Эрон фуқаролари, ҳалол мусулмонлар аъзо бўлиши мумкин. Кенгашларга қонун томонидан бир қанча ваколатлар берилган. Жумладан, уларнинг розилигисиз ходимларни ишдан интизомий тарзда бўшатиш мумкин эмас. Касаба уюшмалари ва жамоа шартномалари касаба уюшмаларининг устави ва шартнома мазмунини тасдиқлайдиган Меҳнат вазирлигида рўйхатдан ўтишлари шарт. Эронда иш ташлашлар тўғридан – тўғри ман этилмаган, лекин меҳнат низолари вужудга келганида иш ташлаш курашининг эҳтимолини йўққа чиқарадиган мажбурий арбитраж қўлланилади.⁹⁰

Эрон Ислом Республикаси ҳуқуқий тизимида жиноят ва суд ҳуқуқи.

Эрон жиноят ҳуқуқининг ривожига мамлакатдаги ҳуқуқ тизимининг эволюцияси тарихини тўла даражада акс эттиради.

⁹⁰Noori. Y. Islamic Government and Revolution in Iran. Glasgow, 1986. – P. 348.

1920—1930-йилларда мусулмон ҳуқуқининг амал қилиш доираси жиддий ислохотлар, хусусан 1926 йилги Жиноят кодексининг қабул қилиниши натижасида деярли йўққа чиқарилди. Мазкур Кодекс француз жиноят қонун ҳужжатларидан ўзлаштирилган қоидалар (1810 йилги Франция Жиноят кодекси) асосида тузилган бўлиб айни вақтда мусулмон ҳуқуқи бўйича жиноят деб ҳисобланган қилмишлар Кодекс томонидан белгиланган жазо асосида жазоланиши мумкинлигини ҳам назарда тутган эди. Бироқ, 1979 йилда Ислом республикаси тузилгунга қадар амалда 1926 йилги Кодекс нормалари афзал кўрилган, чунки у ҳар қандай Ислом жазоларига Европа жиноят ҳуқуқларига хос бўлган муқобил жазони таклиф қилар эди.⁹¹

1979 йилги Ислом инқилобидан кейин умуман ўзгача йулдан борилди. Янги сиёсий режим ўрнатилиши биланоқ турли янги суд органлари шиа мазҳабидаги мусулмон ҳуқуқидан кенг фойдалана бошладилар, 1926 йилги Жиноят кодекси эса бекор қилинди. Эрон Ислом Республикасининг 1979 йилги янги Конституцияси мамлакатнинг жиноят қонунлари Ислом принципларига мос келиши (4-модда), жиноятлар учун шариат нормадарини қўллаш жавобгарликни аниқлашда лозимлигини эълон қилди (156- модда).

Дастлабки вақтда жиноят ишларини ҳал қилишда обрўли шиа ҳуқуқшуносларининг асарлари, шунингдек, ЭИРнинг раҳбари Р. Ҳумайнийнинг фатволарива унинг мусулмон ҳуқуқи бўйича асарларида келтирилган қоидалар асосий манба бўлди. Айнан шу асосда судлар енгил мушиқа тинглаганлик, қимор уйнаганлик (бундай ўйинлар турига шахмат ҳам кирган эди) ва ҳатто, Ислом анъаналарига мос келмайдиган кийимда юрганлик учун жиноий жавобгарликка торта бошладилар.

1981 йил апрелида Эронда одам ўлдириш ва тан жароҳатини етказганлик учун барча жазоларни назарда тутадиган 199 та моддадан иборат бўлган "Қасос тўғрисида"ги Қонун кучга кирди. Ундан кейин бевафолик учун, спиртли ичимликларни истеъмол қилганлик, ўғирлик ва босқинчилик

⁹¹ Amin S. H. Middle East Legal Systems. Glasgow, 1985. – P. 455.

учун жазоларни назарда тутадиган "Худуд тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Ҳар иккала ҳужжат шариат қонун-қоидаларига тўла асосланган эди. 1980-йилларнинг охирида Эрон жиноят ҳуқуқ ислоҳ қилиниб, бунинг натижасида 1988 йилда ягона кодификацияланган ҳужжат — Жиноят кодекси қабул қилинди. У шариат бўйича ҳуқуқбузарликлар барча уч категорияси: худуд, касос ва таъзир учун мусулмон ҳуқуқи жазоларини ўз ичига олган.⁹²

Ўлим жазоси одам ўлдириш; гиёҳванд моддалар билан боғлиқ бўлган жиноятлар; сиёсий зўравонлик; бошқа сиёсий жиноятлар; эр-хотиннинг бевафолиги; фоҳишабозлик; вояга етмаганлар билан жинсий алоқа қилиш ва спиртли ичимликларни истеъмол қилганлик каби "ахлоқий" жиноятлар; босқинчилик; диндан қайтганлик учун назарда тутилган. Бу ҳолда одам ўлдирганлик учун ҳукм қилинган шахс жабрланувчининг энг яқин эркак қариндошининг розилиги билан қатл қилиниши мумкин. Ушбу шахс қон учун пул туловини ҳам танлаши мумкин (дийя). Худуд тоифасига кирадиган жиноятларга 1988 йилги Жиноят кодексида Аллохнинг ҳуқуқига тажовуз қилиш сифатида қаралади ва улар албатта жазоланиши лозим, деб белгиланган. Агар улар учун ўлим жазоси назарда тутилган бўлса, у бошқа бирорта жазо билан алмаштирилиши мумкин эмас.

Ўлим ҳукми ижро этишнинг кенг тарқалган усуллари — одамни отиш ва осиш орқали ўлдириш. Бевафолик ҳолати тошбўрон билан жазоланади.

Жиноят процесси ҳам жиноят ҳуқуқи каби 1988 — йилги ЖПКга асос қилиб олинган мусулмон — ҳуқуқий концепциялари остидадир. Айтиш мумкин, Эронда жиноят ишларини судда юритишнинг бир қанча умумдемократик принциплари эътироф этилган.

Жиноий жавобгарликни белгилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга бўлиши мумкин эмас (169-модда).

⁹² Noori. Y. Islamic Government and Revolution in Iran. Glasgow, 1986. — P. 573.

Конституциянинг 35-моддасига биноан, суд процессининг ҳар икки тарафи ҳам (умумий юрисдикция судларининг барчасида) ўз ҳоҳишига кўра адвокат хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Агар уларда бундай имконият бўлмаса, у ҳолда адвокат тайинлашнинг чоралари кўрилиши зарур.⁹³

Жиноят ишлари юрисдикциялари турли бўлган жиноят судлари (1994 йилда фуқаролик судлари билан бирлашган) ёки юрисдикцияси турли бўлишига қарамай Ислом инқилобий судлари ИИС) томонидан кўриб чиқилади. ИИСнинг юрисдикциясига: давлатнинг ташқи ва ички хавфсизлигига қарши ҳамма жиноятлар; диндан қайтиш, сиёсий арбобларнинг ҳаётига суиқасд қилиш, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси, Эрон халқи курашини йўққа чиқариш, жамоат бойлигини талон-торож қилиш ва чайқовчилик тааллуқлидир.

Регламентига кура, ИИС уч кишидан, шу жумладан, икки нафар судьядан иборат бўлиши лозим. Амалда бундай судлар кўпинча фақат бир киши, диний судьядан иборат булади. Муҳокама қилиш соддалаштирилган тартибот бўйича, адвокатсиз олиб борилади. Айбдорликни аниқлаш усули, "тақводор кишилар"нинг кўрсатувларига таянади, бундай кўрсатувлар қасам ичиш билан тасдиқданиши мумкин. Қасам ичиш билан тасдиқданган гувоҳлик кўрсатувлари судланувчи томонидан инкор қилиниши мумкин эмас ва айблов улар билан чекланишга ҳақлидир.⁹⁴

Ишлари жиноят судларида кўриладиган ҳукм қилинганлар айблов ва ҳукм устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга эмас. Аммо Олий суд жиноят судлари улим жазосини ёки бошқа жиддий жазоларни назарда тутадиган ҳукмларни чиқарган ишлар бўйича ҳукмлар кучга киргунига қадар қонуннинг қўлланилганлигини текшириши керак.

⁹³ Конституции мира : Сборник конституций государств мира. / Отв. ред. А. Х. Саидов., У. Таджиханов. Т., 1998 – 2003. – С. 576.

⁹⁴ Конституции мира : Сборник конституций государств мира. / Отв. ред. А. Х. Саидов., У. Таджиханов. Т., 1998 – 2003. – С. 580.

Одил судлов олий кенгаши ўлим жазосига оид ҳукмларни тасдиқлайди; у ишни ўша суднинг ўзига қайта кўриб чиқиш учун қайтариши мумкин. Аини вақтда сиёсий ишлар бўйича айблов ва ҳукм устидан юқори турувчи трибуналга шикоят қилиш ёки йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларни аниқлаш учун ишни бутунлай текшириш тўғрисидаги нормалар умуман мавжуд эмас.

Конституцияшг 156-моддасига биноан, суд ҳокимияти мустақилдир. У ислом нормалари ва урф – одатлари асосида амал қилади. Олий суд инстанцияси беш йил муддатга сайланадиган беш кишидан иборат Одил судлов олий кенгашидир. Одил судлов олий кенгаши таркибига Олий суднинг Бош судьяси ва Бош прокурор киради. Улар шиа мазҳабидаги (руҳоний)лар орасидан бўлган , Қуръон ва сунна асосида мустақил равишда ахлоқ, ҳулқ – атворнинг янги қоидаларини таърифлаб бериш ҳуқуқини олган мусулмон ҳуқуқининг таниқли билимдонлари). Қолган уч нафар аъзолар мусулмон ҳуқуқшунослари томонидан танланади.⁹⁵

Одил судлов олий кенгашининг ваколатига бошқалар қаторида ўлим жазоси тўғрисидаги ҳукмларни тасдиқлаш, суд ҳокимиятига тааллуқли қонун лойиҳаларини тайёрлаш, судьяларнинг тайинланишини кузатиш, бир қанча кадрлар масалаларини ҳал этиш киради. Конституциянинг 160-моддасига биноан, адлия вазири Одил судловнинг юқори кенгаши тавсия этган номзодлар орасидан Бош вазир томонидан тайинланиши лозимлигини назарда тутди. Адлия вазири мамлакатдаги бутун суд фаолиятини маъмурии – молиявий таъминлашга жавоб беради.⁹⁶

Қонунларнинг тўғри бажарилиши, уларнинг ягона талқинини таъминлаш устидан назоратни Олий суд амалга оширади. Олий суд раиси (Бош судья) ва Бош прокурор Олий суднинг судьялари билан маслаҳатлашил

⁹⁵ Конституции мира : Сборник конституций государств мира. / Отв. ред. А. Х. Саидов., У. Таджиханов. Т., 1998 – 2003. – С. 577.

⁹⁶ Конституции мира : Сборник конституций государств мира. / Отв. ред. А. Х. Саидов., У. Таджиханов. Т., 1998 – 2003. – С. 583.

ганидан сўнг Одил судлов олий кенгаши томонидан беш йилга тайинланадилар. Олий суд куйи судларнинг қарорларини текширувчи апелляция истанцияси бўлиб, ушбу қарорларнинг мамлакат қонунларига мувофиқлигини ва судлар томонидан ҳуқуқни қўллаш амалиётининг бир хиллигини кафолатлайди.

Ҳарбий судлар, Конституция(172-моддаси)га мувофиқ, ҳарбий хизматни ўташ ёки ҳарбийлаштирилган ташкилотларда (жандармерия, полиция, Ислом инкилоби қўриқчилари корпусида) хизматни ўташга боғлиқ бўлган жиноятларни муҳокама қиладилар. Шунингдек, қайд этиб ўтилган шахсларнинг умумфуқаролик жиноятлари ёки адлия зобитларига тегишли жиноятлар умумий судлар томонидан кўриб чиқилади. Ҳарбий прокуратура ва ҳарбий судлар суд ҳокимиятининг бир қисми бўлиб, уларга нисбатан ушбу ҳокимиятга тааллуқли бўлган барча принциплар ҳам татбиқ этилади.⁹⁷

Адвокатура фуқароларга юридик ёрдам кўрсатади. Унинг асосий ташкилий шакли шерикчиликдир.

Молиявий-иқтисодий назоратнинг махсус органи Молиявий суд ҳисобланади. Конституцияга мувофиқ ушбу Суд Мажлисга тўғидан- тўғри бўйсунди. Унинг Техрондаги ва вилоятлар марказидаги тузилиши ва ишлар бошқармаси, шунингдек, қонун билан белгиланади (54-модда). Молиявий суд қонунда белгиланган тартибда давлат бюджетидан қайсидир даражада фойдаланадиган вазирликлар, давлат корхоналари, муассасалари ва бошқа тузилмаларнинг барча ҳисоб варақларини харажатлар тасдиқланган кредитдан ошиб кетмаслиги ва ҳар бир сумма тўғри сарфланганлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида текширади ёки назорат қилади. Молиявий суд тегишли ҳисоб — китоб, ҳисобот ва ҳужжатларни тайёрлаб, ҳар йилги бюджетнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни ўз хулосалари ва таклифларини илова қилган ҳолда Мажлисга тақдим қилади.

⁹⁷ Amin S. H. Middle East Legal Systems. Glasgow, 1985. – P. 451.

2.2. Индонезия Республикаси ҳуқуқ тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

Индонезия Республикаси ҳуқуқ тизимида конституциявий ҳуқуқ.

Бошқарув шакли бўйича Индонезия — супер президентлик республика. Сиёсий режими ўзгариш жараёнида. 1966— 1998-йилларда олти марта Президент лавозимини эгаллаган генерал Сухартонинг ҳарбий бюрократик диктатураси амал қилиб келган.

Сиёсий ҳаётда етакчи ўринни армия генералитети томонидан назорат қилинадиган Голкар сиёсий ташкилоти функционал гуруҳларнинг бирлашган котибияги эгаллаган. Голкарни ҳарбийлар 1965 йил октябрида "бошқариладиган демократия" даврида 1959— 1965-йилларда пайдо бўлган функционал гуруҳларни (профессионал, ёшлар, хотин-қизлар, диний ва бошқа оммавий ташкилотлар) бирлаштириш мақсадида тузган эди. Голкар таркибига мажбурий тарзда давлат хизматчиларининг барчаси ва давлат мактабларининг ўқитувчилари киритилган эди. Расман Голкарнинг "кичик шериклари" сифатида ҳаракат қилган икки сиёсий партияга: Ислом бирлиги ва Ислом ривожланиш партиялари ҳамда Индонезия демократик партияси фаолиятига рухсат этилган эди.⁹⁸

1998 йил май ойида Сухартонинг истеъфога мажбуран чиқиши туфайли мамлакатда вазият ўзгарди. Ўнлаб янги партиялар вужудга келди, ҳақиқий сўз эркинлиги пайдо бўлди, кўплаб сиёсий маҳбуслар қамоқхоналардан озодликка чиқдилар. Буларнинг барчаси демократик умумпарламент сайловини ўтказиш имкониятини яратди. 1999 йил июнида ўтган сайловда 48 та сиёсий партия иштирок этди. 1999 йил октябрида муқобиллик асосида Халқ маслаҳат конгресси томонидан 30 миллионли Индонезия Мусулмон партияси — Миллий уйғониш партиясининг етакчиси Абдурахмон Воҳид мамлакатнинг янги Президентга этиб сайланганди.

⁹⁸ Damian E. Indonesia's Formal Legal System an Introduction // American Journal of Com-parative Law. Vol. 20.1972. – P. 1493.

Индонезия ҳокимият органлари тизими демократиянинг миллий карашларини акс эттирувчи ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Давлат ҳокимияти олий органи — Халқ маслаҳат конгресси (ХМК) сессияга камида беш йилда бир марта тўпланади. Унинг ваколатига Конституцияни ўзгартириш, (5 йил муддатга) президентни ва вице-президентни сайлаш, навбатдаги беш йилликка ҳукумат сиёсатининг директивалари — Давлат ривожланишининг асосий йуналишларини тасдиқдаш киради. Парламент таркиби 1 минг депутатдан иборат бўлиб, уларнинг ярмисини парламент аъзолари ташкил этади, қолганлари эса Президент (провинциялар маъмурияти, қуроли кучлар, тadbиркорлар, ишчилар, аёллар вакиллари ва бошқалар) ва партияларнинг раҳбарияти томонидан охириги умумий сайловда олинган овозларнинг миқдорига қараб тайинланади.⁹⁹

Кундалик қонунчилик вазифаларини бир палатали парламент — Халқ вакиллари палатаси (ХВП) амалга оширади. Унинг 500 нафар депутатларидан 400 нафари пропорционал тизим бўйича умумий овоз бериш йўли билан сайланади, армия сайловда иштирок этмаслиги туфайли, қолган 100 нафари (ҳарбийлар фракцияси) Президент томонидан тайинланади. Президент ХВПни тарқатиб юбориши мумкин эмас.¹⁰⁰

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига ҳукумат ва депутатлар эгадирлар. Қонун лойиҳасини ХВПга киритиш учун уни икки фракцияга тааллуқди бўлган энг камида 20 нафар депутатнинг қўллаб-қувватлаши зарур. Қонун лойиҳалари 4 ўқишда қабул қилинади ва шундан сўнг Президентга имзолаш учун берилади. Президент қонун лойиҳасини тасдиқдашни рад этган

⁹⁹ Саидов. А. Х. Национальные парламенты мира. Энциклопедический справочник. М.: Юрист. 2005. — С.338.

¹⁰⁰ Gautama S. Introduction to Indonesian Law Unity in Diversity. Colorado, 1974. — P. 109.

тақдирда, бу лойиҳа ХВПнинг худди ана шу сессияси муҳокамасига қайта қўйилиши мумкин эмас.¹⁰¹

ХВП қонунларни чиқаришдан ташқари, давлат бюджетини тасдиқдайди, давлат аппарати баъзи бўлинмаларининг фаолиятини назорат қилиш учун тергов қўмиталарини тузиши мумкин. Давлат бошлиғи, вице-президент ва вазирлар парламент олдида жавобгар эмаслар. Парламент томонидан улар фаолиятини назорат қилиш даражаси анча паст. ХВП фақат фавқулодда ҳолатлар пайтида Президент тасдиқдаган ҳукумат қарорларини маъқуллаши мумкин (Конституциянинг 22-моддаси). ХВП розилик бермаган тақдирда, қарорлар бекор қилинади.

Миллий маслаҳат конгресси томонидан 5 йил муддатга сайланадиган Президент давлатнинг ва ўзи тузадиган ҳукуматнинг бошлиғи ҳисобланади, шунингдек, Қуролли Кучларнинг бош қўмондонидир. У давлат органлари тизимида марказий ўринни эгаллайди.¹⁰²

Республика Президенти қуйидаги ваколатларга эга: ХВП билан келишган ҳолда қонунлар чиқаради ва уларнинг ижросини таъминлаш учун ҳукумат қарорларини тасдиқлайди; қонун чиқарувчи органларнинг тузилишида муҳим роль ўйнайди; ХМК (халқ маслаҳат конгресси)нинг учдан бир қисми ва ХВП аъзоларининг бешдан бир қисмини тайинлайди; мутлақ вето ҳуқуқига эга; ХВПнинг розилиги билан уруш эълон қилади; бошқа давлатлар билан сулҳ тузади, шартномалар имзолайди; мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилиши мумкин; вазирларни лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод этиш масаласини якка ўзи ҳал қилади; элчи ва консулларни тайинлайди; амнистия эълон қилиш ва авф этиш ҳуқуқига эга; унвонлар ва тақдирлаш фахрий белгиларини беради.

Президент Конституциянинг 5-моддасига биноан, қонунлар чиқариш ҳамда тегишли қарорлар ишлаб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган Вазирлар

¹⁰¹ Hooker M. B. Islamic Law in South-East Asia. Singapore, 1984. – P. 250.

¹⁰² Gautama S. Introduction to Indonesian Law Unity in Diversity. Colorado, 1974. – P. 111 – 112.

Махкамасини бошқаради. Президент томонидан тайинланган вазирлар ҳукумат департаментларини (вазирликларни) бошқарадилар ва Президентга унинг фаолиятида ёрдам кўрсатадилар. Махкамада бир йўла бир нечта вазирликларнинг ишига жавоб берувчи мувофиқлаштирувчи-вазирлар муҳим роль ўйнайди.¹⁰³

Президент ХВП олдида жавоб беради. Зиммасига икки хил: ҳарбий ва ижтимоий - сиёсий вазифа юридик жиҳатдан мустахкамлаб қўйилган Қуролли Кучлар муҳим давлат институти ҳисобланади.

Индонезия Республикаси ҳуқуқ тизимида фуқаролик ва меҳнат ҳуқуқи.

Индонезияда хусусий ҳуқуқ ҳозиргача дуалистик характерга эга бўлиб келмоқда. Параллел тарзда Голландия Фуқаролик ва Савдо кодекслари ҳамда одат ҳуқуқи, жумладан, диний ҳуқуқнинг тизимларига асосланган қонунлар ҳам амал қилади. Мустақилликка эришилганидан сўнг ҳукумат хусусий ҳуқуқни бир хил қилишга ҳаракат қилмоқда. Чунончи, нормалари келиб чиқишидан қатъий назар бутун аҳолига тегишли бўлган Шартномавий ҳуқуқ кодекси лойиҳасини ҳуқуқий ривожланиш миллий институти тайёрлади. Шу билан бирга, оила-никоҳ муносабатларида тўла-тўқис бир хилликка эришишнинг жамият таркиби кўп динли бўлгани учун имкони йўқлиги тан олинади.

Голландлардан ўзлаштирилган ҳуқуқни мамлакатда истиқомат қилувчи оз миқдордаги европаликлар, этник хитойликлар ва бошқа баъзи жамоалар қўллайдилар.

¹⁰³ Damian E. Indonesia's Formal Legal System an Introduction // American Journal of Comparative Law. Vol. 20. 1972. – P. 1498

Фуқаролик ҳуқуқининг асосий манбаи бўлиб ҳозиргача 1848 йилда голландлар томонидан киритилган Фуқаролик кодекси қолмоқда. У умуман Наполеон Кодексига асосланган метрополия кодексини қайта акс эттирган.¹⁰⁴

Фуқаролик кодексининг 1945 йилдаги Конституция руҳи ва мазмунига тўғри келмайдиган баъзи қоидалари ўз кучини йўқотди. Чунончи, Олий суд узининг 1963 йил 6 сентябрдаги фармойиш хатида Фуқаролик кодексининг 8-моддасини Конституция руҳига зид деб эълон қилди.¹⁰⁵

Мусулмон аҳли орасида оммавий ва хусусий, шунингдек, фуқаролик ва жинойт ҳуқуқи ўртасида фарқ ажратмайдиган одат ҳуқуқи энг кўп тарқалган. Айниқса, одат никоҳ - оила муносабатларида мустаҳкам ўрин эгаллайди. Мустамлакачиликка қадар ва ҳатто мустамлакачилик пайтида ҳам одат ҳуқуқи, кейинчалик қонунлар ҳам ёш болаларнинг никоҳига тўсқинлик қилмаган.

1950-йиллар охири 1960-йиллар бошида хорижий мулкни кенг миқёсда национализация қилиш амалга оширилди, иқтисодий ривожланишнинг қатъий давлат режалаштирилиши жорий этилди. Иқтисодий ҳукмрон синф ролини давлат бюрократияси эгаллади.¹⁰⁶

1966 йил давлат тузумида "Янги тартиб" ўрнатилиши билан ҳарбийлар хусусий тадбиркорликни рағбатлантира бошладилар. Шунга қарамай, хужалик ҳаётини эркинлаштириш қарийб ўттиз йилга яқин вақтни эгаллади ва ҳали-ҳамон тугаллангани йўқ. 1967 йилдан бошлаб ҳукумат мамлакат иқтисодиётида муҳим роль ўйнайдиган хорижий капитал қўйилмаларини кенг жалб қилиш сиёсатини олиб бормоқда. 1967 йилги "Хорижий капитал сармоялар тўғрисида"ги Қонун ҳозирги пайтгача бу соҳадаги ҳуқуқий асосни ташкил этади. Хорижий сармояларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш жараёни 1980-1990 - йилларда ҳам давом этди. 1988 йилда хорижий капитални банк

¹⁰⁴Damian E. Indonesia's Formal Legal System an Introduction // American Journal of Com-parative Law. Vol. 20. 1972. – P. I504.

¹⁰⁵Gautama S. Introduction to Indonesian Law Unity in Diversity.Colorado, 1974. – P. 642.

¹⁰⁶ Hooker M. B. Adat Law in Modern Indonesia.Kuala Lumpur, 1978. – P. 184.

хамда суғурта ишига қимматбаҳо қоғозлар бозорига кириб боришига рухсат берилди. 1994— 1995-йилларда унга иқтисодиётнинг электроэнергетика, телекоммуникация, денгиз ва авиация транспорта, темир йуллар каби соҳалари очиб берилди.

Меҳнат ҳуқуқи Индонезияда XX асрнинг биринчи чорагида пайдо бўлди. Голландия мустамлакачиларининг меҳнат муносабатлари соҳасидаги сиёсати ўта катъий эди: маҳаллий меҳнаткашларнинг касаба уюшмалари тан олинмас эди, иш ташлаш 1923 йилги Махсус қонун билан ман қилинган эди, меҳнат қонун ҳужжатлари фақат меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги бир неча ҳужжатдан иборат эди.¹⁰⁷

1945 йил август инқилобидан кейин мамлакатда (1945 йилги Конституция асосида) меҳнат қонун ҳужжатлари фаол ривожлана бошлади, касаба уюшмалари ва жамоа шартномалари тан олинди, шунга қарамай иш ташлашлар чекланган эди. Ҳарбий тартиб 1965 йилдан бошлаб демократик касаба уюшмаларини ағдариб ташлади, уларнинг раҳбарларини жисмонан йўқ қилди, фавқулодда декретлар билан иш ташлашни тақиқлади (1966 йил), касаба уюшмаларини мажбурий равишда қайта тузди (1971 йил), хорижий тадбиркорларга маҳаллий ишловчиларнинг меҳнат шарт – шароитларини ёмонлаштиришга руҳсат берди.¹⁰⁸

Шу билан бирга, 1978 йил 3 мартдаги жамоа шартномалари ва меҳнат шарт – шароитлари тўғрисидаги фармойишлар туфайли ҳокимиятдагилар баъзи ислохотларни амалга оширишга мажбур бўлди: ишчилари 25 нафардан кам бўлмаган компанияларга ўзларининг икки йиллик иш ҳақи, меҳнат шарт-шароитлари ва интизом ҳақидаги регламентларини қайта кўриб чиқиш, уларни ишчиларнинг вакиллари билан муҳокама қилиш ва ҳокимиятдагиларга тасдиқ учун тақдим этиш, корхонада рўйхатдан ўтган

¹⁰⁷ Damian E. Indonesia's Formal Legal System an Introduction // American Journal of Com-parative Law. Vol. 20. 1972. – P. I523.

¹⁰⁸ Damian E. Indonesia's Formal Legal System an Introduction // American Journal of Com-parative Law. Vol. 20. 1972. – P. I529.

касаба уюшмаси бўлган тақдирда эса касаба уюшмаларининг илтимосига кўра, ҳокимият томонидан тасдиқланадиган жамоа шартномасини тузиш таклиф этилган эди.

1990-йилларнинг охирига келиб муайян ижобий ўзгаришлар кўзга ташланди. Хусусан, 1998 йилдаги янги қонунлар касаба уюшмаларини рўйхатдан ўтишини енгиллаштирди.

Индонезия Республикаси ҳуқуқ тизимида жиноят ва суд ҳуқуқи.

Жиноят ҳуқуқининг асосий манбаи голланд мустамлакачилари томонидан 1915 йилда кучга киритилган ЖКдир. У 588 та моддадан иборат бўлиб, учта китобга бўлинади. Биринчи китоб Умумий қисмнинг 9 та бобда (103 та моддада) баён этилган қоидаларидан иборат, иккинчи китобда (31 боб, 385 модда) турли жиноятлар учун жавобгарлик, учинчи китобда (10 боб, 100 модда) эса ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик назарда тутилган. Иккинчи ва учинчи китоб Махсус қисмни ташкил этади, лекин у етарли даражада тизимга солинмаган. Индонезия ЖК тузилиши ва аксарият моддаларнинг баён этилиши услуби бўйича жиноят ҳуқуқининг классик мактаби тамойилларига асосан қурилган, 1811 йилдаги голланд ЖКнинг нусхаси ҳисобланади.¹⁰⁹

1946 йилда миллий ҳукумат мустақил Индонезия давлати пайдо бўлганлигини акс эттирувчи баъзи ўзгаришларни ЖКга киритди. 1958 йилда Жиноят кодекси бутун миллий ҳудудда амал қила бошлади. 1980-йилларнинг бошида ЖКни бутунлай қайта кўриб чиқувчи қўмита иш бошлади. Мазкур Кодексга айрим индонезиялик ҳуқуқшунослар томонидан маҳаллий анъаналар ва мамлакатнинг замонавий эҳгиёжларига жавоб бермайдиган голланд мустамлакачилигининг мероси сифатида қараларди.¹¹⁰

¹⁰⁹ Hooker M. B. Islamic Law in South-East Asia. Singapore, 1984. – P. 267.

¹¹⁰ Hooker M. B. Islamic Law in South-East Asia. Singapore, 1984. – P. 439.

Жиноят кодекси билан бирга қўпоровчилик фаолияти, коррупция ва иқтисодий жиноятлар учун жавобгарликни белгилайдиган бир қанча қонунлар амал қилади.

Қўпоровчилик фаолияти, гиёҳвандлик моддалари билан ноқонуний савдо қилиш (1976 йилги Қонун) ҳамда Индонезия Жиноят кодексида кўзда тутилган қасддан одам ўлдириш, шахсга қарши айрим жиноятлар ва давлатга қарши баъзи жиноятлар, шу жумладан, кўзғолон кўтариш учун ўлим жазоси назарда тутилган.

Ўлим жазосидан ташқари, жазо турлари орасида умрбод қамокда сақлаш, оддий қамокда сақлаш ва жарима солиш кабилар мавжуд. Мулкни тўлалигича мусодара қилиш тақиқланган. Кам аҳамиятли жиноятлар ва қилмишлар учун яна бир қанча жазо турлари (масалан, махсус ҳуқуқлардан маҳрум қилиш, ҳукми ошқора эълон қилиш) мавжуд.¹¹¹

Жиноят процесси. Амалдаги Жиноят – процессуал кодекс 1981 йил 31 декабрда эълон қилинган. Янги Кодекс фуқаролик масалаларини ҳам, жиноят ишларининг суд муҳокамасини ҳам тартибга солиб турувчи 1848 йилги голланд мустабид қонунининг 1941 йилдаги тахририни алмаштирди. Аввалги қонун ҳужжатлари чалкашлиги билан ажралиб турарди: шахсни ҳоҳдаган тарзда қамаш ва ушлаб туришга имкон яратар эди, айблов эълон этилгунга қадар қамокда сақлашнинг муддатини чекламас, адвокатга фақат суд босқичидагина рухсат этар эди. 1981 йилги Жиноят - процессуал кодекс бир қадам олдинга силжиш бўлди. Тергов ваколатлари асосан полиция ихтиёрига берилади, судда айбловни эса прокуратура қўллаб-қувватлайди. Гумон қилинувчини унга айблов эълон қилингунига ва суд буйруғи чиққунига қадар ушлаб туриш 24 соатдан ошмаслиги керак. Судгача қамокда сақлашнинг аниқ чегараси белгиланган. Айбланувчи жиноят процессининг барча босқичларида юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга. Қонун айбланувчига 15 йил

¹¹¹ Damian E. Indonesia's Formal Legal System an Introduction // American Journal of Com-parative Law. Vol. 20. 1972. – P.1530.

камоқда сақлаш ёки ўлим жазоси белгиланиши эҳтимоли бўлган ишларда, албатта, адвокат тайинланишини талаб қилади. Процесс пайтида ҳукуки давлат органлари томонидан бузилган шахс ўзига келтирилган зарарни қоплаш ҳақида даъво қилишга ҳақлидир.

Янги кодекс барча жиноят ишларига нисбатан қўлланилади. Бунда "Қўпоровчилик фаолияти ва хоинлик тўғрисида"ги махсус қонун (1963 йилги Декрет ва бошқалар)га нисбатан қилинган истиснолар мавжуд бўлиб, улар суд томонидан таъқиб этишнинг махсус тартибларига эгадирлар. Бундан ташқари, Жиноят-процессуал кодекснинг кўпгина демократик нормалари Индонезия шароитида фақат қоғозда қолиб кетмоқда.

Жиноят адлияси судлар, апелляция судлари, прокуратура ва мустақил адвокатурадан иборат тизим орқали амалга оширилади. Бироқ, бундай суд инфратузилмаси фақат Ява оролида ва архипелаг бошқа ороллариининг йирик шаҳарларида мавжуддир. Кишлоқ жойларида индонезияликлар жиноятга оид низоларни давлат ҳокимиятидагиларга мурожаат этмасдан жамоа институтлари ёрдамида ҳал этишни афзал кўрадилар. Судья ролини бу ҳолда кишлоқ оқсоқоли бажаради. Бундан ташқари, архипелагнинг узок жойларида хун олиш институтига ўхшаш урф-одатлар сақланиб келмоқда. Хатто шаҳарларда ҳам аҳоли кичик жиноят ишларини имкони борича ҳокимиятдагиларга мурожаат қилмасдан ҳал этишга ҳаракат қиладилар.¹¹²

Аҳоли коррупциялашган полиция ва судга ишонмаган ҳолда маблағ ва вақтни тежаш мақсадида шундай қилиши мумкин.

Ўлим жазоси қўлланиладиган жиноятлар тўғрисидаги ишлар оддий жиноят судларида ёки, башарти айбланувчи ҳарбий хизматчи ёхуд полиция ходими бўлса, оддий ҳарбий судда (1965 йилги давлат тўнтариши уринишларидан кейин тузилган махсус ҳарбий судлар ҳозирги пайтда фаолият курсатмайдилар) кўрилади. Жиноят-процессуал кодекс ўлим жазоси

¹¹² Damian E. Indonesia's Formal Legal System an Introduction // American Journal of Com-parative Law. Vol. 20. 1972. – P. 1492-530 - 531.

сифатида жазо белгиланиши мумкин бўлган барча ишларда адвокатнинг иштироки таъминланишини талаб қилади.

Конституция (24-моддаси)га биноан, Индонезияда суд ҳокимияти Олий суд ва бошқа суд органлари томонидан қонунга мувофиқ тарзда амалга оширилади. Суд тизими: умумий, диний, ҳарбий ва маъмурий судлардан иборат. Судларни ташкил этишнинг жиҳатлари 1970 йилги "Суд ҳокимияти тўғрисида"ги асосий Қонун нормалари билан белгиланади.

Индонезия Олий суди мамлакатнинг бутун суд тизими бошида туради. Унинг таркибига Президент томонидан тайинланадиган раис, раис уринбосари, 4 нафар судья ва суд котиби киради. Олий юридик маълумотга эга бўлган Индонезия фуқаролари Олий суд аъзолари бўлишлари мумкин. Олий суд ҳузурида Президент томонидан тайинланадиган бош прокурор раҳбарлигида бош прокуратура фаолият кўрсатади.¹¹³

Олий суд бошқа суд органларининг фаолиятини назорат қилиш ва ҳар хил турдаги судлар ўртасида ваколат тўғрисидаги низоларни ҳал қилиш ҳуқуқига ҳам эга. Сўнгги инстанция суди сифатида у қуйи судлар чиқарган ҳукм ва қарорлар устидан кассация шикоятларини кўриб чиқиш ҳуқуқига ҳам эга. Олий суд, шунингдек, маслаҳат бериш вазифаларини ҳам бажаради. У Конституцияни, қонунлар ва айрим юридик характерга эга бўлган муаммоларни талқин қилиш билан боғлиқ масалаларни ечиш ҳақида Президентга ва ҳукуматга хулосалар беради. Олий суд конституциявий назорат қилиш ваколатига эга бўлмасдан, 1985 йилдан бошлаб маъмурий қонуности ҳужжатлари Қонунга мувофиқлиги тўғрисидагина қарор чиқариши мумкин. 1998 йилга қадар ушбу ваколатлардан бирор марта ҳам фойдаланилмаган.

Мамлакатнинг йирик шаҳарларида катта жиноят ишларини, шунингдек, даъво баҳоси анча катта суммани ташкил этадиган фуқаролик

¹¹³ Hooker M. B. Adat Law in Modern Indonesia. Kuala Lumpur, 1978. – P. 439.

ишларини кўрадиган юқори судлар амал қилади. Юқори судлар туман судларининг қарорлари устидан апелляция шикоятларини кўриши мумкин.

Туман судлари майда жиноят ва фуқаролик ишларини кўради, шунингдек, эр-хотин ажралиши жараёнлари ва тарафларни яраштириш билан шуғулланадилар.

Юқори ва туман судларининг судьялари адлия вазири томонидан тайинланади.

Ҳарбий судлар ҳарбий хизматчилар ва уларга тенглаштирилган шахсларнинг ишлари бўйича юрисдикцияга эга. 1965—1966 йиллардаги воқеалар пайтида ва бевосита улардан кейин ҳарбий судлар фуқаро ҳисобланган шахсларга нисбатан оммавий тартибда ҳукмлар чиқардилар.¹¹⁴

Индонезиянинг айрим туманларида диний судлар мавжуд бўлиб, улар мусулмон ҳуқуқи нормалари асосида мусулмонлар ўртасидаги никоҳ, никоҳдан ажратиш, мерос ва ҳадя масалалари билан боғлиқ муайян низоларни кўрадилар. Диний судларнинг қарорлари ижро этиш кучига эга бўлиши учун тегишли туман суди томонидан маъқулланиши лозим. Диний ишлар департаменти тизимидаги Диний адлия бошқармаси сўнгги апелляция юрисдикциясига эга бўлади. Исломчиларнинг ҳаракатларига қарамай, диний судларни қисқартириш тенденцияси кузатилмоқда. Одат судлари 1951 йилда бекор қилинган.

Маъмурий юстиция, хусусан солиққа оид низоларни кўриб чиқадиган “Солиққа тортишнинг кузатув кенгаши” да намоён бўлади. Қатор маъмурий судлар ҳукумат томонидан суд тизимини соддалаштириш мақсадида тугатилган.

Индонезияда судьяларнинг мустақиллиги расман эълон қилинган. Аммо амалда уларга давлат хизматчилари сифатида қаралиб, улар ижро

¹¹⁴ Gautama S. Introduction to Indonesian Law Unity in Diversity. Colorado, 1974. – P. 338.

этувчи ҳокимият органларининг юрисдикциясига киради (масалан, судьяларни тайинлаш, ўқитиш, лавозими бўйича кўтариш ва ўзгартириш адлия вазирига боғлиқ).

Конституция (23-моддасининг 5-хатбоши) га ва қонунга асосан, Индонезия давлат маблағларини назорат қилиш учун Бош тафтиш бошқармаси фаолият кўрсатади.¹¹⁵

2.3. Покистон Ислом Республикаси ҳуқуқ тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

Покистон Ислом Республикаси ҳуқуқ тизимида конституциявий ҳуқуқ.

Покистоннинг олий қонун чиқарувчи органи Мажлиси шўро деб аталувчи парламент бўлиб, у икки палата, яъни қуйи (Миллий мажлис) ва юқори (Сенат) палаталардан иборат. Миллий мажлисда провинциялар, Исломобод федерал пойтахт округи ва “Марказдан бошқариладиган кабилалар чизиғи” (МБҚЧ) аҳоли сонига кўра мутаносиб вакилликка эга. Сенатда барча провинциялар тенг вакилликка эга. Миллий мажлис аҳоли томонидан мажоритар тизим бўйича нисбий кўпчилик овоз билан беш йил муддатга сайланадиган 217 нафар депутатдан иборат. Депутатларнинг 207 нафари мусулмон жамоаларидан, 10 нафари — озчиликни ташкил этувчи диний жамоалар рўйхати бўйича сайланади. Сенат 87 аъзодан иборат, уларнинг 76 нафари провинцияларнинг Қонунчилик мажлислари томонидан олти йил муддатга сайланади. Миллий мажлис депутатлари МБҚЧ 8 нафар, Исломободдан 3 нафар сенаторни сайлайдилар.

Ҳукумат бошлиғига ишончсизлик вотуми билдирилганда ва Миллий мажлиснинг ҳеч бир аъзоси кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланмаган ҳолларда, шунингдек, ҳукумат конституцияга мувофиқ фаолият кўрсата олмайдиган вазият юзага келган ва сайловчиларга мурожаат этиш зарур бўлганда, Президент Бош вазирнинг маслҳати билан ёки ўз ихтиёрига кўра

¹¹⁵ Gautama S. Introduction to Indonesian Law Unity in Diversity. Colorado, 1974. – P. 345.

Миллий мажлисни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Шундан сўнг 90 кун ичида янги сайлов ўтказилиши керак.¹¹⁶

Парламент сессиялар асосида ишлайди. Палата аъзолари умумий сонининг чорак қисми мажлис ўтказиш учун зарур бўлган кворумни ташкил этади. Молиявий қонун лойиҳаларини истисно этганда, ҳар қандай қонун лойиҳаси парламент палаталаридан бирига киритилади. У муҳокамага ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинганидан кейин бошқа палатага топширилади. Агар у бу палата томонидан рад этилса, масала иккала палата қўшма мажлисига қўйилади ва ҳозир бўлганларнинг оддий кўпчилик овози билан ҳал қилинади. Молиявий масалалар бўйича қонун лойиҳаси фақат Миллий мажлисга киритилади ва шу палата томонидан қабул қилингандан сўнг имзолаш учун Президентга юборилади.

Парламент томонидан қабул қилинган барча Қонун лойиҳаларини Президент тасдиқдаши талаб қилинади. У тасдиқлашни рад этиши мумкин. Бунда қонун лойиҳаси парламентга қайтарилади: агар у иккала палатанинг қўшма мажлисида депутатларнинг кўпчилиги томонидан маъқулланса, Президент уни имзолаши шарт. Молияга оид қонун лойиҳаларига нисбатан президентнинг кечиктирувчи ветоси қўлланилмайди.¹¹⁷

Республика Президенти давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи бўлиб, у қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг бир қисми ва мамлакат қуролли кучларининг олий бош қўмондони ҳисобланади. Президент парламентнинг иккала палатаси ва провинциялар қонунчилик мажлислари депутатларидан таркиб топган сайлашга вакил қилинганлар ҳайъати аъзоларининг кўпчилик овози билан беш йил муддатга сайланади. Айти бир шахс кетма – кет икки мартадан ортиқ президент бўлиши мумкин эмас.

¹¹⁶Esposito, J. L. Perspectives on Islamic Law Reform: The Case of Pakistan // NYU Journal of International Law and Politics. 1980. Vol.13. – P.217.

¹¹⁷Gledhill A. Pakistan: The Development of its Laws and Constitution // The British Commonwealth: Vol. 8/ 2nd ed. L., 1967. – P. 291.

Покистон президенти давлат ҳокимиятининг барча соҳаларида кенг ваколатларга эга. У талай олий давлат лавозимлари ва ҳарбий лавозимларга тайинлашни амалга оширади. Чунончи, Бош вазирни ва ҳукумат аъзоларини, провинцияларнинг губернаторларини, Покистон Олий суди ва провинциялар юқори судларининг аъзоларини, Давлат ишлари бўйича комиссия раисини, сайлов ўтказувчи бош комиссарни ва сайлов комиссияси аъзоларини, Штаб бошлиқлари бирлашган қўмитаси раисини, қўшинлар уч тури штаб бошлиқларини тайинлайди ва ҳоказо. Муайян ҳолларда Президент ҳукуматни истеъфога чиқариши, парламентнинг қуйи палатасини тарқатиб юбориши, янги сайлов тайинлаши, муваққат ҳукуматни тузиши, референдум ўтказиши мумкин.¹¹⁸

Президент қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг бир қисми сифатида парламент иккала палатаси сессияларини, уларнинг қўшма мажлисларини чақиради, уларнинг ишини тўхтатиб қўйиши мумкин; кечиктирувчи вето ҳуқуқига эга. Миллий мажлис сессиялари оралиғидаги даврда Президент қонун кучига эга бўлган ва тўрт ой мобайнида амал қилувчи фармонлар чиқариши мумкин бўлиб, агар парламент бу фармонни маъқулласа, у қонунга айланади.

Давлат бошлиғи хавфсизликни таъминлаш соҳасида алоҳида катта ваколатларга эга. Агарда у Покистон хавфсизлигига уруш, ташқи тажовуз ёки ички тартибсизликлар хавф солаётган деган хулосага келса, мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этиши мумкин. Фавқулодда ҳолат даврида Президент фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари амал қилишини ва уларнинг суд тартибида Покистоннинг бутун ҳудудида ёки унинг бирон – бир қисмида мажбурий амалга оширилишини тўхтатиб туришга ваколатлидир. Фавқулодда ҳолат жорий этилганидан кейин Президент 30 кун ичида парламентнинг икки палатаси қўшма мажлисини чақариши шарт. Ҳатто агарда парламент фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги Президент

¹¹⁸Пакистан. Справочник. М.: Статут 1991. – С. 714.

фармони ни маъқулламаса ҳам, у эълон қилинганидан сўнг икки ойдан кейингина ўз кучини йўқотади.¹¹⁹

Ҳукумат Миллий мажлис олдида солидар (биргаликда) жавобгардир. Президент ҳукумат бошлиғининг маслаҳати билан вазирларни вазифасидан озод қилади. Агар Бош вазирни Миллий мажлис аъзоларидан кўпчилигининг ишончига сазовор эмас деб топса, Президент уни ҳам вазифасидан озод қилиш ҳуқуқига эга. Бу масалани ҳал этиш учун у қуйи палата сессиясини чақиради ва сессияда Бош вазирга ишонч билдириш масаласини ҳал қилинади. Миллий мажлис ҳукумат бошлиғини вазифасидан тушириши мумкин. Бундай таклиф депутатларнинг бешдан бир қисми томонидан қўллаб – қувватланган бўлиши керак, шундан кейин масала палатанинг сессиясига олиб чиқилади.¹²⁰

Бош вазир ҳукуматнинг фаолияти, унинг қарорлари ва мўлжалланаётган қонунчилик ташаббуслари ҳақида Президентга ахборот тақдим этиши шарт. Ҳукумат бошлиғининг ёки бирон-бир вазирнинг ҳар қандай қарори, агар бу қарор маҳкама томонидан кўриб чиқилмаган бўлса, Президентнинг талаби билан Вазирлар маҳкамаси муҳокамасига қўйилиши керак.

Бош вазир лавозими га кўра бир қатор муҳим давлат муассасаларига, масалан мамлакатнинг хўжалик тараққиёти режалаларини ишлаб чиқувчи олий иқтисодий органи — “Миллий иқтисодиёт кенгаши” га бошчилик қилади. Ҳукумат Бош вазирдан ташқари, федерал вазирлардан, давлат вазирларидан (биринчиларининг мақоми юқорироқ, улар ҳукумат вазирлари маҳкамасининг ўзагини ташкил этадилар), маслаҳатчилар ва Бош вазирнинг федерал вазир даражасидаги махсус ёрдамчиларидан ҳамда давлат вазирлар даражасидаги ёрдамчиларидан иборат бўлади. Бундан ташқари, ҳукумат

¹¹⁹Esposito, J. L. Perspectives on Islamic Law Reform: The Case of Pakistan// NYU Journal of International Law and Politics. 1980. Vol.13. – P. 220.

¹²⁰Gledhill A. Pakistan: The Development of its Laws and Constitution // The British Commonwealth: Vol. 8/ 2nd ed. L., 1967. – P. 294.

таркибига Бош атторней (адвокат) киради, у ҳам Президент томонидан тайинланади. Бу мансабдор шахсининг асосий вазифаси ҳукумат фаолиятининг ҳуқуқий жихатлари ҳақида унга тавсиялар беришдан иборат.¹²¹

Покистон провинцияларидан ҳокимият тизими кўп жихатдан федерал тизимдан нусха кўчирган. Провинциядаги олий мансабдор шахс губернатор бўлиб, уни Президент тайинлайди ва лавозимидан озод қилади. Губернатор провинцияда юқори лавозимларга тайинлашни амалга оширади, бундай ҳаракатларни конституцияга мувофиқ Президент бажаргани тақдирда (масалан, провинция юқори суди аъзолари тайинлашда), у ўз тавсияларини беради. Губернатор провинция Қонунчилик мажлиси сессияларини чақиради, уларни очади, вилоят ҳукумати аъзоларини тайинлайди; молиявийларини истисно этганда, барча қонун ҳужжатлари хусусида кечиктирувчи вето ҳуқуқига эга; мажлисининг сессиялари оралиғидаги даврда қонун кучига эга фармонлар чиқаради; Қонунчилик мажлисини тарқатиб юбориши ва муваққат ҳукумат тузиши мумкин.

Провинция мажлиси қонун чиқарувчи орган бўлиб, у провинция аҳолиси томонидан беш йил муддатга сайланади. Унинг депутатлари орасидан ҳукумат тузилади; ҳукумат Қонунчилик мажлиси олдида солидар (биргаликда) жавобгар булади. Губернатор қайси депутатни провинция мажлиси аъзолари кўпчилигининг ишончига сазовор деб топса, ўша депутатни Бош вазир лавозимига тайинлайди. Бош вазир бу ишончни йўқотса, губернатор уни истеъфога чиқаради. Маҳкама аъзолари губернатор томонидан Бош вазир маслаҳати билан тайинланади.¹²²

Покистон Ислом Республикаси ҳуқуқ тизимида фуқаролик ва меҳнат ҳуқуқи.

¹²¹Gledhill A. Pakistan: The Development of its Laws and Constitution // The British Commonwealth: Vol. 8/ 2nd ed. L., 1967. – P. 296.

¹²²Esposito, J. L. Perspectives on Islamic Law Reform: The Case of Pakistan// NYU Journal of International Law and Politics. 1980. Vol.13. – P. 227.

Роман-герман тизимида хусусий ҳуқуқ соҳасига тўғри келадиган муносабатлар Покистонда бир неча хилдаги ҳуқуқ тизимлари билан тартибга солинади. Шахснинг ҳуқуқий мақоми масалалари — диний шахсий ҳуқуқ билан, қолганлари эса инглиз умумий ҳуқуқи негизида шаклланган ҳудудий ҳуқуқ билан тартибга солинади.

Муслмонлар жамоасида (аҳолининг 97 фоизида) шахснинг ҳуқуқий мақоми масалаларида ислом ҳуқуқи қўлланилади. Мустамлака даврида Британия Хиндистонида 1937 йилги "Ислом шахсий ҳуқуқини қўллаш тўғрисида"ги Қонун ва 1939 йилги "Исломий никоҳни бекор қилиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган эди. Бу ҳужжатлардан биринчиси қонун бўйича аёлларнинг мерос олиш мулк ҳуқуқи, никоҳ; (расмийлаштириш ва бекор қилиш), таъминот бериш, қалин пули тўлаш, васийлик, ҳадя қилиш, вақф мулки билан боғлиқ; муносабатларни тартибга солган. Покистон мустақилликка эришганидан кейин ислом ҳуқуқи янгиттан кодификация қилинган. Жумладан, 1961 йилда никоҳ ва никоҳдан ажратиш масалаларини тартибга солувчи "Ислом оила ҳуқуқи тўғрисида" ги Ордонанс қабул қилинган.¹²³

Насронийликка, хиндуйликка мансуб ва бошқа номусулмон жамоаларда шахснинг ҳуқуқий мақоми соҳасида ўзларининг шахсий (одатда, ҳам диний) ҳуқуқи амал қилади.

Замонавий мулк муносабатлари асослари 1973 йилги Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган. Унда Покистоннинг ҳар бир фуқароси мулкни қўлга киритиш, унга эгалик қилиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган (23-модда). Товон эвазига ҳарқандай турдаги мулкни давлат мулкига айлантириш назарда тутилган (24-модданинг 2-банди). Бунда товон миқдори ёки у қандай тамойилларга кўра аниқланиши, шунингдек, уни тўлаш усули қонунда қайд этиб қўйилган бўлиши керак. Шуниси ҳам борки,

¹²³ Esposito, J. L. Perspectives on Islamic Law Reform: The Case of Pakistan// NYU Journal of International Law and Politics. 1980. Vol.13. – P. 245.

мулкни давлат мулкига айлантириш тўғрисидаги қонун хусусида товоннинг монанд эмаслиги важдан судда бахслашилиши мумкин эмас (24-модданинг 4-банди). Давлат "харом йул билан ёки бирон – бир ноқонуний тарзда орттирилган" мулкни, шунингдек, агар таълимни ривожлантириш, фуқароларга тиббий ёрдам кўрсатиш, ишсизларни ва меҳнатга қобилиятсизларни таъминлаш, уй – жой қуриш учун ва бошқа ижтимоий эҳтиёжлар учун мулкни ўз назоратига олиши ва товон тўламасдан олиб қўйиши мумкин (24-модданинг 3-банди).

Покистоннинг савдо ҳукуқи қонун ҳужжатларига ҳамда Англия ва Британия Ҳиндистонининг прецедент ҳукукига асосланади. "Шартномалар тўғрисида"ги Қонун, хусусан, инглиз шартнома ҳукуқининг кодификациясидан иборат. Покистон Ҳиндистоннинг 1913 йилги "Компаниялар тўғрисида"ги Қонунини ўз кучида қолдирган. Банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳам инглиз моделига асосланган.¹²⁴

Фонд бозори 1969 йилги "Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида"ги ордонанс ҳамда 1981 йилги Қоидалар билан тартибга солинади. 1984 йилги "Компаниялар тўғрисида"ги ордонанс акцияларни кодировкалаш қоидаларини белгилаб қўйиш йули билан акциялар муомаласини тартибга солади.

Ҳозирги вақтда Покистон иқтисодиёти давлат томонидан тартибга солишдан эркин бозорга йуналтирилган жараёнларни авж олдиришга жадал ўтиш даврини бошдан кечирмоқда. Давлат секторини денационализация қилиш ва хусусийлаштириш фаол амалга оширилмоқда. Покистон ҳукумати мамлакат иқтисодиётининг қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаси ва ижтимоий сектор сингари соҳаларига чет эллик инвесторларни жалб этишга ҳаракат қилмоқда. 1998 йилда "Инвестиция сиёсати тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Чет эл тўғридан-тўғри инвестициялари 1976 йилги "Чет эл

¹²⁴ Gledhill A. Pakistan: The Development of its Laws and Constitution // The British Commonwealth: Vol. 8/ 2nd ed. L., 1967. – P.315.

хусусий инвестициялари (кўллаб- қувватлаш ва муҳофаза қилиш) тўғрисида"ги Қонун ҳамда икки томонлама халқаро битимлар билан экспроприациядан муҳофаза қилинган.

Мустақиликка эришилганидан кейин Покистонда мустамлакачилик давридаги меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари жиддий ислоҳ қилинди. Янги қонун ҳужжатлари гарчи корхоналарни бошқаришда меҳнаткашларнинг иштирок этиши тамойилини эълон қилган ва меҳнатнинг айрим қисмига уюшмалари устидан қаттиқ давлат назоратини ўрнатди. Иш вақтининг энг узок, давом этиши ҳафтасига 54 соат этиб белгиланди. "Болаларнинг ишда бандлиги тўғрисида"ги 1991 йилги Қонун айрим соҳаларда 14 ёшга тўлмаган ўсмирларни ишга ёллашни тақиқлайди ва уларнинг меҳнат шартларини тартибга солади. Болаларнинг иш вақтидан ташқари ва тунда ишлаши тақиқланган.

1992 йилда Покистоннинг "Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Бу қонун экологик хусусиятдаги турли масалаларни: атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва хавфли чиқиндилар устидан назоратни, кимёвий маҳсулотлар импорти, хавфли ва захарли моддаларни ишлаб чиқариш, ташиш ва уларнинг муомалада бўлиши сингари масалаларни қамраб олган.¹²⁵

Покистон Ислом Республикаси ҳуқуқ тизимида жиноят ва суд ҳуқуқи.

Покистоннинг замонавий жиноят ҳуқуқи асослари у мустамлака бўлган даврдаёқ қўйилган. 1860 йилда таркибида ҳозирги Покистон ҳудуди ҳам бўлган Британия Ҳиндистони учун умумий Жиноят кодекси қабул қилинган эди. Бу кўламдор ҳужжатга (салкам 500 та модда) мустақилликкача ҳам, у ўрнатилгандан кейин ҳам бир неча марта ўзгартиришлар киритилган. Унга қўшимча равишда талай қонунлар қабул қилинган.

¹²⁵ Саидов, А. Х. Национальные парламенты мира. Энциклопедический справочник. М.: Юрист. 2005. – С. 276.

Мустақилликка эришилгандан сўнг 1970- йилларнинг охирига қадар ислом деликт ҳуқуқи Покистонда амалда қўлланилмаган ва жиноят ишлари 1860 - йилги Кодекс асосида ҳал қилинган. Бироқ ҳокимият тепасига 1977 йилда генерал Зиёулҳак келганда мамлакатни исломийлаштириш сиёсати бошлангач, вазият ўзгарди.¹²⁶

Шариат қонунларининг жорий этилиши дунёвий жиноят кодексини алмаштириш эмас, балки унинг айрим қисмларини Қуръон ва Ислом ҳуқуқи бошқа манбаъларининг қоидаларига мослаштириш мақсадини кўзлаган. 1978 йил январь ойида "Самолётни олиб қочганлик учун жавобгарлик тўғрисида"ги Қонун чиқарилиб, унга кўра, илгари мамлакатда қўлланилган жазолар (ўлим жазоси, озодликдан маҳрум қилиш, жарима) билан бир қаторда мусулмон деликт ҳуқуқи учун хос бўлган жазо чоралари қўлни кесиб ташлаш ва тан жазосини жорий этди. 1979 йилда Қуръон қатъий белгиланган чораларни (ҳудуд жазоси) назарда тутган тўртта жиноят — спиртли ичимликлар истеъмол қилганлик, эр ёки хотиннинг хиёнат қилганлиги, ўғирлик ва босқинчилик қилгандик ҳақида, хиёнат қилишда ёлғон айблаганлик учун жиноий жавобгарликни белгилаган ордонанслар чиқарилди. Чунончи спиртли ичимлик истеъмол қилиш қамчи билан 80 марта, хиёнат қилишда ёлғон айблов — 40 марта уриш тарзидаги тан жазоси беришга сабаб бўлади. Ўғирлик қилиш қўлни, босқинчилик эса қўл ва оёқни кесиб ташлаш билан жазоланадн. Нихоят, хиёнат қилганликда айбдор бўлган шахс (қилмишининг ҳолатларига қараб) тошбўрон қилиниши ёки 100 марта қамчи билан уриб жазоланиши мумкин. Тан жазоси ҳалойиқ олдида амалга оширилади ва қонун жиноятчини қамчи билан савалашга тайёрлаш (шифокор кўригидан ўтказиш, касал бўлса, ҳукм ижросини кечиктириш ва ҳ.к.) тартибини белгилайди. Ҳалойиқ олдида савалаш Покистонда одатий ходисага айланди. Анча қаттиқроқ жазолар (бирор аъзосини кесиб ташлаш, тошбўрон қилиш) амалда қўлланилаётгани йўқ.

¹²⁶ Gledhill A. Pakistan: The Development of its Laws and Constitution // The British Commonwealth: Vol. 8/ 2nd ed. L., 1967. – P. 296.

Покистон судлари томонидан қўл ва оёқни кесиб ташлаш ҳақида бир неча ҳукмлар чиқарилган, лекин улар олий суд инстанцияси томонидан тасдиқланмаган ва бошқа жазо чоралари билан алмаштирилган. Ислом деликт ҳуқуқи нормаларини Покистоннинг амалдаги ҳуқуқига аста – секин сингдириб бориш жараёни кейинчалик ҳам давом эттирилди: 1980 йилда "Куфр учун жавобгарлик тўғрисида"ги Қонун кучга кирди, 1981 йилда рамазон пайтида рўза тутмаганлик учун жавобгарлик (уч ойгача муддатга озошликдан маҳрум этиш ва 500 рупийгача жарима солиш) белгиланди. Шунингдек. "қон учун хун" (дийя) жорий этилди, ҳарбий жиноят ҳуқуқига аъзоларни кесиб ташлаш жазосини тайинлаш ҳақидаги қоидалар киритилди.

Янги киритилган қоидаларга қарамай, исломий қонун ҳужжатларининг Покистон жиноят ҳуқуқига таъсири чекланган ҳолда бўлди ва у ўзининг аввалги, дунёвий ва европалашган асосини сақдаб қолди. Аксарият Покистон юристлари, шу жумладан, судьялар энг эскирган ва шафқатсиз шариат нормалари қўлланилишига турли йуллар билан тўсқинлик қилмоқдалар.

Ўлим жазоси ва юқорида кўрсатиб ўтилган исломий чоралардан ташқари қамок, мулкни мусодара қилиш ва жарималар Покистон жиноят ҳуқуқи бўйича жазо чоралари ҳисобланади. Қамок "қаттиқ" (сурғун маъносида) ёки "оддий" бўлади.¹²⁷

Махсус судларнинг юрисдикцияси 1988 йилда чеклаб қўйилган, бироқ улар фаолиятини давом эттираверган. 1991 йилда жадал иш юритувчи судлар янги юрисдикцияга эга бўлди, хусусан одам ўлдириш ва гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ жиноятлар тўғрисидаги ишларни кўрадиган бўлди. Бундай ишларда фақат битта апелляцияга йул қўйилади. 1990 йилда Беназир Бхуттонинг биринчи ҳукуматидаги (1988 – 1990 – йиллар) коррупция тўғрисидаги ишларни кўриш учун махсус "жавобгарлик" судлари таъсис этилди. 1993 йил охирида Беназир Бхуттонинг иккинчи ҳукумати 1994

¹²⁷ Esposito, J. L. Perspectives on Islamic Law Reform: The Case of Pakistan// NYU Journal of International Law and Politics. 1980. Vol.13. – P. 236.

йилдан эътиборан махсус судлардан фойдаланиш амалиётини тўхтатиш ниятини эълон қилди. 1996 - йилда Олий суд ҳам фавқулодда судларнинг параллел (мувозий) тизимига қарши чиқди. Бироқ мамлакатда қонли диний – этник тўқнашувларнинг давом этиши ҳозирча Покистонга ҳар хил фавқулодда чоралардан воз кечиш имкониятини бермаяпти. 1997 йилда ҳукумат навбатдаги аксилтеррористик ҳужжатни қабул қилди, унга мувофиқ "ишларни жадаллик билан кўриб чиқиш" учун мамлакатда ҳарбий судлар қайтадан жорий этилди. 1999 йил февраль ойида ҳукуматнинг "Ҳарбий судларни жорий этиш тўғрисида" ги қарори Покистон Олий суди томонидан ноқонституциявий деб эълон қилинди. Айни чоғда мамлакатда махсус аксилтеррористик судлар (1997 йил сентябрь ойида тузилган) ишлаб турибди. Улар фақат Синд ва Панжоб вилоятларида 16 ой ичида 1544 та ишни кўриб чиққан ва ўлим жазоси тўғрисида 158 та ҳукм чиқарган.

Қабилалар чизиғи (ҳудуди)да ва қабилалар яшайдиган бошқа жойларда федерал жинойт- процессуал қонун ҳужжатлари қўлланилмайди: уларда одил судлов қабилаларнинг бошлиқлари томонидан маҳаллий одат ҳуқуқига мувофиқ амалга оширилади.¹²⁸

Покистоннинг суд тизими юрисдикцияси кўпинча ўзаро кесишган бирқанча турдаги судларни ўзичига олади. Умумий фуқаролик, ҳарбий, маъмурий, фавқулодда ва шариат судлари шулар жумласидандир.

Покистон суд тизимининг бошида Олий суд туради. Унинг қарорлари мамлакатнинг барча суд органлари учун мажбурийдир. Олий суд Раиси (Покистоннинг Бош судьяси) Президент томонидан мустақил равишда, бошқа судьялар — Бош судья билан маслахатлашувдан кейин тайинланади. Олий суд аъзолари ўз лавозимларини 65 ёшгача эгаллаб туришлари мумкин. Муддатидан илгари лавозимдан четлаштириш Президент томонидан олдиндан Покистон Бош судьяси, Олий суднинг икки нафар катта (лавозимда

¹²⁸ Gledhill A. Pakistan: The Development of its Laws and Constitution // The British Commonwealth: Vol. 8/ 2nd ed. L., 1967. – P. 298.

турган вақтига кўра) аъзоси ва провинциялар юқори судлари икки нафар катта бош судьяларидан иборат таркибдаги Олий суд кенгашининг розилигини олиб амалга оширилади. Бундай четлаштириш учун номуносиб хулк-атвор ёки ўз вазифасини бажара олмаслик асос бўлиши мумкин.

Олий суд марказий ва провинция ҳукуматлари ўртасидаги ҳамда провинциялар ҳукуматлари ўртасидаги низолар бўйича биринчи инстанция суди сифатида иш кўриши мумкин. У апелляция инстанцияси сифатида юқори судларнинг қарорларини иш ҳуқуқнинг конституцияни шархлаш билан боғлиқ муҳим масаласига алоқадор бўлганда, ўлим жазосига ёки умрбод қамок жазосига ҳукм қилиш ҳақида сўз борганда ва бошқа бир қатор ҳолларда кўриб чиқади. Олий суд ҳар қандай ишни бир юқори суддан бошқасига олиб бериши мумкин. У маслаҳатлар бериш вазифасини ҳам амалга оширади: ўзига Президент томонидан кўриб чиқиш учун берилган ҳуқуқ масалалари бўйича хулосалар беради. Олий суднинг энг муҳим вазифаси фуқароларнинг асосий ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат қилишдир (Конституциянинг 184-моддаси 3-банди).

Инглиз умумий ҳуқуқини қабул қилган бошқа мамлакатларда бўлгани сингари Покистонда Олий суд конституциявий назорат қилиш вазифасини ҳам бажариб, давлат органлари у ёки бу ҳаракатларининг конституцияга қанчалик мослиги ҳақида, баъзан эса давлат тўнтаришининг қонунийлиги ҳақида қарорлар қабул қилади (масалан, 1977 йилда Олий суд генерал Зиё-улхак амалга оширган тунтаришнинг қонунийлигини тан олган эди).

Провинциялар суд органларининг бошида юқори судлар туради. Юқори суднинг Бош судьяи (раиси) ва аъзоларини Президент тайинлайди. Бунда Бош судья — Покистон Бош судьяси провинция губернатори билан маслаҳатлатувдан сўнг, юқори суд аъзолари эса мазкур суд бош судьясининг фикрини ҳисобга олиб тайинланади. Юқори судларнинг аъзолари 62 ёшга тўлганда ланозимларидан кетишлари керак. Улар Олий суд аъзолари сингари тартибда амалдан туширилишлари мумкин,

Юқори суд провинция барча қуйи суд органларининг фаолиятига раҳбарлик қилади ва уларни назорат қилиб боради. У уларнинг қарорларини кўриб чиқади ва апелляцияларни эшитади, қуйи судларнинг ўлим жазоси тўғрисидаги ҳукмлари мажбурий тартибда текширади. Бундан ташқари, юқори суд маъмурий органлар фаолиятини назорат қилади, улар томонидан фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларига риоя этилишини кузатиб боради ва шу ҳуқуқлар мажбурий амалга оширилиши юзасидан чоралар кўради.

Қуйи инстанциялардаги судлар округлар бўйича ташкил этилган бўлиб, жиноят ва фуқаролик судларига бўлинади. Шу тоифадаги судларнинг ҳар бирида унча катта бўлмаган ишлар билан шуғулланувчи қуйи инстанциядан то округ инстанциясига бўлган бир неча инстанция мавжуд. Масалан, жиноятлар оғирлигига қараб турли даражадаги магистратларда, шунингдек, сессия судларига — округлардаги жиноят ишлари бўйича юқори суд органларида (улар ҳар қандай ҳукмни, шу жумладан ўлим жазоси бериш тўғрисидаги ҳукмни ҳам чиқариш ҳуқуқига эга). Фуқаролик ишлари бўйича суд органларига округ судлари бошчилик қилади. Сессия ва округ судлари — округдаги юқори суд инстанция, шунингдек, апелляция органидир. Уларни провинция бош судьяси билан маслахатлашиб губернатор тайинлайди.

Доимий ҳарбий судлар мустақил тизимни ташкил этади. Армия тўрт буғинли, ҳаво ва денгиз кучлари эса уч бўғинли суд тизимига эга. Бу тизим юқори даражада бош ҳарбий судларни ва округ ҳарбий судларини, қуйи даражада эса дала бош ҳарбий судларини (флотда — умумий бош ҳарбий судларни) ўз ичига олади. Армияда тўртинчи, қуйи даражани умумий ҳарбий судлар ташкил этади.

Қонунчилик тартибида, асосан давлат хизматчиларининг ишларини кўриб чиқиш учун, маъмурий судлар ёки трибуналлар таъсис этилиши мумкин (Конституциянинг 212-моддаси).

Покистонда, шунингдек, айрим тоифадаги ишларни (тижорат, божхона, солиқ, банк, автотранспорт, атроф-мухит, меҳнатга оид ва х.к.з.) кўриш учун анчагина махсус судлар мавжуд. Ўз апелляция органларига эга бўлган меҳнат ва автотранспорт судларини истисно этганда, провинцияларнинг юқори судлари юқорида кўрсатиб ўтилган судлар учун апелляция инстанцияси ҳисобланади.

1970 – 1990 – йилларда Покистонда турлича номдаги фавқулодда судларни тузиш тўғрисида бир неча қонунлар ва фармонлар қабул қилинди.

Покистон исломий назорат ва одил судлов нинг мураккаб тизимига эга. Бу тизим мустақил органлардан ҳамда фуқаролик судларининг махсус бўлинмаларидан иборат. Мамлакатда норматив ҳужжатлар устидан даний назоратни амалга оширадиган иккита орган мавжуд. Уларни тузиш учун 1973 йилги Конституциянинг 277-моддаси ҳуқуқий асос ҳисобланади. Унга кўра, "барча мавжуд қонунлар муқаддас Куръонда ва Суннада белгиланганидек, исломий кўрсатмаларга мувофиқ ҳолга келтирилмоғи лозим ва, агар бундай кўрсатмаларга зид бўлса, ҳеч бир қонун қабул қилиниши мумкин эмас".

Ана шу органлардан биринчиси — Ислом мафкураси бўйича кенгаш ёки Ислом кенгаши 8—15 аъзодан иборат бўлиб, уларни Президент "муқаддас Куръонда ва Суннада таърифланганидек, ислом тамойиллари ва фалсафасини биладиган ҳамда Покистоннинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ёки маъмурий муаммоларини тушунадиган" шахслар орасидан уч йил муддатга тайинлайди. Ислом кенгаши маслаҳатлар бериш ваколатига эга. У парламентга ва провинциялар мажлисларига, Президентга ва провинциялар губернаторларига қонун лойиҳаларининг исломий кўрсатмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги масала юзасидан хулосалар, мавжуд қонунларни исломий кўрсатмаларга мувофиқлаштиришга қаратилган чоралар тўғрисидаги масала юзасидан тавсиялар беради.

Федерал Шариат суди диний назоратнинг иккинчи органи ҳисобланади. У 1980 йилда умумий судлар тизимида мувофиқ равишда ишлаб турувчи алоҳида суд муассасаси сифатида тузилган. Федерал Шариат суди – раис, юқори судларнинг судьяси мақомига эга бўлган турт аъзо ва уч нафар мусулмон уламосидан таркиб топган. Бу суд органининг аъзолари Президент томонидан уч йил муддатга тайинланади.

Диний назорат органи сифатида Федерал Шариат суди фуқароларнинг, федерал ва провинциялар ҳукуматларининг "қонун – қоидалари Куръонда ва Суннада баён қилинган исломий кўрсатмаларга номувофиқлиги" тўғрисидаги даъволари бўйича ишларни кўради. Биринчи инстанция суди сифатида Федерал Шариат суди жинсий жиноятлар учун ва талончилик жараёнида одам ўлдирганлик учун ўлим жазоси тўғрисида ҳукмлар чиқаради ҳамда уларни ижро этиш усулини (Ислом ҳукуқига мувофиқ) белгилайди. Айни пайтда бу суд – ҳудуд тоифасидаги жиноятлар юзасидан жиноят судлари чиқарган айрим ҳукмлар бўйича апелляция инстанцияси ҳисобланади. Федерал Шариат судининг қарори устидан, ўз навбатида, Олий судга шикоят қилиш мумкин бўлиб, бу ерда мусулмон судьялар — Олий суд аъзоларидан таркиб топган махсус апелляция бўлими тузилган.

Марказий ва провинциялар ҳукуматларига юридик масалаларда тегишлича Покистон Бош атторнейи ва провинциянинг губернатор томонидан тайинланадиган Бош адвокати ёрдам кўрсатади.

1983 йилдан эътиборан Покистон Конституциясида омбудсманга ўхшаш институт — Wafaqi Mohtasib хизмати назарда тутилган. Мохтасиб Президент томонидан битта тўрт йиллик муддатга тайинланади. У федерал маъмурият фаолияти устидан назоратни амалга оширади, шу жумладан давлат бошқаруви соҳасидаги суистеъмолликлар ва бузилишлар ҳолларини (фуқароларнинг шикоятлари бўйича) текширади. Мухтасиб "ёмон бошқарув" натижасида жабрланган шахсга товон тўлашга ваколатлидир. Ташқи ишлар,

давлат хавфсизлиги ва мудофаа соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар Покистон омбудсмани тасарруфига киритилмаган.

Покистон Конституциясида суд ҳокимиятининг мустақиллиги тамойили мустаҳкамлаб қўйилганига қарамай, у амалда Президент ва ҳукуматнинг кучли таъсири остидадир.

ХУЛОСА

“Мусулмон мамлакатлари ҳуқуқий тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари” мавзусида олиб борган мазкур битирув малакавий ишимни ёзиш жараёнида кўпгина манбалар билан танишдим ва уларни таҳлил қилиш имкониятига эга бўлдим. Хусусан ислом ҳуқуқи ўзининг тизимлаштирилган соҳа ва манбаларига эга эканлиги; бошқа ҳуқуқ оилалари билан кенг алоқаларга кириша олганлиги; жамият ҳаётига тез кириб бориши; ислом динини қабул қилган халқларнинг асрлар давомидаги қадриятларини ҳуқуқнинг бир манбаси деб; яъни “урф” сифатида қабул қилганлиги; ҳуқуқий манбалар асосида ҳукм чиқаришда ҳуқуқшуносларга енгил тарзда йўл очиб берилганлиги (ижтиҳод); инсон ҳуқуқлари борасида илгари сурилган илғор ғоялари билан ажралиб туришини билиб олишга ҳаракат қилдим.

Мусулмон мамлакатлари ҳуқуқ тизимларини ўрганиш мақсадида танлаб олинган Эрон Ислом Республикаси, Покистон Ислом Республикаси ва Индонезия Республикаси сингари давлатларда мусулмон ҳуқуқининг қанчалик жамият ҳаётига кириб борганлигини кўриб чиқишимиз мумкин. Тўғри ушбу мамлакатлар босиб ўтган ўз тарихий йўллари мобайнида турли ички ва ташқи эврилишларни бошидан кечирган. Бу ҳодисалар уларнинг бошқа соҳалари каби ҳуқуқ тизимларига ҳам таъсир кўрсатган. Масалан 1979 – йилги Эрондаги инқилоб ушбу мамлакатдаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий соҳаларнинг тубдан ўзгаришишига олиб келди. Шоҳ давридаги ғарблаштириш сиёсати (вестернизация) ўрнига исломийлаштириш ҳаракати авж олдирилди. Бу эса аввало ҳуқуқ тизимининг шариат қоидалари асосида қайтадан тузилишини кўзда тутар эди. Бу процесс ҳозиргача давом этмоқда.

1947 – йилда Буюк Британия томонидан диний мансублик жиҳатидан Покистоннинг Ҳиндистондан мустақиллигини тан олиниши Покистон ҳаётида диннинг аҳамияти юқори даражага кўтарилганлигини шоҳиди бўлишимиз мумкин. Лекин унинг ҳуқуқ тизими аввалги англо – саксон ҳуқуқий оиласига мансублигича қолаверган. Ҳарбий тўнтаришларнинг

уюштирилиши ва реакцион режимни ушлаб туриш учун ҳарбийлар дин омилидан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилишган. Бунга генерал Зиёулҳақнинг фаолиятини мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Айнан унинг даврида ислом ҳуқуқи Покистон ҳуқуқ тизимига кенг кўламда тадбиқ этила бошланди. Ушбу ислохотлар натижасида юзага келган суд – ҳуқуқ тизимида ташкил этилган органлар ва қабул қилинган норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар ҳозирда ҳам амалда эканлигини кўришимиз мумкин.

Индонезия Республикасига келадиган бўлсак, бу давлат узок вақт мобайнида давом этган мустақиллик учун кураш натижасида озодликка эришди. Голландлар томонидан тадбиқ этилган норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар уруғ – қабилавий урф – одатларнинг катта таъсирга эга эканлиги натижасида кенг тарқала олмаган. Архипелагнинг кўчилик аҳолиси исломга эътиқод қилиши (90 фоиздан ортиғи) натижасида шариат нормалари ҳам катта таъсирга эга эканлиги тадқиқот жараёнида аниқланди.

Ушбу битирув малакавий ишини тайёрлаш мобайнида менда мазкур соҳага доир баъзи – бир таклифлар юзага келди. Улар қуйидагилар:

1. Ислом ҳуқуқини ҳуқуқий меросимизнинг муҳим бир қисми сифатида уни ўрганиш доирасини кенгайтириш ва унинг мустақил ҳуқуқий тизим эканлигини ҳисобга олиб, бу соҳада кенг қамровли илмий – тадқиқот ишларини амалга ошириш.
2. Ислом ҳуқуқининг манбалари, тармоқлари ва институтларига бағишланган илмий – тадқиқот ишлари асосан хорижий тилларда (араб, форс, урду ва б.) ёзилган. Шунинчун олган ҳолда асл манбаларнинг таржимасини жадаллаштириш. Бу бизга ислом ҳуқуқи ҳақида янада кенгроқ маълумот олишимизга имконият yaratgan бўлар эди.
3. Бу соҳада илмий – тадқиқот ишларини давр талаби даражасида ташкил қилиш учун, тегишли билимларга эга мутахассислар тайёрлаш.

4. Буюк аждодларимизнинг фикҳ доирасида олиб борган изланишларини тадқиқ этиш ва буларнинг ҳам таржима ишларини кенгайтириш.
5. Мусулмон ва ғарб олимларининг ислом ҳуқуқига доир тадқиқотларини қиёсий ўрганиш. Ушбу усул орқали биз фикрлар хилма – хиллигини юзага келтирган ва уларнинг умумий ва карама – қарши томонлари ҳақида тасаввурга эга бўлишимиз мумкин.
6. Хорижий мамлакатлар ҳуқуқий тизимлари борасида мусулмон мамлакатларининг ҳам ҳуқуқ тизимларини ўрганишни кенгайтириш. Бу мазкур мамлакатлар билан ташқи алоқаларнинг ривожлани жараёнида муҳим амалий аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. 1 Норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Гражданский кодекс Индонезии. [http://www. inspirativ.ru](http://www.impirativ.ru)
2. Гражданский кодекс Пакистана. [http:// www. advo-kati.ru](http://www.advo-kati.ru)
3. Гражданский кодекс Ирана. [http:// www. kommentarii.org](http://www.kommentarii.org).
4. Конституция Исламской Республики
Иран.<http://www.constitutionallaw.ru>
5. Конституция Исламской Республики Пакистан . [http:// www.academic.ru](http://www.academic.ru)
6. Конституция Республики Индонезии. <http://www.worldislamlaw.ru>
7. Трудовое кодекс Индонезии. [http://www. znate.ru](http://www.znate.ru)
8. Трудовое кодекс Ирана. [http:// www.lib.ua-ru](http://www.lib.ua-ru).
9. Трудовое кодекс Пакистана. [http:// www. preiskurant.ru](http://www.preiskurant.ru)
10. Уголовно-процессуальное кодекс Индонезии. [http://www. evindu.ru](http://www.evindu.ru)
11. Уголовно-процессуальное кодекс Пакистана. [http://www. edu.ru](http://www.edu.ru)
12. Уголовно-процессуальное кодекс Ирана. [http://www. socbookz.ru](http://www.socbookz.ru)
13. Уголовный кодекс Индонезии. [http://www. kodeks.net](http://www.kodeks.net)
14. Уголовный кодекс Ирана. [http://www. garant.ru](http://www.garant.ru)
15. Уголовный кодекс Пакистана. [http://www. kommentarii.org](http://www.kommentarii.org)

1.2 ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ АДАБИЁТЛАР

1. Amin S. H. Middle East Legal Systems. Glasgow, 1985.
2. Damian E. Indonesia's Formal Legal System an Introduction // American Journal of Comparative Law. Vol. 20. 1972.
3. Esposito. J. L. Perspectives on Islamic Law Reform: The Case of Pakistan // NYU Journal of International Law and Politics. 1980.
4. Gautama S. Introduction to Indonesian Law Unity in Diversity. Colorado, 1974.
5. Gledhill A. The Development of its Laws and Constitution // The British Commonwealth: Vol. 8/ 2nd ed. L., 1967.
6. Hooker M. B. Adat Law in Modern Indonesia. Kuala Lumpur, 1978.
7. Hooker M. B. Islamic Law in South-East Asia. Singapore, 1984.
8. Noori. Y. Islamic Government and Revolution in Iran. Glasgow, 1986.

1.3 ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДАГИ АДАБИЁТЛАР

1. Абдулваҳҳоб Халлоф, Илми усулил – фикҳ ва хулосати – ташриъил – исломий, Қ., 1950. – 375 б.
2. Алексеев С.С. Право на пороге нового тысячелетия. М., «Статут», 2000. – 279 с.
3. Бабаева В.К. Теория государства и права. М. ВиМ, 2006. – 311 с.
4. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. / Ҳ. Б. Бобоев ва Ҳ. Т.Одилқориев таҳрири остида, ю. ф . д. проф – Т. : ТДЮИ, 2005.–532 б.
5. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. / Ҳ. Б. Бобоев ва Ҳ. Т.Одилқориев таҳрири остида, ю. ф . д. проф– Т. “ Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” 2000. – 528 б.
6. Грюнебаум Г.Э. фон. Классический ислам. Очерк истории (600 - 1258). М., Главная редакция восточной литературы издательства «Наука», 1988.– 442 с.
7. Давид Р. Основные правовые системы современности. М.,Наука., 1988.
8. Жўзжоний. А. Ш.Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. Т., Тошкент ислом университети. 2002.– 256 б.
9. Ислом энциклопедияси. Т., “ Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2004.– 569 б.
- 10.Исломов З. М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Масъул муҳаррирлар : Ҳ. Раҳмонкулов, ю. ф . д. проф – Т. : Адолат, 2007.– 439 б.
- 11.Мец Адам. Мусульманский Ренессанс. М.: Издательство «ВиМ», 1996.– 542 с.
- 12.Мюллер А. История ислама. Т. I-II. М: Изд-во иностр. лит 2004.– 487 с.
- 13.Правовые системы стран мира: Энциклопедический справочник. - 3-е изд., перераб. и доп. (Отв. ред. докт. юрид. наук, проф. А.Я. Сухарев.). М:Издательство НОРМА, 2003 г.– 638 с.
- 14.Сабуров Н. Давлат ва ҳуқуқ назарияси (саволлар, таърифлар, тушунча ва атамалар) / Ўқув-услугий кўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2005.– 587 б.
- 15.Саввас-паша. Теория мусульманского права. Т. Ирфон, 1910.– 205 с.

- 16.Садагдар М. И. Основы мусульманского права. М.: Наука, 1968.– 132 с.
- 17.Саидов А. Х. Основы мусульманского права. Курс лекций. Ташкент: Акад. МВД Республики Узбекистан, 1994.– 281 с.
- 18.Саидов А. Х. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари. Дарслик. – Т. : ТДЮИ, 2005.– 898 б.
- 19.Саидов А.Х. Сравнительное правоведение. Т., «Адолат», 1999.– 364 с.
- 20.Сюкияйнен Л. Р. Мусульманское право. Вопросы теории и практики. М.: Наука, 1986.– 527 с.
- 21.Тихомиров Ю.А. Курс сравнительного правоведения. М.Норма, 1996.– 376 с.
- 22.Хачим Ф.И. Конституционное право стран Ближнего Востока (Иран, Египет, Израиль, ОАЭ, Ирак); М.: "РУДН" - 2001.– 425 с.
- 23.Шарль Р. Мусульманское право. М.: Изд-во иностр. лит., 1959.– 421 с.